

821.512
0-46

МОЛХОНА




ЖОРЖ ОРУЭЛЛ

Барча икки оёқлилар – душман...

ЖОРЖ ОРУЭЛЛ

МОЛХОНА

Ҳаёллий антиутопик асар



иккинчи нашр

www.asaxiy.uz

Тошкент
2019

УЎК 821.111-32

КБК 84(4Ббр)

О-76

Оруэлл, Жорж.

Молхона [Матн] : роман / Ж.Оруэлл ; таржимон К.Бахриев
- Тошкент : NIHOL, 2019. - 100 б.

УЎК 821.111-32

КБК 84(4Ббр)

ISBN 978-9943-23-149-8

Жорж Оруэлл (ингл. George Orwell, ҳакиқий исм-шарифи Эрик Артур Блэр) — инглиз ёзувчиси бўлиб, ғайрихаёлий «1984» романни ва «Молхона» ривоят-қиссасининг муаллифидир.

Жорж Оруэлл «Молхона» асарини 1943 йилнинг ноябридан то 1944 йилнинг февралигача ёзган ва 1945 йилнинг августидага ўзлон қилган. Китобни ҳар бир инсон ўқиши ва мулоҳаза қилиши лозим: нега бу дунёмиз шундай, у аслида қандай бўлиши керак.

«Молхона» жаҳон адабиёти тарихидаги энг муввафқиятли ва баҳсли асарлардан бири ҳисобланади. Асар ғоясидан келиб чиқиб асосий намуна сифатида СССР олингандигини фараз қилиш мумкин.

«Молхона»ни ўқир экансиз, жуда таниш ҳодисаларни ўқиётгандай бир ҳис қамраб олади сизни – сотқинлик, воқеаларни ва фактларни сохталаштириш, ўз максадлари учун тарихни ўзгартиришга уриниш инсонлар жамиятининг ҳам одатий ҳолати, барининг остида ҳокимиятга интилиш ҳисси ётади. Ҳокимиятга интилиш ҳирси озодликка интилиш никобига ўранади, инсоннинг ҳокимиятидан кутулган, тенглик ва озодликка асосланган молхона куришга жонланган жоноворлар яна диктатурани – бир тоифа ҳайвонларнинг бошқа тоифа ҳайвонлар устидан ҳукмронлигини барпо этадилар.

ISBN 978-9943-23-149-8

I БОБ

«Кўрғонча» молхонасидаги мистер Жонс оқшом тушиши билан товуқхонасини тамбалаб кўйди. Бироқ у шу қадар маст эдикни, девордаги тешикни беркитиш ёдидан кўтарилиди. Орқа эшикни оёғи билан туртиб ёпгач, у қўлида силтаниб турган фонуси ёритган ерларда каловланиб, бироз тентиралиди. Кейин ошхонадаги бочкадаги пиводан бир стакан сиздириб ичди ва хотини Жонс хоним хуррак отаётган тўшакнинг бир четига кирди.

Ётоқхонада чироқ ўчиши билан молхонада безовта ҳаракатлар бошланди. Кун бўйи ҳайвонлар орасида миш-мислар тарқалди, гўёки кекса майор, мидлуайтлик мукофотланган ахта чўчқа ўтган кечаси туш кўрибди ва бугун бу ҳақда бошқа жониворларга сўзлаб берар экан. Ҳаммалари, мистер Жонс кўздан батамом ғойиб бўлиши билан, катта омборда кўришишга қарор килишди. Кекса майор (уни ҳамиша шундай аташарди, ҳолбуки, кўргазмаларга олиб борганда «Уиллингтон Гўзали» деган ном остида намойиш этишарди) молхонада жуда катта ҳурмат-эътиборга сазовор эди. Шунинг учун бу таклифга ҳамма ҳайвонлар рози бўлишди.

Майор аллақачон омбор охиридаги ўзининг пичан гарамидан қилинган юксак тахтида, тўсинга осилган чироқ остида оломонни кутиб турарди. У ўн икки ёшда бўлиб, охирги пайтларда бўйига эмас, энига кўпроқ кенгайган эди. Барibir, кўрқинч соладиган сўйлок тишларига қарамасдан, аввалгидай олижаноб чўчқалигича қолган, кўзларидан донишмандлик ва меҳр нури таралиб турарди. Ҳамма ҳайвонлар тўплангунча, ҳар бири ўз таъбига мос жой топиб ўтиргунча, анча вақт ўтди. Биринчи бўлиб учта кўппак – Блюбелл, Жесси ва Пинчер келди. Унинг ортидан чўчқалар киришди ва тепалик ёнидаги пичан устидан жой олишди. Товуқлар дераза пештахталарига жойлашдилар, кабутарлар потирлашиб, том остидаги тўсинларга тизилишди. Кўйлар ва сигирлар эса дарҳол чўчқаларнинг ёнига ўзларини ташладилар ва пичан чайнашга тушдилар. Боксёр ва Кловер исмли тулпорлар биргаликда келишди. Улар, кенг ва юнгли туёқлари имкон қадар оз жойни эгаллаши учун, эҳтиёткорлик билан, секин ҳара-

катланишарди. Кловер ўрта ёшлардаги баланд байтал бўлиб, тўртинчи тойчогини тукканидан кейин сўлқиллаб қолганди. Боксёрнинг ташки кўриниши ғайриихтиёрий хурматни уйфатарди – яғрини баландлигидан бўйи б фут бўлиб, у шу қадар кучли эдик, оддий отларнинг иккитасичалик қувватга эга эди. Унинг башарасини кесиб ўтган оқ чизик тулпорга ахмоқона кўриниш берар, ростини айтганда, ўзи ҳам у қадар ақлли эмас эди. Бироқ ўзининг сокин хулк-автори ва ғаройиб меҳнатсеварлиги билан ҳаммага ёқар эди. Отлардан сўнг оқ эчки Мюриэл ва эшак Бенжамин келди. У бу молхонада энг кўп яшаган ҳайвон бўлиб, ҳаддан зиёд расво ҳарактери бор эди. У кам гапирав, мабодо гапириб қолса, юзинг-кўзинг демай, шарттакилик қиласарди. Масалан, у бир куни Яратган менга сўна-пашшаларни ҳайдаш учун дум берган, аммо пашшалар ҳам, дум ҳам бўлмаса афзал эди, деган. Ҳайвонлар орасида ҳеч қачон кулмаган ва кулмайдиган жонивор ҳам у эди. Нега бундай ғамгин экани ҳакида савол берилганда, у бу дунёда кувонч учун сабаб ҳали йўқлигини айтганди. Шунга қарамасдан, у тулпор Боксёрга боғланиб қолганди; одатда, улар якшанба кунларини боғ ёнидаги мўъжазгина яйловда майсаларни ковшаниб, ёнма-ён ўтказишарди.

Боксёр ва Кловер ёнбошлаб олган заҳоти, омборга онасини йўқотиб қўйган ўрдакчалар подаси ёпирилиб киришди; ҳаяжон билан ғақиллаб, хавфсиз, бирор билиб-билмай босиб олмайдиган жой илинжида, у ёндан-бу ёнга югурга бошлишиди. Байтал Кловернинг узанган оёғи уларга химоя девори бўлиб кўринди, ўрдакчалар бу бошпанага иргишилаб киришди ва дарҳол уйкуга кетдилар. Ниҳоят, омборга, қанд бўллагини қитирилатиб чайнаганча, олифта солланиб, мистер Жонснинг икки ғилдиракли аравасини тортадиган, далли оқ бия Молли кирди. У биринчи қатордан жой олди ва дарҳол такиб қўйилган қизил тасмачасига эътиборни қаратиш учун оқ ёлларини ўйнай бошлиди. Охирида мушук кирди ва одатдагидай, энг иссиқ жойни излаб, у ён-бу ёнга алантлади ҳамда Боксёр ва Кловернинг ўртасига сирғалиб кириб олди. Бу ерда у тинимсиз ағанаб, майорнинг нутқи пайтида миёв-миёвлаб тинмади ва маърузанинг бирорта сўзини ҳам эшитмади.

Орқа эшик ёнидаги таёқ учида ўтирадиган, кўлга ўргатилган қарға Мозусдан бошқа барча жониворлар жам бўлган эди. Ҳамма қулай тарзда жойлашиб олишлари ва сукунат чўкишини кутиб, майор томогини қирди-да, гап бошлади:

– Ўртоқлар, кечак оқшом менинг ғалати бир туш кўрганимни ҳаммаларингиз эшитган бўлсангиз керак. Бу тушга кейинроқ қайтаман. Энг аввало сизларга, мана, нимани айтишим лозим. Сизлар билан яна узоқ ойлар бирга бўламиз, деб айтольмайман. Куним битяпти. Сезяпманки, сизлар билан ўлимим олдидан йиллар бўйи ортирилган донишмандлик меваларини баҳам кўришим лозим. Мен узоқ умр кечирдим, бир ўзим оғилда ёлғиз ётганимда, мулоҳаза юритиш учун етарли вактим бўлди. Ўйлайманки, ҳаётнинг моҳиятини замондошларимнинг барчасидан ҳам кўпроқ тушунаман, деб айта оламан. Мана, шуларни сизларга баён қилмоқчиман.

Шундай қилиб, дўстлар, биз ва сизнинг тириклигимиздан нима маъно бор? Келинглар, ҳақиқатнинг юзига тик қарайлик: қисқа ҳаётимизнинг ҳар бир куни хўрликда ва заҳматли меҳнатда ўтади. Туғилганингиздан бошлаб бизга ўлмайдиган даражадагина овқат беришади, кучи бор ҳайвонлар энг сўнгти нафасигача ишлаши керак; одатда, биз ҳеч нарсага ярамай, ҳеч кимга керак бўлмай қолганимизда, бизни шафқатсизларча күшхонага равона қилишади. Бир йилни ўтказган бирорта ҳайвон бу Англиядада баҳт нималигини ёки меҳнатдан кейин дам олиш қандай бўлишини билмайди. Англиядада бирор-бир ҳайвон эрк нима эканини англамайди. Ҳаётимиз – қашшоқлик ва қулликдир. Ҳақиқат шудир.

Аслида ҳақиқий ҳолат шундай бўлиши мумкинми? Бу она заминимизнинг қашшоқлигиданми, ер унда яшайдиган ва меҳнат килаётган барча жониворларни бока олмайдими? Йўқ, ўртоқлар, минг бора йўқ! Англиядада иқлим майнин, замин ҳосилдор, ер ҳозир яшаетганидан ҳам кўпроқ жониворларни бока олади. Бизники сингари молхона ўнлаб отларни, йиғирмата сигирни, юзлаб кўйларни бока олади – ва уларнинг ҳаёти қулайликларга тўла, ўзлари иззат-эътиборга эга бўладилар, биз бу ҳақда ҳали орзу ҳам қила олмаймиз. Нега биз

бу қадар тубан ақволда яшашда давом этмоқдамиз? Сабаби шундаки, биз ўз меҳнатимиз билан ярататтган деярли ҳамма нарса одамлар томонидан ўзлаштириб юборилмоқда. Мана, ўртоқлар, барча саволларнинг жавоби қаерда экан. Бу битта, аммо ягона – одам деган сўздадир. Бизнинг ягона ҳақиқий душманимиз – одам. Саҳнадан одамни олиб ташланг, очлик ва аёвсиз меҳнатнинг сабаби йўқолади.

Одам – ўзи ҳеч нарса ишлаб чиқармай, ҳаммасини ҳазм қиласиган ягона маҳлукдир. У сут бермайди, тухумламайди, омочни судраш учун унинг кучи етмайди, куёнларни тутиб олиш учун тезлиги суст. Шунга қарамай, у барча жонзотларнинг олий ҳокими. У жониворларни ишга ҳайдайди, емишини фақат улар очликдан азоб чекмайдиган даражада беради – қолган ҳамма нарса унинг ихтиёрида қолади. Бизнинг меҳнатимиз билан ер шудгор қилинади, бизнинг гүнгимиз билан ер озиқланади, – бизнинг эса баданимизни ёпган теримиздан бошқа мулкимиз йўқ. Мана сизлар, ҳозир қаршимда ястаниб ўтирган сигирлар, ўтган йил мобайнида қанча сут бердинглар? Сизлар бўлиқ бузоқларингизни озиқлантиришингиз мумкин бўлган сут нима бўлди? Уларни сўнгги томчисигача душманларимиз ичиб, ютиб юборишиди. Сизлар-чи, товуқлар, бу йил нечта тухум қўйдинглар ва нечта жўжани очиб чиқдинглар? Қолганлари бозорга олиб бориб сотилди ва Жонс ҳамда у кабиларнинг чўнтағига жарақ-жарақ пул бўлиб тушди. Сен айт-чи, Кловер, сенинг азбларда тукқан ва вояга етказган, қариганингда сенга таянч ва овунчоқ бўладиган тўртга тойчоғинг қаёқда? Уларнинг барчаси, бир ёшга тўлар-тўлмас, сотиб юборилди ва сен уларни бошқа ҳеч қачон кўра олмайсан. Айт-чи, тўрт марта тутруқ азобини чекканинг, далаларни омоч судраб ҳайдаганингдан кейин сенинг бир тутам пичан ва ипли қозигингдан бошқа ниманг қолди?

Бизнинг шўрлик умримиз ҳам табиий йўл билан тугамайди. Мен ўзимни айтмаяпман, менинг омадим бор экан. Ўн икки ёшгача яшадим ва тўрт юзтадан зиёд чўчқачаларни тутдирдим. Бир чўчқа учун муносиб умр кўрдим. Аммо ҳеч бир ҳайвон умри охирида шафқатсиз пичоқдан кутулиб қололмайди. Мана, сиз, олдимда турган ёш чўчқачалар, бир

йил ўтмай, ҳаётларингизни анави шаҳар ташқарисидаги қассобхонада тутгатасиз. Бундай даҳшатли тақдир ҳамманни: сигирларни, чўчқаларни, товуқларни, қўйларни, ҳамма-ҳаммангизни кутади. Ҳатто отлар ва кўппакларга ҳам раҳим қилинмайди. Сенинг бакувват мускулларинг сенга хизмат қилолмайдиган ўша олис кун келади, Боксёр, ўшанда сени мистер Жонс тери шилувчига жўнатади, у эса сенинг гўштингдан итларга овқат тайёрлади. Итларга келсак, улар қариб, тишлари ўтмаслашиб қолганда, мистер Жонс уларнинг бўйнига ғишт боғлаб, якин атрофдаги ҳовузга чўктиради.

Шунча гаплардан кейин, ўртоқлар, ҳаётимизни заҳарлаган ёвузликнинг манбаи одамзоднинг ҳукмронлиги экани аниқ-равshan бўлмадими? Одамдан халос бўлсак бўлди, меҳнатларимизнинг барча мевалари бизнинг мулкимизга айланади! Истасак, шу бугун кечкурундан бошлаб эркимизнинг қуёши ёнади ва бой ҳамда мустақил жониворларга айлантиради. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Вужудимизни ва қалбимизни одамнинг ҳукмронлигини йўқ қилиш учун фидо қилиб, туну кун меҳнат қилишимиз шарт! Мен сизларни, ўртоқлар, исёнга даъват қиласман! У қаҷон аланга олади, буни билмайман, балки бир ҳафтадан сўнгдир ёки юз йилдан кейиндир. Аммо мен, мана шу сомонни кўриб турганимдек, аниқ ва равshan кўрмокдаманки, эртами-кечми, адолат тантана қиласди. Ҳаётимиз қанча қолган бўлса ҳам, ўз ҳаётимизни бу ғояга фидо қиласлик! Бундан ташқари, менинг бу Мурожаатномамни сизлардан кейин келадиганларга ҳам етказинглар, зеро келгуси авлодлар курашни ғалабага эришунга қадар олиб борсинлар.

Эсда тутинглар, ўртоқлар, сизнинг жасоратингиз, журъатингиз барқарор ва собит бўлсин. Сизларни ҳеч қандай ғайри фикрлар йўлдан адаштирмасин. Агар кимдир жониворлар ва одамлар ўртасида умумий манфаатлар бор, бир томоннинг фаровонлиги иккинчи томоннинг фаровонлиги демакдир, деб гапира бошласа, уни эшитманглар. Буларнинг бари ёлғон! Одамларни ўзлариникидан бошқа ҳеч кимнинг манфаати қизиктирмайди. Биз ҳайвонларнинг орасида эса жангда енгилмас

бирлик, мустаҳкам биродарлик ғалаба килсин. Барча одамлар – душманларимиз. Барча ҳайвонлар – биродарлар.

Майор нутқини тугатган заҳоти даҳшатли шовқин-сурон кўтарилди. Унинг нутқи давом этаётган пайтда тўртта баҳайбат каламуш ўз уяларидан чиқишиди ва орқа оёқларига таяниб, майорни дикқат билан эшитишиди. Шу пайт уларни кўппаклар сезиб қолишиди, бирдан ўзларини уяга урган каламушларнинг ҳаётини тезкор ҳаракатларигина кутқариб қолди. Жониворларнинг барчаси биродарлар эмиш... Майор жим ўтиришга ундаб, оёғини кўтариб қўйди.

– Ўртоқлар, – деди у, – биз яна бир масалани ҳал этишимиз лозим. Каламушлар ва қуёнлар сингари ёввойи ҳайвонлар ҳам дўстларимизми ёки душманларимизми? Келинглар, овозга қўямиз. Мен мажлисимиз кун тартибига кўриб чиқишига шу масалани тавсия этаман: каламушлар бизнинг ўртоқларимиз ҳисобланадими?

Овоз бериш жараёни тезда ўтказилди ва кўпчилик овоз билан каламушларни ўртоқлар деб ҳисоблаш мумкин, деган қарор қабул қилинди. Фақат тўртовлон – учта ит ва мушук қарши овоз беришиди. Кейин маълум бўлишича, мушук иккала ҳолатда ҳам овоз берган экан. Майор давом этди:

– Мен яна озгина нарсани қўшимча қиласман, холос. Мен такрор айтаман: ёдда сақланг, сизнинг мажбуриятингиз одамларга ва уларнинг ҳар қандай ташабbusларига қарши курашишдир. Икки оёқда юрадиган ҳар бир жон – ганим. Тўртта оёғи ёки қаноти бор ҳар бир жон – дўст. Яна шуни ёдда тутингки, инсон билан курашда ҳам биз ҳеч вакт унга ўхшашимиз мумкин эмас. Ҳатто ғалаба қилганимизда ҳам инсон яратган ҳамма нарсани рад этамиш. Ҳеч бир ҳайвон уйда яшамаслиги, тўшакда ухламаслиги, кийим киймаслиги, ароқ ичмаслиги, тамаки чекмаслиги, пулга кўл теккизмаслиги ва савдогарлик қилмаслиги керак. Инсоннинг ҳамма одатлари – ёвузиликдир! Бундан ташқари, ҳеч бир жонивор ўз қардошларига зулм қиласин. Заифмизми ёки кучлимизми, ақлинимизми ёки аҳмоқмизми – ҳаммамиз биродарлармиз! Бирор-бир жонивор бошқа жониворларни ўлдириши мумкин эмас. Ҳамма ҳайвонлар тенгдир.

Энди, ўртоқлар, мен сизларга кеча оқшом күрган түшимиңи айтиб бераман. Мен сизга бу орзуни тасвирилашга ожизман. Бу инсон дегани ер юзидан буткул йўқолганидан кейинги замин ҳақидаги орзу эди. Мен аллақачон унуглиган нарсани эслаб қолдим. Кўп йиллар аввал, мен ҳали кичкина чўчқача бўлганимда, менинг онам ва барча қариндошларим бир кўхна қўшиқни куйлашни яхши кўрар эдилар. Рости гап, улар бу қўшиқнинг бор-йўғи дастлабки уч қаторини ва оҳангини билардилар, холос. Мен бу қўшиқни болалигимдан эсда тутаман, аммо кўп вақт ўтди ва кўп нарса ёддан кўтарилиди. Ўтган оқшом бу қўшиқ менга орзу билан бирга қайтиб келди. Энг ҳайратланарлиси, – ва ишончим комилки, қўшиқнинг олис ўтмишда ҳам ҳайвонлар айтиб келган сатрлари ёдимга келди, ҳолбуки, бу сатрлар аллақачон авлодлар хотирасидан ўчиб кетган, деб ҳисобланар эди. Мен ҳозир сизларга бу қўшиқни айтиб бераман, ўртоқлар. Мен қариб қолганман, овозим ҳам хириллаб чиқади, бироқ мен сизларга оҳангини ўргатгандан сўнг, сиз уни мендан яхшироқ куйлайсиз. Бу қўшиқ «Англия жониворлари» деб аталади.

Кекса майор томоқ қириб, бўғзини тозалади ва қўшиқни бошлади. Худди айтганидай, унинг овози хириллоқ эди, аммо «Клементина» ва «Кукарача» ўртасидаги ҳаяжонли оҳанг тоза янграб эди. Сўзлари шунаقا эди:

*Англия ва жаҳон жониворлари,
менинг сўзим борар ҳайвон зотига,
чорлар далалардан, молхоналардан
янги замонларнинг саодатига.*

*У кун келар, келади албат,
энг буюк покликнинг пок мавжудоти ,
одам деганлари тугайди абад,
қолади дунёда ҳайвонлар зоти.*

*Бошқа бошимизда қамчин ўйнамас,
бўйинтуруқ бўймас томоқни бошқа,
майли, синиб кетсин извош ярамас,
аравани тортмас ул тулпор қашқа!*

*Эртамиз бўлади албат фаровон,
йўнгичқа, пичан-у дон-дунлар сероб,
омборлар тўладир, ҳамма ёқда дон,
толемиз ёрқин, тепада офтоб.*

*Англия осмони чараклар ёрқин,
сувлари покиза, ирмоқлар – шиша,
кўшиқ куйлар энди шамоллар шоишқин:
биз озодмиз энди мангу, ҳамиша!*

*Сўз берамиз бугун бир-бири мизга –
қўлга олажакмиз тақдиримизни!
Чўчқалар, товуқлар, сигирлар – барча
жсангда жасоратли тутармиз ўзни!*

*Англия ва жаҳон жониворлари,
менинг сўзим борар ҳайвон зотига,
чорлар далалардан, молхоналардан
янги замонларнинг саодатига.¹*

Бу кўшиқнинг биргаликда ижро этилиши барча ҳайвонларни ёввойи жунбишга келтирди. Майор охирги сўзни талаффуз қилиши билан, жониворлар кўшиқни қайтадан айта бошлишди. Иштирокчиларнинг энг анқовлари ҳам оҳангта тушиб олишди ва бир неча билган сўзларини илиб кетишли, энг ақлли бўлган чўчқалар ва итларга келсак, улар бир-икки дақиқада дарров қўшиқни дилларининг туб-тубидан куйлай бошлишди. Бир-бирларига мослашувга бир неча бор уринишдан сўнг бутун молхона ҳайратли бир яқдилликда «Англия жониворлари»ни баралла айта бошлиди. Сигирлар кўшиқни маърашар, итлар ириллашар, кўйлар баърашар, отлар кишинар ва ўрдаклар ғақиллашарди. Улар шу қадар завқ билан куйлашардики, қўшиқ беш марта кетма-кет ижро этилди, ҳар гал аввалгисидан яхши эди. Агар уларни узиб қўйишмаса, тун бўйи куйлашарди.

¹ Бу ерда ва барча бошқа шеърларни Карим Бахриев таржима қилган.

Афсуски, шовқиндан мистер Жонс уйғониб кетди, ҳовлига тулки кириб қолған деган қатыяят билан түшакдан турди. У ҳамиша боши устида турадиган милтигини ушлаб, ҳовлига чиқди ва бир-икки марта қоронғиликка ўқ отди. Ўқларнинг бири омборнинг деворига тегди ва... мажлис ўша заҳоти тугади. Ҳамма ўзи ҳамиша тунни ўтказадиган тешикларига тарқаб кетди. Кушлар ўзларининг қўноқлари-га чиқишиди, ҳайвонлар пичанга ағанашибди, бутун молхона дарҳол уйқуга чўмди.

II БОБ

Уч кундан сўнг кекса майор уйқуда сокингина жон таслим қилди. Унинг танаси яқин-атрофдаги мевазор боғнинг худудида тупроққа топширилди.

Бу воқеа мартнинг бошларида юз берган эди. Кейинги уч ой мобайнида кенг кўламда яширин фаолият олиб борилди. Майорнинг маърузаси молхонанинг аксарият онгли аҳолисини ҳаётта янгича нуқтаи назардан қарашга даъват этган эди. Улар қачон майор айтган исён кўтарилишини билдишмасди, уларда исён уларнинг тирик ҳаётлари мобайнида юз беради, деган ишонч ҳам йўқ эди, аммо шуни аниқ англар эдиларки, улар исённи тайёрлашлари лозим. Қолган барча жониворларнинг онгини ошириш ва ташкиллаштириш, табиийки, ақлий қобилиятлари ҳамма томонидан эътироф этиладиган чўчқаларнинг зиммасига тушди. Аммо уларнинг орасида ҳам иккита ахта қилинган ёш чўчқачалар Сноуболл ва Наполеон ажралиб турарди. Мистер Жонс уларни сотиш учун боқаётган эди. Наполеон молхонадаги анча каттакон ва ҳатто кўриниши баҳайбат беркшир чўчкаси эди. У кўп гапирмас, ичимдагини топ дейдиган шахслардан бири эди. Сноуболл хулқ-атвори жонли, нутқи тез ва ўзи кашшоф, аммо у қадар жиддий эмас эди. Молхонадаги қолган чўчқалар ҳали ёш эди. Уларнинг ичида Қичқироқ деб аталадиган, ёноқлари юмалоқ, кўзлари пир-пир учиб турадиган, ҳаракатлари чаққон ва овози чийиллаган, ўзи кичкина, аммо бақалоқ чўчқача машҳурроқ эди. У ажойиб нотик эди. Бирор-бир муаммони мухокама қилас экан, у томондан-бу томонга югурад, думи тинимсиз ликиллар, бу ҳам нутқига алоҳида ишончлилик бахш этарди. Кимдир Қичқироқ ҳақида бу оқни қора, қорани оққа айлантира олади, деб айтган эди.

Шу учаласи кекса майорнинг даъватларини мукаммал дунёкарапшлар тизимиға айлантириш учун қайта ишлашди ва бу таълимотни ҳайвонизм деб номлашди. Ҳафтада бир неча кечада, мистер Жонс уйқуга кетгандан сўнг, улар омбордаги яширин йиғилишларда қолган барча ҳайвонларга ҳайвонизм тамойилларини тушунтиришди. Авваллари улар саводсизликка ва лоқайдликка дуч келишибди. Кимдир мистер

Жонсга нисбатан бағрикенглик қилиш ҳақида айтди, ахир, уни акса里ят ҳайвонлар хұжайин деб аташар ёки «Мистер Жонс бизни бокяпти. У бўлмаса, очликдан ўлардик» сингари эътиrozларни айтишарди. Бошқалар савол беришарди: «Нима учун ўлимимиздан кейин бўладиган нарсалар тұғрисида ўйлашибиз керак?» Ёки: «Агар исән барибир, албатта кўзгалса, биз у учун ишласак-ишламасак, нима фарқи бор?» Чўчқалар ҳайвонларга буларнинг бари ҳайвонизм руҳига зид эканини тушунтиришлари учун кўп заҳмат чекишлари лозим бўлар эди. Энг аҳмоқона саволларни оқ бияча Молли берарди. У Сноуболлга берган илк савол шу бўлди: «Кўзғалондан сўнг шакар бўладими?»

— Йўқ, — кескин жавоб берди Сноуболл. — Биз бу молхонада шакар ишлаб чиқармоқчи эмасмиз. Бундан ташқари, сен усиз ҳам яшашинг мумкин. Сенга сули пояси ва пичан етарли.

— Менга ёлимга қизил тасмача тақиб юришга рухсат бериладими? — Сўрарди Молли.

— Ўртоқ, — деди Сноуболл, — сенга боғлаб кўйилган бу қизил тасмалар — қуллик рамзлари. Озодлик барча тасмачалардан қимматли эканини наҳот тушунмасанг?

Молли шундай эканлигига рози бўлди, аммо, кўринишидан, ичida ўз фикри билан қолган эди.

Кўлга ўргатилган қарға Мозус томонидан тарқатилган ёлғонни рад этиш зарурати чўчқаларга Моллининг инжикликларидан кўра қийинроқ, заҳматталаб иш бўлди. Мистер Жонснинг севимли жонивори бўлган Мозус ўта сўзамол ва гийбатчи эди, бироқ қизилсўзликни ҳам қойиллатарди. У Муз тоғи деб аталадиган, ҳамма ҳайвонлар ўлганидан сўнг, албатта тушадиган сирли бир мамлакат мавжудлиги ҳақида миш-мишлар тарқатган эди. У самовотда, қайдадир булутлардан тепада, деб ҳикоя қиласарди Мозус. Муз тоғи мамлакатида ҳафтада етти кун — якшанба, йўнғичқа йил бўйи кўмкўк, майдаланган шакар ва зигир кунжараси буталарда ўсиб ётади, дейди у. Молхонада Мозусни ҳамма ёмон кўрарди, унинг ишламай, факат олди-қочди гапларни гапириши ҳамманинг жонига текканди. Аммо кимлардир Муз тоғи мамла-

кати ҳақидаги афсоналарга ишонди, чүчқалар ҳаммани бунақа жой мавжуд эмаслигига ишонтиргунларича күп меҳнат қилдилар.

Иккита юк ташувчи отлар, Кловер ва Боксёр, энг садоқатли ёрдамчилар бўлиб чиқди. Албатта, тафаккур қилиши жараёнининг ўзи улар учун осон эмасди, аммо чүчқаларни ўзларининг йўлбошчиси эканини тан олган бу байталлар, Кловер ва Боксёр, айтилган ҳамма гапни дарҳол қабул қиласар ва билгандарини бошқа ҳайвонларга етказишар эди. Улар омбордаги барча йиғинларда фаол иштирок этишар ва барча мажлислар якунида куйланадиган «Англия жониворлари» кўшигини биринчи бўлиб бошлаб беришарди.

Бироқ, аён бўлдики, кўзғолон анча барвақт юз берди ва ҳеч ким тасаввур қилмаган тарзда, кутилганидан кўра осон кечди. Ўз вақтида мистер Жонс яхши фермер бўлган ва хулқ-атвори ҳам кескин эди. Бироқ кейинчалик унинг иши орқага кета бошлаганди. Бир дунё пулларини суд низоларига сарфлаб, у молхона ишларига қарамай кўйди ҳамда мусалласхўрликка муккасидан кетди. У кун бўйи ошхонадаги тебранадиган оромкурсида ялпайиб ўтиради – газеталарни вараклар, шишани қўлидан кўймас, вақти-вақти билан Мозусни пивога ботирилган нон бўлаклари билан боқарди. Унинг ишчилари ишсиз тентираబ юар, эгасиз кўринган ҳар бир нарсани ўмаридекетишар эди; далаларни ёввойи ўтлар босди; панжаралар тешилиб ётар, жониворлар кўпинча овқат берилмай, оч қоларди.

Июнь ойи келди, далалардаги ҳосил йиғиширишга тайёр эди. Ёзниг ўртаси шанба кунига тўғри келди, ундан бир кун олдин мистер Жонс Уиллингтонга жўнади ва «Қизил арслон» майхонасида шундай бўкиб майшат қилдики, якшанба куни кун оққандан кейин қайтиб келолди, холос. Сигирларни эрталабдан соғиб олган батраклар жониворларни овқатлантириш ўрнига, ўрмонга куён овлашга кетиб қолдилар. Уйга қайтган мистер Жонс дарҳол меҳмонхонадаги тўшакда, юзига газетани ёғланча, ухлашга ётди, яъни ўша кеч молхона аҳли овқатсиз қолди. Ниҳоят, уларнинг сабр косаси тўлди. Сигирлардан бири шохлари билан пичанхона эшиклари-

ни бузиб ташлади, жониворлар ўзларини емишга урдилар. Айни шу вақтда мистер Жонс уйғониб қолди. Кейинги лаҳзада у ва түртта хизматчи, түрт томонга чувиллаб силкинган қамчинилар билан қуролланган ҳолда, ҳодиса ерига етиб келишди. Бу ҳаёт оч-наҳор ҳайвонларнинг жонига текканди. Уларнинг ҳаммаси бирлашиб, золим одамлар томон отилдилар. Тўсатдан Жонс ва бошқалар ҳайвонлар ҳамма томондан уларни турткилаётгани ва ураётганини сезиб қолдилар. Ташаббус уларнинг кўлидан кетган эди. Улар аввал ҳеч қачон бу аҳволга тушган жониворларга дуч келмаган эдилар, улар авваллари шафқатсиз муомала қилган жониворларда нафрату ғазабнинг жўшгани уларни хушдан кеткизадиган дараҷада саросимага солиб қўйди. Улар ўзларини бир йўлини қилиб қутқаришга ва қочиб қолишга ҳаракат қилишлари зарурлигини тушунишди. Бир дақиқадан сўнг, улар беш киши бўлиб, шошилинч катта йўлга олиб чиқадиган сўқмоқдан қочиб борар, ҳайвонлар уларнинг ортидан кувиб бораётган эдилар.

Жонс хоним нима бўлаётганини ётоқхона деразасидан кўриб туради, у ҳам жомадонига қўлига илинган нарсасини шошилинч солиб, орқа эшик орқали молхонани тарк этди. Мозус ўз кўналғасидан учиб чиқди ва қар-қарлаганча аёлнинг ортидан учди. Айни пайтда ҳайвонлар мистер Жонс ва унинг шерикларини оғир дарвоза ёпилгунча кувиб бордилар. Шундай қилиб, улар нима бўлганини тушуниб ҳам улгурмай, кўзголон самарали якунланди: Жонс кувиб юборилди ва «Кўргонча» молхонаси уларнинг тасарруфига ўтди.

Дастлабки бир неча дақиқада жониворлар ўз омадлари га зўрга ишониб-ишонмай тонг қотиб турдилар. Аввал улар молхона чегараларини шошинкираб айланиб чопишидди, бирор ерда бирорта одам яшириниб қолмаганлигига ишонч ҳосил қилгандай бўлишди. Сўнг молхонага қайтиб, нафратга гирифтор бўлган Жонс хукмронлигининг сўнгги изларини йўқотишига киришишди. Жониворларнинг абзаллари сақланадиган хона вайрон қилинди. Қармоқлар, сувлиқлар, юганлар, жиловлар, мистер Жонс чўчқалар ва кўчқорларни ахта қиласидиган кўрқинчли пичоқлар – ҳаммаси ташқарига

отилди. Эгар-жабдуклар, нұхталар, юганлар – ҳайвонларни боғлайдиган бунақа барча жиловлар ҳовлида аллақачон ловуллаб ётган гулханга отилди. Қамчинларни ҳам шундай тақдир кутарді. Барча ҳайвонлар, қуллик рамзлари ловуллаб ёнишини күриб, қувончдан сакрардилар. Сноуболл бундан ташқари күргазма күнларида жониворларнинг думлари ва отларнинг ёлларига боғланадиган тасмачаларни ҳам гулханга улоқтируди.

– Тасмалар, – деди у, – кийим деб зътироф этилиши, инсондай разил мавжудотнинг белгиси ҳисобланиши лозим. Барча жониворлар яланғоч юришлари шарт.

Бу гапни эшиттган Боксёр ёзда пашша ва сўналардан асрайдиган, қамишдан тўқилган шляпасини силкитди ва оловга отиб, кўнгли яйради.

Ҳайвонларга мистер Жонсни эслатадиган барча нарсани вайрон қилиш учун кўп вақт кетмади. Шундан кейин Наполеон ҳаммани хирмонга олиб борди ва ҳар бир жониворга икки хиссадан озуқа тарқатди, кўшакларга эса, бундан ташқари, иккитадан пишириқча берди. Кейин улар илқомланиб, етти марта «Англия жониворлари»ни куйлашди, сўнг тунги уйқу учун жой-жойларига тарқалишди. Уларнинг бу тунги уйқулари ҳар қачонгидан ҳам каттиқ эди.

Одатдагидай, тонгда уйғониб, бехосдан кечаги ғалабаларини эслаб қолишди ва ҳаммалари биргаликда яйраш учун яйловга отланишди. Яйлов яқинида тепалик бўлиб, унинг устидан қараб, молхонанинг барча ерларини томоша қилиш мумкин эди. Субхидамнинг соф нурлари остида жониворлар тепаликнинг чўққисига чиқишди ва атрофга назар солишиди. Ҳа, буларнинг бари энди уларнинг мулки эди – кўз тушган ҳамма нарса уларга тегишли! Бу кашфиётлардан завқланган ҳолда, улар давра куриб айланишпар ва шодниклари ошиб-тошиб сакрашарди. Улар шабнамда иргишлишар, ёзнинг хуштаъм ўғларини чайнашар, юмшоқ қора ерни титкилаб, она заминнинг ҳаяжонга солувчи ифорини ҳидлашарди. Сўнг, атрофга – шудгорлар, яйловлар, мевазор боғ, ҳовуз ва қайнзорга тамшаниб назар солганча, улар бутун молхона ҳудудини айлананиб чиқишди. Афтидан, улар аввал ҳеч қачон

буларнинг барини кўрмаган ва ҳозир булар ўзларига тегишили эканига зўрға ишониб турган эдилар.

Кейин улар бинолар томон келдилар ва иморатнинг очик турган кўштабақали эшиги олдида талмовсираб туриб қолдилар. Энди бу молхона уларга тегишли эди, аммо ҳали ҳам уйга киришга бироз кўркиб тургандилар. Бир дақиқа ёки сал кўпроқ талмовсираб тургандаридан сўнг, Сноуболл ва Наполеон эшикларни катта очиб кўйди ва жониворлар, ҳеч нарсага туртиниб кетмаслик учун, эҳтиёткорлик билан ичкарига кира бошлишди. Улар оёқ учида у хонадан бу хонага ўтишар, бирор овоз чиқаришдан ҳайикиб, атрофдаги ҳашамдорликдан ҳайратда эдилар – момиқ партўшаклар, кўзгулар, от ёлидан тўқилган юмшоқ ўриндиклар, Брюссел гиламлари ва меҳмонхона кийимилгичи устидаги қиролича Викториянинг ўйиқли сурати. Улар зинадан пастга тушаётгандарида Молли қаёққадир ғойиб бўлиб қолгани аён бўлди. Ортга қайтиб, уни ётоқхоналарнинг биридан топишди. У Жонс хонимнинг орасталик жомадонидан мовий бир тасмани олиб, елкасидан пастга эндирганча, ўзининг ўта аҳмокона кўринадиган чиройига кўзгудан маҳлий бўлиб турарди. Барча ҳайвонлар яқдиллик билан унинг бу қилмишини қораладилар ва биргаликда бу хонани тарк этдилар. Ошхонада осилиб турган бир неча жониворларнинг сон гўшти марҳум ҳайвонларнинг иззатини жойига кўйиб дафн этиш учун олинди ва майхона кисмida Боксёр туёғи билан пиво бочкасини тешди – уйдаги қолган ҳамма нарса тегилмаган ҳолда қолди. Собиқ хўжа йиннинг уйини инсоннинг ҳайвонларга зулми ҳисобига шохона яшаганини хотирлатиб туриши учун музейга айлантириш борасида яқдил қарор қабул қилинди. Унинг хоналарида бирорта ҳайвон яшамаслиги керак деган қарорга келинди.

Нонуштадан сўнг, Сноуболл ва Наполеон яна ҳаммани мажлисга чақиришди.

– Ўртоқлар, – деди Сноуболл, – аллақачон соат беш ярим бўлди, олдимиизда узундан-узоқ кун турибди. Бугун биз йиғим-теримни бошлишимиз керак. Аммо биз олдин бошқа бир ишни қилишимиз лозим.

Чўчқаларнинг хабарига курбонадан келинди. МИХАММАД АЛ-ХОРАЗМИY NOMIDAI
17

TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

AKHORQT-RESURS MARKAZI

байнида мистер Жонснинг болаларидан қолган, ахлат тұда-
си ичиdan чиқиб қолган ҳуснихат түпламидан эскича ёзув
ва ўкишни бир қадар ўрганишган экан. Наполеон уларни
қора ва оқ бүйекларни олиб келишга юборди ва ўзи асосий
йўл бошланадиган жойдаги дарвозаларга томон юрди. Ке-
йин Сноуболл (айнан Сноуболл, чунки унинг ёзуви ҳамма-
никидан чиройлироқ эди) иккига айрилган туёклари ораси-
га мўйқаламни олиб, дарвозанинг юқори тўсинаига ёзилган
«Кўргонча»молхонаси ёзувини ўчириб ташлади ва унинг
ўрнига «Ҳайвонобод» деб ёзди. Бугундан бошлаб молхо-
нанинг номи шундай бўлиши керак эди. Шундан сўнг улар
бино томонга қайтдилар, бу ерда катта омборнинг орқа де-
ворига Наполеон ва Сноуболлининг буйруқларига асосан
келтирилган нарвон тираб кўйилган эди. Уларнинг тушун-
тиришларига кўра, улар ўқиши ва ёзишни ўргангандан сўнгти
уч ой мобайнида чўчқалар ҳайвонизмнинг еттига устувор
тамойилларини ишлаб чиқдилар. Бу еттига тамойил омбор
деворида тарихга муҳрланиб кўйиллади; уларда рад килиб
бўлмайдиган, шаксиз итоат этиладиган қонунлар акс этади,
молхонадаги барча жониворлар бугундан бошлаб то охират-
гача шу қоидалар асосида яшайдилар. Айрим мураккаблик-
лар бўлса-да (чўчқаларнинг нарвонда туриши осон эмас),
Сноуболл юқорига чиқди ва ишга киришди; бир неча пого-
на қуида Қичқироқ бўёқ солинган идишни ушлаб турарди.
Ҳайвонизм арконлари ёғ босган қора деворга ўттиз метр на-
ридан ҳам ўқиладиган қилиб катта-катта ҳарфларда оқ бўёқ
 билан ёзилди. Мана, улар нималардан иборат эди:

ЕТТИ АРКОН

1. Икки оёқда юрадиган ҳар ким – душман.
2. Тўрт оёқда юрадиган ёки қаноти бор ҳар ким – биро-
дар.
3. Ҳайвонлар кийим киймайдилар.
4. Ҳайвонлар тўшакда ётмайдилар.
5. Ҳайвонлар шароб ичмайдилар.
6. Ҳеч бир ҳайвон бошига ҳайвонни ўлдириши мумкин эмас.
7. Барча ҳайвонлар тенг ҳуқуқидир.

Ҳаммаси жуда чиройли ёзилди, факат «биродар» сўзи «Бриодар» тарзида ёзилгани ва «с» ҳарфларидан бири бошқа томонга қараб турганини ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Умуман олганда, ҳаммаси тўғри тамойиллар эди. Йифилгандар ёзилганларни тўғри англаб олишлари учун, Сноуболл тамойилларни баланд овозда ўқиди. Ҳамма тўлиқ ризолик билдириди, айрим онгли ҳайвончалар тамойилларни дарҳол ёд олишга киришдилар.

– Энди, ўртоқлар, – деди Сноуболл, мўйқаламни улоқтира туриб, – ҳамма далага! Жонс ва унинг қулларидан кўра ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш биз учун ор-номус белгисидир!

Аммо айни шу пайтда учта сигир, у оёқдан бу оёққа таянган ҳолда, қаттиқ маърай бошлишди. Улар бир кечакундуздан бери соғилмаган эди, уларнинг эмчаклари оғрий бошлаганди. Бироз ўйланиб тургач, чўчқалар челак келтиришни буюришди ва сигирларни жуда чиройли тарзда соғиб олишди. Маълум бўлишича, уларнинг иккига ажралган туёклари айнан шу учун яратилгандай эди. Бешта чеъла тезда буғи чиқиб турган иссиқ сутга тўлди. Бошқа ҳайвонлар бунга қизиқсиниб қараб турардилар.

– Энди бу сутни нима қиласиз? – Кимдир савол берди.

– Жонс баъзан сутни бизнинг емишимига қўшиб берарди, – деди товуқлардан бири.

– Сут ҳақида ўйлаш керак эмас, ўртоқлар! – чеълакларни ҳайвонлардан тўсиб, ўдагайлади Наполеон. – Сут ҳақида ғамхўрлик бизнинг зиммамиизда. Ҳосил – бугун асосий иш шу. Ўртоқ Сноуболл сизларни бошлаб боради. Мен бир неча дақиқадан сўнг, орқаларингдан етиб бораман. Олға, ўртоқлар! Йиғим-терим кутиб турмайди.

Ҳайвонлар далаларга отландилар, йиғим-теримга киришдилар, кечкурун уйга қайтгач билиндики, сут гумдан бўлган.

Ш БОБ

Ох, улар йигим-теримда қанчалар тер тўқдилар! Уларнинг заҳматлари зое кетмади, ҳосил улар кутганидан ҳам кўп эди.

Гоҳида иш кўплаб қийинчиликлар туғдирав эди: техника ҳайвонлар учун эмас, одамларга мўлжаллаб ясалган эди. Асосий тўсиқ шунда эдики, жониворларнинг ҳеч бири орқа оёқларида тик турганча ишлай олмасди. Бироқ чўчқалар бу тўсиқни четлаб ўтишнинг иложини топишиди. Отларга келсак, улар даладаги ҳар бир ўнқир-чўнқирни билардилар, ўримни ва йигим-теримни Жонс ва унинг бадмаст батракларидан яхшироқ тушунардилар. Чўчқаларнинг ўзлари амалда ҳеч бир иш қиласдилар, уларнинг вазифаси ташкиллаштириш ва бошқариш эди. Табиийки, бу раҳбарий мавқе уларнинг юксак чўчқалик тафаккури билан таъминланган эди. Тулпорлар – Боксёр ва Кловер ўрим машинаси ёки механик хаскашларга қўшилган эдилар (албатта, бу мустақиллик, эркинлик даврида жиловда бўлиш, қамчин билан бошқариш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди, мажбурий меҳнат тақиқланганди) ва саранжом-саришталик билан барча далалярни ўриб олдилар. Уларнинг ортидан бирор чўчқа юрар ва чинқириқ воситасида раҳбарлик қиласди: «Олдинга, ўртоқ!» Ёки «Ортга бос, биродар!» Ҳамма жон-жаҳди билан ишларди, ҳосилни йиғиб, ўриб борарди. Ҳатто товуклар ва ўрдаклар ҳам у ён-бу ёнга ҳаракатланар, тумшукларида дон таширдилар. Алал-оқибат, ҳосил одатда мистер Жонс ўриб оладиганидан икки кун олдин йигиштирилди. Бундан ташқари, бу қадар кўп ҳосилни молхона ҳали кўрмаган эди. Чунки ҳеч бир дон йўқолмади, товуклар ва ўрдаклар ўткир нигоҳлари билан ҳар бир хасни териб олишиди. Йигим-терим даврида ҳеч бир жонивор бир ютумдан ортиқ донни ютиб юборишга жазм қилолмади.

Ёз бўйи барча ишлар соат механизмидай аниқ бажарилди. Ҳайвонободнинг жонивор аҳолиси шу пайтгача бу қадар роҳат қилиб ишлап мумкинлигини билмаган эканлар. Хирмон юксалаётганини ҳар кўрганда, улар ҳаддан зиёд роҳатланар эдилар, чунки бу уларнинг ўзлари етиштирган ва

ўзларининг таомланиши учун йиғиштирган озуқалари эди. Энди бу озуқани шафқатсиз одамзод тортиб ололмас эди. Текинхўр ва фойдасиз одамзод ҳукмронлигидан озод бўлгач, бошқа ҳеч ким уларнинг йиққан заҳираларига дахл қила олмасди. Албатта, ҳордик пайтлари кўп нарсаларни ўйлашга тўғри келди. Етарли тажрибаларга эга бўлмаганликлари сабаб улар муайян қийинчиликларга дуч келаётган эдилар. Масалан, улар донли экинларни йиғиштирища эски замондагидай донни эзгилашар ва ўз нафаслари орқали чорисидан ажратиш учун совуришарди. Чўчқаларнинг тафаккури ва Боксёрнинг қудратли мускуллари бу ишда қўл келарди. Тулпор Боксёр ҳаммани ҳайратга солди. У Жонс замонасида ҳам кўп ишларди. Энди, озодликдан сўнг эса, янада оғир ишларни килар, уч ҳайвоннинг ишини бажараётган эди. Шундай кунлар бўлардики, молхонадаги барча ишлар унинг баҳайбат билакларига тушарди. У тонгдан кечгача чарчоқ билмай ишларди ва ҳамиша энг оғир ишларни бажарар эди. Хўролардан бири билан уни ҳаммадан олдин уйғотишга келишиб қўйган эди, иш куни бошланишидан олдин аллақачон зарур жойда анча керакли ишни бажариб қўйган бўларди. Ҳар қандай оғирлик, муаммо билан юзма-юз келаркан, у фақат бир нарсани мудом ўзига айтар эди: «Мен янада кўп ишлашим керак». Бу унинг шахсий шиори эди.

Колганлар ҳам бутун вужудлари билан ишга берилишган эди. Шундай қилиб, ҳатто товуқлар ва ўрдаклар ҳам хирмонга беш пуд буғдойни дона-доналаб ташидилар. Талон-торожликлар, меъёр борасидаги можаролар, жанжал ва низолар, рашик, яъни эски пайтда одатий бўлган барча нарса – ҳаммаси йўқ бўлди. Ҳеч ким, деярли ҳеч ким шикоят қилмади. Тўғри, Моллига эрталаб барвакт туриш ёқмасди, агар унинг шудгоридан тош чиқиб қолса, ишни ташлаб кетвориши мумкин эди. Мушукнинг хулқ-атвори ҳам анчайин ғалати эди. Тезда маълум бўлдики, ортга суриб бўлмайдиган бирор зарур юмуш чиқса, мушукни топиб бўлмай қоларди. У соатлаб йўқолиб қолар, аммо тушлик пайтида ва ишлар тугагач, кечки овқат пайти ҳеч нарса бўлмагандай ҳозир бўларди. Бирорқ барча эътиrozларга шунаقا ишонарли баҳоналар топар-

ди ва дилни ўртаб, миёвлардик, унга, унинг эзгу ниятлари-га ишонмасликнинг иложи йўқ эди. Кекса эшак Бенжамин, кўзголон замонидан бери гўёки ҳеч ўзгармагандай эди. У ҳеч қачон бирор ишга ўзича уринмаган ва буюрилган бирор ишдан қочмаган эди. Аммо нима иш қилган бўлса, ҳамма-си худди мистер Жонс замонасиники каби сокин қайсаарлик руҳига қоришган эди. Бенжамин исён ва у келтирган мустақиллик ҳақида гапирмасликни афзал кўрарди. Ундан мистер Жонсни ҳайдашганидан сўнг ҳаёт қанчалар яхшиланди, деб сўрашганида, у фақат минғирлаб кўярди: «Эшаклар узок яшайди. Сизларнинг ҳеч бирингиз ҳали ўлган эшакни кўрганингиз йўқ», қолганларнинг бу сирли жавобдан қониқишидан бошқа чоралари йўқ эди.

Якшанбада ҳамма дам оларди. Нонушта одатдаги кунлардан бир соатта кеч бўларди, кейин ҳамма ҳар ҳафта албатта ўтказиладиган тантанага шошиларди. Энг аввало тантанали тарзда байроқ кўтарилади. Сноуболл кичик омборда Жонс хонимнинг яшил дастурхонини топди ва унга туёқ ҳамда шоҳ расмини чизди. Ҳар якшанба бу дастурхон-байроқ молхона боғида ерга қадалган тик ёғочга ўрнатиларди. Яшил ранг, тушунтириди Сноуболл, Англиянинг далалари рамзиdir, туёқ ва шоҳ бўлғуси Ҳайвонлар Республикасини англатади, ҳайвонлар давлати бутун дунёда одамзод инсонлар насли тутатилгандан кейин барпо этилади. Бутун дунё ҳайвонлари, бирлашингиз! Байроқ кўтарилигандан сўнг, ҳамма катта омборда Ассамблея деб аталадиган умумий кенгашни ўтказиши учун йигиларди. Бу ерда келгуси ҳафтада қилинадиган ишлар режалаштириларди, турли ечимлар олдинга сурилар ва муҳокама қилинарди. Қоида тариқасида чўчқалар таклиф киритишарди. Қолган ҳамма қандай овоз бериш лозимлигини билар, аммо уларнинг миясига ҳеч қачон ўз таклифлари билан чиқиши фикри келмас эди. Сноуболл ва Наполеон мунозараларда фаол қатнашпар эди. Бироқ шу нарсани сезишдики, улар ҳеч қачон бир битимга кела олмас эдилар: уларнинг биттаси нимани таклиф қилмасин, иккинчиси ҳамиша бунга қарши чиқарди. Ҳатто ҳамма нарса буткул тушунарли бўлган ва яқдил муросага эришилган пайтда ҳам.

Масалан, бөгөн орқасида кичикроқ майсазорни ишни эрта түгатган ҳайвонлар учун дам олиш жойи қилиб қолдиришга қарор қилинганда ҳамда ҳайвонларнинг ҳар бир тоифаси учун нафақа ёшини белгилаш чегаралари ҳакида жўшқин баҳслар юзага келарди. Ассамблея ҳар доим ҳайвонободликларнинг мадхияси бўлган «Англия жониворлари»ни куйлаш билан якунланарди. Шундан сўнг ҳамма дам оларди.

Аввал абзаллар сақланган бинони чўчқалар ўзларининг штабхоналарига айлантиришди. Бу ерда улар молхонада то-пилган китоблар ёрдамида темирчилик, дурадгорлик ва бошқа хунарларни ўрганишарди. Сноуболл, бундан ташқари, ҳайвонлар кўмитаси деб аталадиган ташкилотларни тузиш билан шугулланарди. Бу иш билан шугулланиш унга чарчоқ билмас бир кувват бахш этарди. У товуқлар учун тухум ишлаб чиқариш Кўмитасини, сигирлар учун тоза думғозалар Лигасини, ёввойи ўртоқлар учун иккиласми таълим Кўмитасини (унинг мақсади каламушлар ва куёnlарни қўлга ўргатиш эди), ёш кўйлар орасида тоза жун етишириш Ҳаракатини, ёш чўчқалар Иттифоқини ва бошқа кўплаб кўмиталарни ташкил этди. Ўқишиш ва ёзиш курсларини айтмасак ҳам бўлади. Одатда барча бу таҳлил лойиҳалар омадсизликка учарар эди. Масалан, ёввойиларни қўлга ўргатиши лойиҳаси дарҳол барбод бўлди. Барча ёввойи жониворлар барибир ўзларини ёввойиларча тутар, агар уларга атайн бағрикенглик билан ёндашилаётганини сезиб қолсалар, бу муносабатдан имкон қадар ўз манфаатлари учун фойдаланишга тушардилар. Мушук иккиласми таълим кўмитасига кирди ва бир неча кун мобайнида катта фаоллик намоён қилди. Шу тариқа, уни бир куни томда ўтирган ва ундан бироз масофа сақлаб турган чумчуклар билан сухбатлашаётган ҳолда кўришди. Мушук чумчукларга ҳамма ҳайвонлар биродарлар экани ва энди истаган чумчук унинг олдига келиб, тирноқли панжаларида ўтириши мумкинлигини сўзларди. Бирок, чумчуклар унинг бехосдан еб қўйишидан ҳайнишиб, олисрек турища давом этардилар.

Шунга қарамасдан, саводсизликни тугатиш курслари са-

марали давом этар, катта ютуқларга эришганди. Кузга келиб, барча ҳайвонлар у ёки бу даражада саводли бўлдилар.

Чўчқаларга келгандা, улар эркин ўқиб, ёза олар эдилар. Кучуклар ўқишдан яхши натижка кўрсатдилар, бироқ уларни ҳайвонизмнинг етти арконидан бошқа нарса қизиқтирумасди. Эчки Мюриэл итлардан кўра яхши ўқий олар ва гоҳида кечкурунлари бошқаларга ахлат тўдасидан чиқсан газета парчаларини ўқиб берарди. Бенжамин ҳам чўчқалар сингари ўқий олар, аммо қобилиягини ҳеч қачон намойиш қилмасди. Менга маълум бўлишича, дерди у, бизнинг асримизда ўқишига арзийдиган нарса ёзилгани йўқ. Кловер алифбони ўзлаштириди, аммо ҳарфлардан сўз ҳосил қилиш санъатини эгаллай олмади. Боксёр бор-йўғи Г ҳарфигача борди, холос. У ўзининг баҳайбат туёқлари билан тупроқ чангиди А, Б, В, Г ҳарфларини чизар, кулокларини сикиб, вақт-вақти билан ёлини силкитиб, кейинги келадиган ҳарфни эслаб қолишга уринарди. Гоҳида у навбатдаги тўрт ҳарфни қатъий ўзлаштириб олар, аммо, одатда, олдинги тўрт ҳарфни эсдан чиқариб юборган бўларди. Охир-оқибат, у дастлабки тўрт ҳарф билан қаноатланишга қарор қилди ва бу ҳарфларни ҳар куни бир-икки марта ёзадиган бўлди. Бу унга хотирасини тозалашда ёрдам берди. Ўзининг исмини ташкил қилган тўртга ҳарфни ўзлаштирган Молли бошқа ҳарфларни ўрганишни рад этди. У ўз исмини шохчалар билан ясар, бир жуфт гул билан безатар ва ўз асарига шавқ билан термилганча, унинг атрофида айланниб юради.

Молхонанинг бошқа жониворлари А ҳарфидан нарига ўта олмадилар. Бундан ташқари, қўйлар, ўрдаклар ва то-вуклар сингари энг ақлсиз ҳайвонлар ҳатто ҳайвонизмнинг етти арконини ҳам ёдлай олмасликлари аён бўлди. Узок мунозаралардан сўнг, Сноуболл еттита тамойил битта хикматга жамланиши мумкинлигини эълон қилди, у шундай жарагилар эди: «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво». Ҳайвонизмнинг асосий тамойили, деди у, шу фикрда жамланган. Уни чуқур ўзлаштирган ҳайвон инсоннинг таъсиридан холос бўлган ҳисобланади. Бир қараганда, бу тамойил кушларни

истисно қиларди, чунки уларнинг ҳам оёқлари иккита эди, аммо Сноуболл бунинг унақа эмаслигини исботлади.

– Күшларнинг қанотлари, ўртожлар, – деди у, – бу ҳаракат аъзоси эмас, ҳаракатланиш аъзосидир. Демак, уларни оёқлар деб ҳисоблаш мумкин. Инсоннинг ўзига хос белгиси – унинг қўуллари дидир, бу кўл ёрдамида у ўзининг барча ёвузликларини амалга оширади.

Күшлар Сноуболлнинг узундан-узоқ баландпарвоз гапларини барибир тушунганлари йўқ, бироқ унинг шарҳлари маъносини англадилар, барча саводда қолок ҳайвонлар янги афоризмни тиришқоклик билан ёдлашга киришдилар. Катта-катта ҳарфлар билан катта омборнинг орқа деворидаги еттига тамойилнинг тепасига янада катта ҳарфлар билан «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво» деб ёзиб қўйишди. Ниҳоят, уни ўзлаштирган кўйлар янги ҳикматни олқишилаб қарши олдилар ва кўпинча, яйловда юрганда, ҳаммалари жўровоз бўлиб баърай бошладилар: «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво! Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво!» Улар соатлаб, чарчоқ нималигини билмай, буни давом эттиришлари мумкин эди.

Наполеон Сноуболлнинг кўмиталарига ҳеч қанақа қизиши билдирамади. Унинг айтишича, кексалик томон яқинлашган авлод учун ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш ҳар кандай бошқа ишдан муҳимдир. У ўз нуқтаи назарини айнан хосил йигим-терими тутаб, Жесси ва Блюбелл тўлғоқда тўққизта кучукча тукқан пайтда айтди. Улар эмизишдан чиқсан куниёқ, Наполеон энди уларнинг таълим олишларига шахсан ўзи жавобгар эканини айтиб, кучукчаларни онасидан олиб кўйди. У кучук болаларини чордоқقا жойлаштирди, бу ерга фақат чўчқаларнинг штабхонасидан зина орқали чиқиши мумкин эди. Кучукчаларни бошқалардан шу қадар қаттиқ иҳоталашди, молхонанинг бошқа яшовчилари тез орада кучукчаларнинг мавжудлигини эсидан ҳам чиқариб юборди.

Сутнинг ғойиб бўлғанлиги ҳақидаги сирли воқеа ҳам тез орада ойдинлашди. Чўчқалар ҳар куни уни ўз овқатларига аралаштирасидар. Эртачи олмалар ҳам қизара бошлиди. Энди ҳар гал шамол эсганда, олмалар тўкилиб, боғдаги майсалар устини безай бошлишди. Ҳамманинг бу олмалар-

дан ейишга ҳаққи борлиги қоидаси қарор топган эди. Аммо бир куни ўрнатилган тартиб ўзгаририлди: ҳамма олмалар иғиштирилиб, чўчқалар учун ажратилган бинога олиб келиниши шарт қилинди. Кимдир норозилик билдиримоқчи бўлди, аммо бу натижা бермади. Бу ишда ҳатто иккита фикри доимо қарама-қарши бўлган чўчқалар: Наполеон ва Сноуболл ҳам ажиб яқдиллик намоён қилдилар. Бошқаларга вазиятни тушунтириш мажбурияти Қичқирокка юкланди.

— Ўртоқлар! — Қичқирди у. — Умид қиласманки, сизлар бизни — чўчқаларни майда худбинлик туфайли бу қарорни қабул қилган, деб ўйламасангиз керак. Аслида бизларнинг аксариятимиз сут ва олмаларни умуман ёмон кўрамиз. Мен ўзим уларга қарагим ҳам йўқ. Биз улардан фақат бир максадда — сизларнинг соғлиқларингизни асраш учун фойдаланамиз. Олмалар ва сутда (ўртоқлар, бу илм-фан томонидан исботланган) чўчқаларнинг ҳаётини сақлаш ва кайфиятини яхшилаш учун зарур бўлган унсурлар мавжуд. Биз чўчқалар, — интеллектуал меҳнат соҳаси ходимларимиз. Молхонамиз-нинг фаровонлиги ва ишларни ташкил этиш вазифаси мутлақ бизнинг зиммамизга юклангандир. Биз кеча ва кундуз сизларнинг фаровонлигингиз ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қиласмиз. Биз фақат сиз учун сут ичамиз ва бу олмаларни еймиз. Биз чўчқалар ўз мажбуриятларимизни бажара олмай қолсак, оқибатда нима бўлишини тасаввур кила оласизми? Жонс қайтиб келади! Ҳа, яна Жонснинг ҳукмронлиги бошланади! Мен ишонаманки, ўртоқлар, — думини ликиллатиб, у ёндан-бу ёнга жилпанглайдиган Қичқирокнинг овозида дейярли ўкириб, йиглашга ўхшаш оҳанг эшитилди, — шубҳасиз, Жонснинг қайтишини истаётган бирор ҳайвон йўқ!

Барча жониворлар бир нарсада, шубҳасиз, яқдил эдилар, бу айнан Қичқироқ айтаётган нарса эди: уларнинг ҳеч бири Жонснинг қайтишини истамас эди. Вазият уларнинг қаршисида шу тариқа кўндаланг турганида, улар эътиroz билдириш учун сўз топа олмай қолдилар. Жонснинг қайтишидан кўрқдан ҳайвонлар чўчқаларнинг соғлигини сақлашга — олма ва сутни уларга беришга қарор қилдилар. Чўчқаларнинг соғлиги учун қайғуриш зарурлиги жуда ҳам яққол аён бўлди.

Бошқа мулоҳазаларсиз ҳамма сут ва ерга тўкилган олмаларни (етилган олмаларнинг ҳам аксариятини) чўчқалар учун асраб қўйишга розилик билдириди.

IV БОБ

Ёзнинг охирига келиб, Ҳайвонободда юз берган воқеалар ҳақидағи хабарлар бутун ўлкага тарқалди. Ҳар куни Сноуболл ва Наполеон кабутарларни турли томонга учирышар, улар күшни молхоналарда яшовчи ҳайвонларга ўзларининг кўзголонлари тарихини ҳикоя қилиб беришлари ва уларга «Англия жониворлари» мадҳиясини ўргатишлари лозим эди.

Мистер Жонс эса деярли барча вақтини Уиллингтондаги «Қизил йўлбарс» пивохонасида ўтказар ва уни тинглашга рози бўлган ҳар бир одамга бошига тушган даҳшатли адолатсизлик, уни мулкидан айирган қандайдир ношукур ҳайвонлар тўдаси ҳақида нола қиласарди. Қолган молхоналарнинг эгалари, умуман олганда, унга хайриҳоҳлик билдирар, аммо ёрдам беришга шошилмас эдилар. Уларнинг ҳар бири ичичидан мистер Жонснинг бошига тушган кулфатнинг бир чети уларга ҳам тегмасмикин, деган хавотирда эди. Чархи фалакнинг жафоси шу эдики, Ҳайвонободга худуди чегарадош икки молхонанинг эгалари ҳамиша мистер Жонс билан ёмон муносабатда эдилар. Уларнинг бири Фоксвуд деб аталадиган, каттакон, путурдан кетган, ўт-алаф босган эски молхона эди, унинг яйловлари ҳам қуриб битаёзган, чегара тўсиклари ҳам ағанаган молхона эди. Унинг эгаси мистер Пилкингтон анқов бир фермер бўлиб, бутун вақтининг ҳаммасини мавсумига қараб ё тулки овида, ё балиқ овида қармоғига тикилиб ўтказарди. Пинч菲尔д деб аталадиган иккинчи молхона кичикроқ бўлса-да, яхши аҳволда эди. У қўпол ва жаҳлдор мистер Фредерикка тегишли эди. У доим қандайдир суд низолари билан машғул бўлар, бир чақа учун қариндошининг ҳам бўғзидан оладиган одам сифатида танилган эди. Бу иккалови бир-бирларини шу қадар ёмон кўрар эдиларки, ҳатто ўз манфаатлари ҳимояси учун ҳам бир битимга кела олмасдилар.

Шунга қарамасдан, уларнинг иккаласи ҳам Ҳайвонободдаги исён ҳақидағи хабардан саросимага тушган эди ва ўз қарамоғида бўлган жониворлар бу хабарни ўzlари учун дастуриламал сифатида қабул қилмасайди, деган хавотирда

эдилар. Дастьлаб улар молхонани мустақил бошқарадиган жониворлар гояси устидан масхара қилишга қарор қилдилар. Икки ҳафтадан кейин ҳаммаси вайрон бўлади, дейишиди улар. Уларнинг фикрича, «Кўргонча» молхонасидағи (улар молхонани эски номи билан аташни афзал кўришарди, янги «Ҳайвонобод» номини эшитишни ҳам истамас эдилар) ҳайвонлар тез кунда бир-бири билан уриша бошлайди, очликдан адо бўлишини айтмаса ҳам бўлади. Бироқ, вақт ўтиб борар экан, мустақилликка эришган жониворлар ўлишдан йироқ экани аён бўлди, Фредерик ва Пилкингтон гап оҳанжамасини бошқа ёкка бурдилар ва «Ҳайвонобод»да шафқатсиз бошқарув усули мавжудлиги ҳақида гапира бошладилар. Уларнинг айтишича, у ерда ҳайвонхўрлик авжига чиқсан, ҳайвонлар бир-бирларини қиздирилган темир найзалар билан қийноққа солмоқдалар ва барча байталларни жамоавийлаштириб, ҳамма ҳайвонлар учун умумийга айлантиргандар. Табиат қонуналрига қарши боришининг товони шудир, кўшиб кўйишиди Фредерик ва Пилкингтон.

Шунга қарамасдан, бу бичиб-тўқилган тахминларга нисбатан умумий ишонч йўқ эди. Одамларни ҳайдаб, ҳайвонлар мазза қилиб яшаётгани ҳақидаги миш-мишлар мажхул тарзда тарқалишда давом этар, ўлқадаги бошқа молхоналарда ҳам ҳайвонлар уйғона бошлаган, хавотирли бир тўлғонища эди. Доимо итоатда бўлган хўқизлар тўсатдан ёввойилашдилар, кўйлар ёғоч тўсинларни бузар ва яйловларни топтаб ташлашар эди, сигирлар сут согаётганда чеалакларни афдаришарди, тулпорлар тўсиқлар олдида сакрашдан боштортиб турар ва чавандозни иргитишарди. Бундан ташқари, «Англия жониворлари» мадҳиясининг оҳангига ва ҳатто сўзлари бир ерларда тарқала бошлаганди. Унинг машҳурлиги мислсиз тезликда ўсиб борарди. Бу кўшиқни эшитган одамлар ғазабланар, аммо мадҳиясининг шунчаки кулгили эканини таъкидлашарди. Ишониш қийин, дейишарди улар, бунақа расво кўшиқни ҳатто ҳайвонлар ҳам айтмаслиги керак. Агар бирор ҳайвонни гимнни маъраб турганида кўриб қолсалар, қамчин билан савалардилар. Барибир мадҳия жониворлар орасида жаранглашда давом этарди. Сайроқи қораялоқ

кушлари тўсинларга қўнганча бу қўшиқни чиркиллашар, кабутарлар қайрагоч шохларида гангир-гунгурлашишарди; бу оҳанг темирчиларнинг сандонидан ҳам, черковларнинг қўнғироқларидан ҳам тараалаётгандай эди. Бу оҳангни эшитган одамлар ички титрокқа тушардилар, чунки бу истикболдаги қасос оҳангни эканини яхши билардилар.

Октябрь ойининг бошида, барча донли экинлар ўрилган ва ғарам қилинган, бир қисми совурилиб, дондан ажратилган пайтда, айғоқчи кабутарлар тўдаси ҳавода бир кўриниш бериб, ёввойи бир ҳаяжон билан Ҳайвонободга қўнишди. Уларнинг хабарига кўра, Жонс ўз одамлари ва бир тўда Фоксвудлик ва Пинчфилдлик кўнгиллилар билан дарвозалардан ўтишган ва молхонага яқинлашиб келишмоқда. Уларнинг барчаси таёклар билан куролланган, фақат олдиндаги Жонс кўлларига тўппонча ушлаб олган. Уларнинг молхонани тортиб олишга уринишларига шубҳа йўқ эди.

Бу ҳамла анчадан бери кутилар, унга барча тайёргарликлар аввалдан кўрилиб қўйилган эди. Сноуболл фермада топилган эски китобдан Цезарнинг галларга қарши юриши ҳақида ўқиганди ва молхона мудофаасини ташкил этиб қўйганди. Буйруқлар чақмоқ тезлигида берилди ва бир-икки дақиқа ичida ҳамма ўз жойини эгаллади.

Одамлар иншоотларга яқинлашишлари билан, Сноуболл биринчи зарбани берди. Барча ўттиз бешта кабутарлар ҳужумчиларнинг бош устида чарх ураддилар ва уларнинг кўзи тушадиган кўриши майдонини тўсиб қўярдилар, одамлар уларни ҳайдаш билан овора бўлиб турганда, девор ортида писиб турган ғозлар олдинга чиқишиди ва ҳамлакорларнинг думбаларини шафқатсиз чўқилай бошлишди. Бироқ бу одамларнинг сафига парокандалик солиши учун қилинган чалғитиш усули эди ва одамлар ғозларни осонгина таёклар билан ҳайдаб юбордилар. Шунда Сноуболл ҳужумнинг иккинчи сафини жангга ташлади. Мюриэл, Бенжамин ва Сноуболл қўмондонлигидаги барча қўчкорлар олдинга интилишди ва ҳамлакорларни ўраб олишди, Бенжамин одамларни туёғи билан тепиши учун атрофда айланиб турган бир пайтда, ғанимни туртиб, шохлаб ташлашди. Барibir темир найзалар

ва тақаланган бошмоклари бўлган одамларга кучлари етмасди. Тўсатдан Сноуболл чинқириб юборди, бу ортга чекинишга ишора эди, ҳамма ҳайвонлар ҳовлига қайтиб кирдилар.

Ҳамлакорлар ичидаги қувонч саслари эшигилди. Уларнинг назарида, ҳайвонлар қоча бошладилар ва одамлар уларни тартибсиз таъқиб этишга тушдилар. Сноуболл айнан шуни кутиб туради. Ҳамлакорлар ҳовлига кирган заҳоти, Сноуболл хужумга буйруқ берди ва молхона ортидаги буталар ичидаги пистирмада турган учта от, учта сигир ва чўчқалар тўсатдан душманнинг ортидан зарба бердилар. Сноуболлнинг ўзи Жонсга томон отилди. Уни кўрган Жонс тўппончасини шартта ўгириб, ўқ узди. Ўқ Сноуболлнинг елкасига тегиб ўтди, унинг баданида қонли из қолдириб, рўпарада турган кўйни ҳалок қилди. Бир лаҳза ҳам тўхтамасдан, Сноуболл ўзининг бутун оғирлиги билан Жонсни оёғидан чалиб ағдарди. Тўппончасини тушириб кўйган Жонс гўнг уюмига йиқилди. Энг ваҳшатли томошани Боксёр кўрсатди, у кутурган тулпор каби икки оёгини кўтариб, тақаланган туёклари билан тепди. Унинг биринчи зарбаси Фоксвуддан келган отбоқарнинг калласига тегди ва у нафас олмай, ахлатта қулади. Буни кўрган бошқалар найзаларини ташлаб, қочишга тушдилар. Бор-йўғи бир неча лаҳза ичидаги саросимага тушган одамлар ҳовлида бетартиб тентирай бошлишди. Ҳайвонлар уларни шохлашар, босишар, юлишар ва туртишарди. Барча жониворлар, ҳар бири ўзича, бу қасос байрамида иштирок этарди. Ҳатто мушук ҳам бехосдан томдан бир молбоқарнинг елкасига сакради ва унинг ёқаси ичига тирноқли панжаларини тиқди, молбоқар ҳайвондай ёввойи овозда инграб юборди. Чиқиши йўли очиқ турганини кўрган одамлар тўдалашиб ташқарига отилдилар ва катта йўл томон шошилдилар. Ҳамлаларидан беш дақиқа ҳам ўтмай – одамлар шармандаларча уларни молхонага олиб келган йўл билан қочиб борардилар. Уларнинг ортидан товоонларини чўқиласганча ғозлар тўдаси кувиб борарди.

Бир одамдан ташқари, ҳамма қувиб юборилди. Ҳовлининг олис томонида Боксёр юзи ерга қапишган отбоқарни

тепага ўтириш учун эхтиёткорлик билан туртаётганди. У эса қимирламасди.

— У ўлиб қолибди, — Боксёр қайғу билан гапиради. — Мен буни истамаган эдим. Мен ўзимнинг темир тақаларим ҳакида унутган эканман. Мен буни истамаганимга ким ҳам ишонарди?

— Ўртоқлар, бўшашманглар, — бакирди ярасидан ҳали қон сизиб турган Сноуболл. — Уруш уруш-да. Одамзоднинг энг яхшиси ўлган одамдир.

— Мен ҳеч қачон ҳеч кимни, ҳатто одамни ҳам жонидан жудо қилмоқчи эмасдим, — Боксёр кўзлари тўла ёш билан такрорлади.

— Молли қаёқда? — кимдир эслаб қолди.

Молли ростдан ҳам ғойиб бўлганди. Бир дақиқадан сўнг молхонада шовқин кўтарили: одамлар уни қандайдир йўл билан ногирон қилган ёки асирга олган бўлишилари мумкин, деган хавотирлар пайдо бўлди. Охир-оқибат, Молли ўзининг отхонадаги катагига беркинган ҳолда топилди. У кулоғигача сомонга кўмилган ҳолда пусиб ётарди. Молли курол ишга туширилган заҳоти жанг майдонидан гум бўлганди. Уни кўргандан кейин, ҳамма ҳайвонлар ҳовлига шошиб чиқишганида, ўзини хушсиз ўликка солиб ётган отбоқар аллақачон ғойиб бўлганди.

Ана шундагина ҳамма ҳайвонлар ёввойи жунбишга келишди; ҳар бири бошқалардан баланд овозда қичқиришга уринганча, жангдаги ўз қаҳрамонликлари ҳакида сўзлашни бошлади. Буларнинг бари ғалаба муносабати билан байрамга айланди. Дарҳол байроқ юқорига кўтарили, «Англия жониворлари» кўп марта айтилди, ҳалок бўлган кўзичоқ тантанали дағн этилди. Унинг қабрига дўлана бутаси экилди. Янги қабр устида Сноуболл қисқача нутқ ирод қилди. Барча ҳайвонларни зарур бўлса, молхона учун, «Ҳайвонобод» учун ўз жонларини фидо қилишга даъват этди.

Бир овоздан «Ҳайвон — биринчи даражали қаҳрамон» ҳарбий мукофотини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу мукофот Сноуболл ва Боксёрга берилди. У жездан ясалган бўлиб (аслида бу жез тақалар абзалхонада аввалдан

сочилиб ётганди) авваллари уларни ҳайвонларга бозор кунлари ва байрамларда тақиб қўйишарди. Бундан ташқари, «Ҳайвон – иккинчи даражали қаҳрамон» ҳарбий мукофоти ҳам таъсис этилиб, у билан ҳалок бўлган кўзичоқни ўлимидан сўнг тақдирлашди.

Бу тўқнашувни нима деб аташ борасида кўп тортишувлар бўлди. Ниҳоят, уни сигирхона олдидаги жанг деб аташга қарор қилинди, чунки пистирма айнан ўша ерда турганди. Мистер Жонснинг тушиб қолган тўппончаси лойқа ичидаганди. Молхонада патронлар заҳираси ҳам борлиги маълум эди. Энди тўппонча байроқ илинадиган устун остига артиллерия тариқасида кўйиладиган бўлди. Ундан йилига икки марта – 12 октябрда, сигирхона олдидаги жангнинг йиллигига ва сигирхона жангини хотирлаш учун қуёш тикка келган кунда тантанали ўқ отишга қарор қилинди.

V БОБ

Қиши кириши билан Молли баттар бадқовоқ бўлиб қолди. У ишга кеч чиқарди ва ухлаб қолганини баҳона қиларди. Иштәҳаси карнай бўлганига қарамасдан, доим қаеридир оғриб, азоблаёттанидан нолирди. Исталган баҳона билан ишни ташлаб кетар ва сувли қудукнинг олдига бориб, ўзининг сувдаги аксига маҳлиё бўлиб ўтиради. Иш анча жиддий тус олганга ўхшарди. Бир куни, Молли бир тутам соғонни чайнаб, ҳовлида қувноқ, узун думини ликиллатганча дикирлаб юрганда, унинг олдига Кловер келди.

— Молли, — деди у, — мен сен билан жиддий гаплашишим керак. Бугун эрталаб мен сенинг Ҳайвоnobodни Фоксвуддан ажратиб турган девор ортига қараб турганингни кўрдим. Нариги томонда мистер Пилкинтоннинг одамларидан бири турган эди. Ва — мен сизлардан узокроқ эдим, аммо кўзим мени алдамайди — у сен билан ниманидир гаплашди ва сен бурнингни қашлаб қўйишига ҳам индамадинг. Бу нима қилганинг, Молли?

— Бунақа бўлмаган! Мен у ерда йўқ эдим! Буларнинг бари ёлғон! — туёқлари билан ерни тепиб, кавлаганча Молли ғингшиб кўйди.

— Молли! Менга қара. Ўша одам сенинг бурнингни қашлаб қўймади, деб менга қасам ича оласанми?

— Бу тухмат! — деди Молли кўзларини олиб қочганча. Кейинги лаҳзада у кескин ўгирилди ва далага томон қочиб кетди.

Кловер чукур ўйланди. Бирорга бир нарса демай, Моллининг катагига борди ва туёқлари билан барча пичан уюмини титиб чиқди. Ғарам тагида ушатилган қанд бўлаги ва турфаранг тасмачалар боғлами беркитилган ҳолда турарди.

Уч кундан сўнг Молли ғойиб бўлди. Бир неча ҳафта унинг қаердалиги ҳақида хабар бўлмади, кейин айғоқчи кабутарлар уни Уиллингтоннинг нариги томонида кўрганларини айтишди. У қовоқхона ёнидаги иккифидиракли қора-қизғиш араванинг шотисида турарди. Семиз, қизил юзли, тўқима кўнжли шим ва этик кийган, майхоначига ўшаш эркак унинг бурнини қашлаб, лўнжига қанд бўлагини солиб

күйрди. Унинг янги жабдуғи, пешонасида қизил тасмачаси бор эди. Кабутарларнинг айтишига қараганда, Молли баҳтли ва ҳаётидан мамнун кўринарди. Моллини бошқа эсламай кўйдилар.

Январда қаттиқ совуқ тушди. Музлаган ернинг қаттиклиги темирдай эди, далалар бўшаб қолди. Мажлисларнинг аксарияти омборда ўтарди, чўчқалар келгуси йил қилинадиган ишлар режасини ва молхона бюджетини тузиш билан машғул эдилар. Гарчанд барча масалалар умумий овоз бериш йўли билан ҳал этилишини ҳамма эътироф этган бўлса-да, тараққиётнинг бош йўналишини молхонанинг ақлли вакиллари – чўчқалар белгилаб беришарди. Бундай тартиб жуда яхши ишларди, аммо бу хотиржамлик Сноуболл ва Наполеон баҳсласишини бошлагунча давом этарди. Улар имкон туғилди дегунча, исталган сабаб билан мунозарага киришиб кетишарди. Агар уларнинг бири далаларга арпа экиш керак, деб айтса, иккинчиси далаларнинг аксарият қисмига шаксиз сули экишни тавсия қиласиди. Агар уларнинг бири қайсиидир далага лавлаги экишни олдинга сурса, иккинчиси бу далада мева берадиган илдизли ўсимликлардан бошқа исталган экинни экиш мумкинлигини исботлашга тушарди. Ҳар бирининг ўз издошлари бор эди, издошлар ҳам қайноқ баҳсга киришиб кетардилар. Агар Ассамблея мажлисларида ўзининг улуғ нотикълик маҳорати туфайли Сноуболлнинг кўли баланд келса, Наполеон орқаворотдан ҳал қилинадиган ишларга устаси фаранг эди. Уни, айниқса, қўйлар хурмат қилишарди. Гоҳида қўйлар, нима бўлаётганидан қатъи назар, жўровоз бўлиб ёки алоҳида «Тўрт туёқ – аъло, икки туёқ – расво»ни баърашни бошлашар ва шу билан Ассамблеянинг иши тугарди. Шу нарса сезилардики, бу қичкириқлар Сноуболл нутқининг энг баландпарвозд жойига келганда янграбарди. Сноуболл молхонада сочилиб ётган «Фермер ва чорвадор» журналининг бир нечта эски сонларини чукур ўрганди, янги ташаббуслар ва қайта куриш гоясини бошлади. У ўз нутқида дренаж ариқларни тозалаш, пичан ғарамлаш, гўнглаш жараёнлари ҳақида билимдонлик билан гапираварди. Унинг томонидан мураккаб схема ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра

ҳайвонлар бевосита даланинг ўзида ҳар куни ҳар ерга бўша-нишлари керак, бу далаларга гўнгни тенг таксимлаш билан бирга, гўнг ташиш транспорти масаласини ҳам ҳал этади. Наполеон схемалар билан шуғулланмас, аммо бамайлихо-тир тарзда Сноуболлининг схемалари арзимас чўпчак дер эди. Афтидан, Наполеон ўзининг вақти-соатини кутаётганди. Шамол тегирмони ғояси пайдо бўлганда, аввалги низолар ва қарама-қаршиликлар ҳеч нарса экани маълум бўлди.

Чўзинчоқ, ястанган яйловнинг ўртасида кичикроқ тепа-лик бўлиб, айни пайтда, бу молхона худудидаги энг баланд жой эди. Унинг остидаги кумлоғини ўрганган Сноуболл бу ер шамол тегирмони қуриш учун энг мақбул жой эканини, шунда бу тегирмон динамомашинани айлантиришини ва молхонани электр қуввати билан таъминлашини эълон қилди. Кўтонлар ва оғилхоналарни ёритиш ва қишида иситиш мумкин бўлади, циркуляр арра, пичанкесгич ва ҳатто лавла-гини аралаштиргич машина ва сут соғиш қурилмалари ишга тушади. Жониворлар бунаقا нарсалар ҳақида эшитмаган эдилар (чунки путурдан кетган бу молхонада энг жўн ме-ханизмлардан бошқаси бўлмаган), улар Сноуболлга ҳайрат билан қарашар, у эса ҳайвонлар олдида фантастик маши-наларнинг ҳашаматли манзарасини тасвиirlаб берарди. Бу машиналар уларнинг ўрнига ҳамма ишларни бажаришади, жониворлар эса ўтлокларда сайд қилиб, ўкиш ва сухбатла-шишни машқ қилиб, роҳатланадилар.

Бир неча ҳафта ўтгандан сўнг Сноуболлининг ғоялари тугал кўринишга келди. Барча тафсилотлар мистер Жонсга тегишли учта китобдан: «Хонадон учун мингта фойдали нарса», «Ҳар ким ўз пойдеворини яратади» ва «Бошловчи-лар учун электрга оид қўлланма»дан олинди. Сноуболл ўз фикрларини қачондир инкубатор бўлган бинонинг томи остида амалга оширади, унинг пастига силлиқ тахта тў-шалган бўлиб, бу тахтага чизиш мумкин эди. У бу хонадан ташқарига чиқмай, соатлаб ишларди. Вакт-вақти билан зарур варағига тошча кўйиб кўйилган китобга қараганча, туёқлари орасига совун парчасини қистириб, олдинга ва орқага юрар, чизик устидан чизик ўтказар ва ўзининг ижодидан завқланиб,

хур-хур килиб қўярди. Унинг режаси бирин-кетин тирсакли валлар, тутқичлар ва олти киррали айланмаларга айланди, бу тасвирлар бутун тахталарнинг барчасини тўлдирганди, бу тасвирлар бошқалар учун тушунарсиз бўлса-да, жуда ҳайратли манзара ҳосил қилган эди. Молхонанинг барча аъзолари Сноуболлнинг ижодига қарап учун кунига ҳеч бўлмаса бир марта кирадилар. Ҳаттоқи ғозлар ва товуклар ҳам, оҳакдан чизилган ерларга зарар етказмаслик учун эҳтиёткорлик билан юриб, кўриб кетишарди. Фақат Наполеон четда турарди. У аввал бошдан тегирмонга қарши эди. Бироқ бир куни у ҳам кутилмаганда чизмалар билан танишгани кириб қолди. У оғир қадамлар билан чизмани айланиб ўтди, ҳар бир чизикка синчилаб қаради, бир-икки марта хур-хурлаб кўйди ва кўзини кия килиб ёндан назар солиб турди-да, чизманинг устига сийиб юборди, кейин бир сўз демай, хонадан чиқиб кетди.

Тегирмон ҳақидаги масала молхонада жиддий қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди. Сноуболлнинг нуқтаи назарига кўра, тегирмонни қуриш унчалик кийин бўлмайди. Тошларни тошмайдалагич томондан келтириш ва улардан девор тикилаш мумкин, кейин парраклар ўрнатилади, фақат симлар ва динамомашина топилса бўлди (уларни қандай тошиш ҳақида Сноуболл гапирмасди). Унинг таъкилашича, бир йил ичida барча ишларни якунлаш мумкин. Кейин, дерди у ҳайрат билан, тегирмон ўзига барча ишларни олади ва ҳайвонлар ҳафтада уч кун ишласалар етади. Иккинчи томондан, Наполеон айтардики, бугунги асосий вазифа маҳсулотни кўплайтиришдир, агар ҳайвонлар тегирмон қуриш учун вақтни йўқотишса, қишида очликдан ўладилар. Молхона икки томонга ажралди, улар: «Сноуболл учун ва уч иш кунига эга ҳафталикка овоз беринг» ва «Наполеон учун ва тўқ қорин учун овоз беринг» шиорлари остида чиқиш қилишарди. Бирор бир томонга кўшилмаган ягона жонивор Бенжамин эди. У фаровонлик бўлишига ҳам, тегирмон вақтни тежашига ҳам ишонмасди. Тегирмон билан ҳам, тегирмонсиз ҳам, дерди у, ҳаёт пешонада ёзилганидай давом этаверади, яъни яхшиланмайди.

Тегирмон ҳақидаги баҳслардан ташқари, молхона мудофааси билан ҳам шуғулланиш зарур эди. Шу нарса буткул аёнки, одамзод сигирхона олдидаги жангда мағлуб бўлди, аммо душманлар Ҳайвонободни эгаллаб олиш учун навбатдаги, аввалгидан кучлироқ хужумни амалга оширишлари ва мистер Жонс ҳокимиятини тиклашлари мумкин. Мудофаа билан яна шу учун шуғулланиш лозим эдики, ҳайвонлар ўзларини самарали ҳимоя қилганлари ҳақидаги миш-мишлар бутун ўлкага тарқалаётган, кўпни молхоналар аҳлида ҳам ҳаяжонланиш уйғотаётганди. Одатдагидай, Сноуболл ва Наполеон ўргасида низо чиқди. Наполеон ҳайвонлар ўқотар куроллар топиши ва улардан фойдаланишни ўрганишлари лозим, деб ҳисобларди. Сноуболлнинг нуқтаи назарига кўра эса, улар қўпни молхоналарга кўплаб айғоқчи кабутарларни жўнатиш ва оммавий қўзғолонлар оловини ёқиш керак. Уларнинг бири ҳайвонлар ҳимояланишни ўрганиши лозим деса, иккинчиси бутун дунё инқилоби бошланса, улар ўз мудофаалари ҳақида ўйламасалар ҳам бўлади, дерди. Ҳайвонлар аввал Наполеонни тинглар, кейин Сноуболлни эшитар ва уларнинг қай бири ҳақ эканини тушунолмас эдилар. Айтиш лозимки, ҳайвонлар ҳамиша айни пайтда гапириб турганларни кўллаб-куватлаб кетаверардилар.

Сноуболлнинг режа-чизмалари батамом якунланган кун етиб келди. Кейинги якшанбада Ассамблея олдига тегирмон куриш ёки қурмаслик масаласида овоз бериш ўтказиладиган бўлди. Ҳамма катта омборда тўплангач, Сноуболл турди ва вакт-вақти билан баъраб, уни бўлиб турадиган қўйлар томонга қарамасдан, тегирмон барпо этишнинг фойдалари ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилди. Кейин Наполеон ўрнидан қўзғалди. У сокин ва хотиржамлик билан айтдики, тегирмон курилиши – аҳмоқлик, у ҳеч кимга бу учун овоз беришни тавсия этолмайди. Наполеон ўз жойига юмалади. У ўттиз секунддан кўп гапирмади, афтидан, чиқишининг натижаси уни умуман қизиқтирмасди. Сноуболл ўрнидан шартта туриб, яна баърай бошлаган қўйлар томонга хуриллаганча, оташин чақириқни ўртага ташлади – тегирмон курилсин! Бу пайт жониворларнинг мойиллиги икки нотиқ томонга деярли

тeng бўлинган эди, Сноуболлининг чақириғи эса тарозунинг ўзи томондаги палласига оғир тош бўлиб тушди. У таҳқирловчи меҳнат юки ҳайвонлар елкасидан абадий тушгандан сўнг Ҳайвонобод қанчалар ўзгаришини тасвирлаб берди. Унинг хаёлоти пичан қирқадиган ва лавлаги шарбатини сиқадиган машиналардан ҳам узоққа кетди. Электр, деди у, дон совурадиган ва экин ўрадиган, пичан тўплайдиган ва ғарам боғлайдиган механизмларни ишга туширади, улар ерни шудгор қилишади ва юмшатишади, ҳар бир ҳайвон катагида чироқ, иссиқ ва совуқ сув, ҳатто электрли иситгич бўлади... У нутқини тугатганда, овоз бериш қай тарзда тугашига шубҳа қолмади. Лекин айни лаҳзада Наполеон бехосдан турди ва Сноуболлга синовчан тикилиб, ғалати хуриллади, у аввал ҳеч қачон бунақа овоз чиқармаганди.

Ташқарида даҳшатли ақиллаш эшитилди ва мис бўйинбоғларини шакиллатган тўққизта баҳайбат кўпшак омборга отилиб киришди. Улар тикка Сноуболлга ташландилар. У сакраб тушиб, итларнинг ўткир тишли жағларидан зўрга ўзини олиб қочди. Бир лаҳза ўтиб-ўтмай, у эшикка етди, итлар унинг ортидан ташланишди. Ҳайвонлар ҳаддан зиёд довдирашдан ва кўркишдан эсанкираб, гапиролмай қолдилар. Эшик олдида жамланиб, ҳодисани кузатишга киришдилар. Сноуболл узун яйлов томондан катта йўлга қараб қочиб бораарди. У чўчқалар югуриши мумкин бўлган энг катта тезликда югураг, аммо итлар унга қарийб етиб олаёттандилар. У тўсатдан қоқилиб тушди ва уни ушлаб олишлари аник бўлди. Лекин у ўзини тутиб олди ва янада тез югурга бошлади. Итлар уни таъқиб қилишни давом эттирдилар. Уларнинг бири қарийб унинг думини ушлаб олаёттанди, лекин Сноуболл сўнги лаҳзада думини тортиб олди. Сноуболл сўнгти силтанишни амалга оширди. Таъқиб қилаёттандилардан бир неча бармоқ масофа уни ажратиб турарди, бироқ Сноуболл панжарарадаги тешикни кўриб қолди ва жуфтакни ростлади.

Кўрқан ва сукутга чўмган жониворлар яна омборга йиғилдилар. Кувиб кетган кўпшаклар қайтиб келишди. Аввал ҳеч ким бу кўпшаклар қайдан пайдо бўлганини тушуна олмади, бироқ сир тезда осонгина очилди: бу Наполеон бир

пайтлар онасидан тортиб олган ва шахсан тарбиялаган күчүкчалар эди. Улар ҳали ўсиб бораётган, шунга қарамасдан, аллақачон улкан дарғазаб күппакларга айланиб улгурган, бўрилардай бакувват итлар бўлиб вояга етишганди. Улар Наполеоннинг атрофини ўраб туришарди. Шу нарсани сезиш мумкин эдики, Наполеон уларга мурожаат қилганда улар худди қачондир итлар мистер Жонснинг сўзларига думларини ликиллатган каби думларини силкитиб кўйишарди.

Энди Наполеон кўппаклар курсовида қачондир кекса майор нутқ сўзлаган баландликка чиқди ва маъруза қила бошлади. У ҳар якшанба эрталаб йигиладиган Ассамблея шу ондан бошлаб бекор бўлишини эълон қилди. Мунозараларга бошқа зарурият йўқ, деди у, биз фақат вакт йўқотяпмиз. Келгусида молхонадаги барча масалаларни унинг шахсан ўзи бошчилигидаги чўчқалардан иборат махсус фавқулодда кўмита ҳал қиласди. Улар барча муаммоларни мухокама қилишади ва бошқаларга қабул қилинган қарорлар ҳақида хабар беришади. Молхонанинг барча аҳлари аввалгида якшанба эрталаб йигилишади, байроқка бош эгишади ва «Англия жониворлари»ни куйлашади ҳамда бир ҳафталик топширикларни олишади. Ҳар қанақа мунозаралар ман қилинади.

Сноуболлнинг қувлгиниши уларни саросимага соглан бўлса-да, ҳайвонлар сўнгти хабардан чукур афсуслиниши хис қилдилар. Уларнинг айримларида ҳатто норозилик билдириш истаги пайдо бўлди – ишончли сабабларни топа олишга қобил бўлсалар эди. Ҳатто Боксёр ҳам бир қадар ҳаяжонда эди. У қулоқларини кисиб, бир неча бор ёлини силкитди ва фикрларини тартибга келтира бошлади, бироқ, у айтишга бирор сўз топа олмади. Қолган чўчқалар ундан дадилроқ чиқдилар. Биринчи қаторда ўтирган тўртта чўчқача, чинкириб хуриллаш орқали ўз норозиликларини билдириш учун оёққа турдилар ва ҳар бири ҳар хил нарсалар ҳақида хур-хур қила бошлашди. Аммо шу пайт Наполеонни ўраб турган кўппаклар тишларини ғижирлатиб, ғингший бошлидилар, бу дағдаға чўчқачаларни жим бўлишга ва жойларига ўтиришга мажбур қилди. Кейин қўйлар баланд овозда баърай бошлашди: «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво», бу

баъраш тахминан чорак соат давом этди ва барча гапларга якун ясади.

Шундан сўнг янги ҳокимиятта дарҳол мослашган миқти чўчқа Қичқироқ янги тартибни тушунириш учун бутун молхонани айланиб чиқди.

— Ўртоқлар, — деди у, — мен ишонаманки, молхонамиизда яшаётган барча жониворлар ўртоқ Наполеон, бизни бошқаришни ўз зими масига олар экан, катта масъулиятни ўзига юклаганини англаса керак. Раҳбарлик — катта роҳат, деб ўйламанглар асло, ўртоқлар! Аксинча — бу катта ва оғир масъулият. Ўртоқ Наполеон барча ҳайвонлар тенг ҳукуқлар ва имкониятларга эга эканига чуқур ишонади. У сизларга қарор қабул қилиш юкини топширишдан баҳтли бўларди. Аммо сизлар гоҳида адашишларинг мумкин — унда бизни нима кутади? Тасаввур қилинглар, сиз бу Сноуболлнинг ҳавойи хаёлотига ишонсанглар нима бўларди — бу абраҳ, бугун бизга аён бўлдики, жиноятчи ва мухолифатчи экан...

— У сигирхона жангида жасорат кўрсатганди, — деди кимдир.

— Жасорат — бу ҳамма нарса дегани эмас, — хуриллади Қичқироқ. — Содиқлик ва итоат — энг муҳими мана шу. Сигирхона олдидаги жангга келсак, ҳали вақт келади, бу жангда Сноуболлнинг ўрни анча ошириб кўрсатилгани исботланади. Интизом, ўртоқлар, темир интизом зарур! Бугуннинг шиори шу! Бирор ножўя қадам қўйсангиз бўлди, шу заҳоти душманларнинг сиртмоғига тушасиз! Ахир, ўртоқлар, сиз Жонснинг қайтишини истамасангиз керак?

Ҳар доимигидай, бу далилни рад этиб бўлмас эди. Албатта, бирорта жонивор Жонснинг қайтишини истамасди, агар якшанба тонгини қандай ўтказиш борасидаги баҳслар Жонсни қайтаришга олиб келса, бу баҳслар, шубҳасиз, тўхтатилиши лозим: Энди мулоҳаза юритишга етарли вақти бўлган Боксёр ўзини ўртаётган ҳисларини шундай сўзларда ифода қилди: «Агар ўртоқ Наполеон шундай деган экан, демак, бу ҳақиқат». У ўзининг «Мен янада кўп меҳнат қиласман» деган шиорига қўшимча тарзда яна бир ҳикматни айтди: «Наполеон ҳамиша ҳақ».

Шу кунларда ҳаво айний бошлади; шудгорлашни бошлап керак эди. Сноуболл ўз тегирмонини чизган сарой ёпиқ эди, ҳаммага бу чизмалар ўчириб ташланганлиги эълон қилинганди. Энди ҳар якшанба тонгида ҳамма омборда йифилар ва бир ҳафталик топширикларни оларди. Кекса майорнинг фақат суюклари қолган бош чаноғи қабрдан қазиб олинди ва байроқ тикланган тўсин тагидаги тўппонча ёнида турган тўнкага ўрнатилди. Энди барча ҳайвонлар байроқ кўтарилигандан сўнг саф бўлиб бош суяги ёнидан ўтишлари, унга эҳтиромларини билдиришлари лозим эди. Энди омборга кирап экан, улар аввалгидай бирга ўтирмас эдилар. Наполеон, Қичқироқ ва Мўлтонус номли шеър ва қўшиклар ёзадиган яна бир чўчқа тепаликнинг олди қисмини эгаллашар, тўққизта кўриқчи кўшпак уларнинг атрофини ярим ой шаклида ўраб туришарди, бошқа чўчқалар уларнинг кетидан жой олишарди. Қолган жойга барча бошқа ҳайвонлар жойлашардилар. Ҳафталик топширикларни Наполеон кескин ва дона-дона қилиб тушунтиради. Бир марта «Англия жони-ворлари» мадҳияси жаранглар ва ҳамма тарқаларди.

Сноуболл кувғин қилинганининг учинчи якшанбасида ҳайвонлар Наполеоннинг хабаридан бироз ҳайратга тушдилар – ҳаммасига қарамасдан, тегирмон курилади. У ўз нуқтаи назарини нега ўзгартиргани борасида бирор тушунтириш бермади, фақат бу ўта мураккаб тадбир жуда қаттиқ ишлашни талаб қилишидан огоҳлантириди. Эҳтимол, кундалик овқат меъёрини ҳам камайтиришга тўғри келиши мумкин. Режалар, албатта, энг сўнгти унсурларигача чукур ўйланган эди. Охирги уч ҳафта мобайнинда чўчқалардан иборат маҳсус қўмита бунинг устида иш олиб борди. Тегирмонни куриш ва бошқа аслаҳаларни ўрнатиш, тахмин қилинишча, икки йил вақтни олади.

Кечкурун Қичқироқ дўстона сухбат давомида қолган ҳайвонларга тушунтириш бердики, аслида Наполеон ҳеч қачон тегирмон курилишига қарши бўлмаган. Аксинча, айнан у аввал бошиданоқ тегирмон курилиши ғоясининг бошида турган, Сноуболл инкубатор тахтасига чизган чизмалар аслида Наполеоннинг қофозлари орасидан ўмарилган бўлган.

Яъни тегирмон ёлғиз Наполеон томонидан ихтиро этилган. Айримлар савол беришарди, хўш, ундаи бўлса, нега у тегирмон куриш ғоясига бу қадар кескин қаршилик қилган? Қичқироқ чўчқа муғомбирона жилмайди. Бу, деди у, ўртоқ Наполеоннинг устомонлигидир. Фақат тегиромонга қарши экандай ўзини **кўрсатиб**, у хавфли хулқ-автори билан ҳаммага ёмон таъсир ўтказаётган Сноуболлдан халос бўлган. Энди, Сноуболл батамом четга сурилгач, режа ҳеч бир тўсиксиз ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Буларнинг бари, деди Қичқироқ, сиёсатда «тактика» деб аталади. У бир неча марта такрорлади: «Тактика, ўртоқлар, тактика!» У қувончдан сакрар ва думини ликиллатарди. Ҳайвонлар бу янги сўзни у қадар тушунмадилар, аммо Қичқироқ ўз ишончли сўзини уни муҳофаза қилиб юрган учта кўпшакнинг тиш **ғижирлатиб**, ғингшуви билан тасдиклагач, унинг тушунтиришлари сўзсиз қабул қилинди.

VI БОБ

Бутун йил қулларча меңнат қилинди. Аммо ҳайвонлар баҳтли эдилар: на бир шикоят, на-да бир ўзларини ҳосилга курбон қиляпман, деган эътиroz бўлмади. Ҳаммага аён эдики, мустақилликдан сўнг энди улар бир тўда дангаса ва ўғри одамларнинг чўнтағи учун эмас, ҳайвонларнинг ўzlари ва авлодларининг фаровонлиги ҳамда буюк келажаги учун меңнат қиласидилар.

Бутун баҳор ва ёзда улар ўн соатлаб меңнат қиласидилар, августда ўрток Наполеон якшанба куни тушлиқдан сўнг ҳам ишлашга тўғри келишини эълон қилди. Бу расмий иш кунларидан ташқари меңнат қилишлар қатъий кўнгилли тарзда амалга оширилиши, фақат истаган ҳайвонлар чиқиши эълон қилинди. Аммо бундан бош тортган ҳар бир жонивор бундан кейин одатдаги озуканинг ярминигина олиши белгилаб қўйилди. Шунга қарамай, ишнинг бир қисми тугалланмай қолди. Ҳосил ўтган йилдагидан бир қадар кам бўлди, чунки илдизига мева тугадиган экинларни экиш мўлжалланган икки дала экилмай қолди, чунки уларда шудгорлаш ишлари охирига етмаган эди. Яқинлашиб келаётган қиши оғир бўлишини тахмин қилиш мумкин эди.

Курилишда кутилмаган қийинчиликлар юзага келди. Яқин-атрофда жуда яхши оҳактош кони бор эди, саройларнинг бирида эсà етарлича кум ва цемент турганди, яъни барча курилиш материаллари туёқ остида эди. Дарҳол ечиш имконсиз бўлган илк муаммо девор тиклаш лозим бўлган тошларни бўлаклайдиган аслаҳа йўқ эди. Афтидан, мисранг ва чўқморларни ишга солиш керак эди. Аммо бирорта жонивор бу учун зарур қобилиятга – икки оёқда туриб ишлаш кўникмасига эга бўлолмасди. Бир неча ҳафта бехуда уринишлардан сўнг, кимнингдир миясига ажойиб бир ғоя келди – оғирлик кучидан фойдаланиш лозим. Тошкесарнинг бир чеккасида ўта катта, бу ҳолида фойдаланиб бўлмайдиган ҳарсангтошлар ётарди. Уларни арқонлар билан боғлашди, кейин ҳамма, сигирлар, отлар, қўйлар, кучи бор ҳамма жониворлар, ўта оғир пайтларда раҳбар ҳисобланган чўчқалар ҳам ёрдам беришди. Киялиқдан ҳарсангларни жар тепасига

олиб келишар ва итариб юборишарди, пастга келиб урилган тошлар майда бўлакларга бўлинарди. Шундан қейин уларни ташиб кетиши анчайин осон иш эди. Отлар уларни аравада таширдилар, қўйлар кичикроқ бўлакларни олиб боришар, ҳатто Мюриэл ва Бенжамин, бир-бирларини масхаралаганча, эски икки ғилдиракли аравага қўшилишарди ва ишга ўз хиссаларини қўшардилар. Ёз охирига келиб етарлича тошлар тўпланди ва чўчқаларнинг назорати остида қурилиш ишлари бошланди.

Қурилиш секин ва қийин кечайдиганди. Баъзан бирор ерга ҳаддан зиёд катта тошни ўрнатиш учун кун бўйи ҳаракат қилинар эди, кейин у тош пастга қулар ва майдаланиб кетарди. Бирор ишни Боксёrsиз амалга ошириб бўлмасди. Гоҳида унинг бир ўзи қолган ҳаммани ўрнини боса оладигандай эди. Тош пастга қулай бошласа, ҳайвонлар чинкириб, уни тўхтатишига бехуда уринар эдилар. Айнан Боксёр арқони таранг ушлаб, тошни тўхтатиб қоларди. Боксёр секин, қадам-бақадам тепаликка чиқиб боришини, оғир ҳансираф, туёқлари билан қисирлаган ерга ботишини, ҳамма томонидан тер куйилаёттанини – буларнинг барчасини кўрган жониворлар ҳайрат билан, нафасларини ичга ютганча қараб турардилар. Кловер гоҳида уни ўзини зўриқтирумасликка ундарди, аммо Боксёр унга қулоқ солишни истамасди. Қанақа муаммога дуч келмасин, унинг барча саволларга жавоб бўладиган иккита шиори бор эди: «Мен янада кўп меҳнат қиласман» ва «Наполеон ҳамиша ҳақ». Энди у хўроздан эрталаб ҳаммадан ярим соат олдин эмас, 45 дақиқа олдин уйғотишни сўради. Ўша вақт тифиз пайтлардаги бундай иқтисод қилинган дақиқаларда у бир ўзи тошкесар жойига борар, тошларни тўплар ва яна ўзи шамол тегирмони қуриладиган жойга олиб борарди.

Иш мустакилликдан олдинги пайтдагидан оғир бўлса-да, ҳайвонлар ёмон яшамаётган эдилар. Ҷарвоқе, улар золим Жонс давридагидан кўп озуқа емаётган бўлсалар-да, ўша пайтдагидан кам деб ҳам бўлмасди. Улар фақат ўзларини боқишилари керак эди, бешта исрофгар инсон деган маҳлукни боқишидан халос бўлгандилар. Бу афзаллик шу қа-

дар сезилар эдики, улар бу учун айрим нарсалардан маҳрум бўлишларига чидай олардилар. Улар ишда кўллаган усууллар аввалгидан бир неча бор самарали бўлиб, қувватни ҳам тежарди. Масалан, одамлар ҳеч қачон ерни бу қадар ёввойи ўтлардан тоза ўтоқ қила олмасдилар, жониворлар эса уларни битта қўймай ямлаб юборардилар. Яна ҳайвоnlар ўғрилик нималигини билмасликлари туфайли ҳамма ерда шудгорни яйловдан ажратадиган девору тўсиқлар қўйиш ва уларни тинимсиз тузатишга эҳтиёж қолмади. Шунга қарамай, ёзда олдиндан кўзда тутилмаган қийинчиликлар пайдо бўлди. Парафин, михлар, симлар, итлар учун бисквитлар ва тақаларга эҳтиёж пайдо бўлди – буларнинг ҳеч бири Ҳайвоnobодда ишлаб чиқарилмас эди. Бундан ташқари, кейинчалик маълум бўлдики, уруғлик ва кимёвий ўғитлар зарур, асбоблар ва ниҳоят, шамол тегирмони учун ускуналарни айтмаса ҳам бўлади. Буларни қандай қилиб топиш мумкинлигини ҳеч ким тасаввур ҳам қиломас эди.

Ҳамма кейинги ҳафталиқ топшириқларини оладиган якшанба мажлисларидан бирида Наполеон янгича сиёsat юритишини бошлишини эълон қилди. Энди Ҳайвоnobod қўшни молхоналар билан савдо-сотикни йўлга қўяди: албатта, бу ишдан мақсад тижорат эмас, ҳаёт учун зарур ашёларни кўлга киритишдир. Тегирмон ҳакида ғамхўрлик қилиш қолган барча нарсаларни ўзига бўйсундириши лозим, деди у. Шуннинг учун у бир неча буғдой ғарамларини ва йиғиштирилган арпа ҳосилининг бир қисмини сотиш ҳакида қарор чиқарди. Агар бу пуллар етмаса, кейинчалик тухумлар ҳам савдо айланмасига жалб этилади, Уиллингтонда тухум учун бозорда эҳтиёж ҳамиша бор. Товуклар, деди Наполеон, бу йўқотишиларини тегирмон қурилишига қўшилган ҳиссалари деб қабул қилишлари керак.

Барча тўпланганларни дастлабки дақиқаларда бироз саросима босди. Одамлар билан ҳеч қачон алоқа қилмаслик, ҳеч қачон савдо билан шуғулланмаслик, ҳеч қачон пулни ишлатмаслик – ахир Жонсни ҳайдагандан кейинги тантанали мажлисда шу тамойиллар эълон қилинмаганими? Бу қарорлар қандай қабул қилинганлигини ҳамма жониворлар

эслар эдилар ёки эслай оламиз, деган фиқрда эдилар. Наполеон Ассамблеяни йўқ қилганда норозилик билдиримоқчи бўлган тўртта чўчқача тортинчоқлик билан қарши овоз чиқаришга лаб жуфтлагандилар, қўриқчи кўшпаклар дарҳол тиш гижирлата бошлишди. Чўчқалар тинчид қолишли. Кейин, одатдагидай, қўйлар қўшиқ бошлишди: «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво!» Орадан нокулайлик дарҳол кўтарили. Ниҳоят, Наполеон тинчликни сақлашни сўраб, оёғини кўтарди (“Ўртоқ Наполенон туфайли осмонимиз тинч!” деган гап урфда эди), у аллақачон зарур топширикларни бериб бўлганлигини эълон қилди. Бирорта ҳайвон инсон зоти билан алоқа қилмаслиги керак, чунки одамлар аввалгидай нафратга лойикдирлар. Бу оғир ишни фақат Наполеон ўз елкасига олади. Уиллингтонлик хуқукшунос мистер Уимпер Ҳайвонобод молхонаси ва қолган дунё ўргасида воситачиликни ўз зимасига олади. Ҳар душанба куни у дастуриламалларни олиш учун молхонага ташриф буюради. Наполеон ўз нутқини одатдаги олқишло билан якунлади: «Яшасин Ҳайвонобод!» «Англия жониворлари» мадхияси куйлаб бўлингач, ҳамма жониворлар тарқалишди.

Бир оз вақт ўтгач, миқти чўчқача бўлган Қичқироқ молхонани айланиб, ўз маърузалари билан норизо ақлларни тинчлантириб чиқди. Унинг ишонтириб айтисича, тижорат билан шуғулланмаслик ва пул билан ишламаслик қарори ҳеч қачон қабул қилинмаган ва ҳатто муҳокамага тавсия ҳам этилмаган. Буларнинг бари сароб, Сноуболл ёлғончилик мавсуми олдидан синаш учун ўртага ташлаган фитнадир. Кимлардир ҳали ҳам шубҳаланаётганини сезган Қичқироқ улардан бевосита сўради: «Буларнинг барини тушингизда кўрмаганингизга ишончининг комилми, ўртоклар? Бу қарорлар қаерда акс этган? Қани ўша ёзувлар?» Ростдан ҳам, улар ҳеч ерда ёзилмаганлиги учун ҳамма ўзини алдаганликларини тан олди.

Эълон қилинганидай, ҳар душанба куни эрталабдан мистер Уимпер молхонага ташриф буюрадй. Бу катта бақенбардли кичкина одамча, амалиёти кўп бўлмаса ҳам, Ҳайвонобод молхонаси барibir бирор кун ташқи дунё билан

алоқа қилишга мажбур бўлишини, бунинг учун воситачи кераклигини олдиндан сезишга ақли етган ва бундан анча фойда кўриш мумкинлигини тушунган мугомбир одам эди. У келган пайтда, ҳайвонлар унга бироз ҳадиксираб қаар, имкон қадар унинг кўзига тушмасликка ҳаракат қилардилар. Шунга қарамасдан, тўрт оёқда туриб икки оёқли мистер Уимперга буйруқ берадиган Наполеоннинг келбати жони-ворларнинг қонуний гуурларини жўшдирав, янгича тартиб билан муроса қилишга ундарди. Уларнинг одамлар жамияти билан муносабатлари аввалгисига қараганда бир қадар ўзгарди. Энди, Ҳайвонобод янги шиддат билан тараққиёт сари бораёттанди, маҳлук одамлар уни янада кучли нафрат билан ёмон кўра бошладилар. Ҳар бир одам бу молхона эртами-кечми хонавайрон бўлади ва бундан ташқари, тегирмон курилиши муваффақиятсизликка учрайди, деган фикрга шубҳа қилмасди. Пивохоналарда учрашаркан, одамлар турли схема ва диаграммаларни пеш қилган ҳолда бир-бирла-рига тегирмон албатта вайрон бўлишини ва мабодо бузилиб кетмаганда ҳам, барибир ишламаслигини исботлашарди. Шунга қарамасдан, уларда ҳайвонлар ўз ғояларини нақадар тиришқоқлик билан амалга оширишларига нисбатан муайян хурмат пайдо бўлди. Ўзгараётган муносабатнинг белгиларидан бири шу эдики, одамлар молхонани янги ҳаққоний номи билан Ҳайвонобод деб атай бошладилар, аста-секин унинг эски номини унутдилар. Улар Жонснинг даъволарини кўллаб-куватлашни тўхтатдилар, Жонснинг ўзи ҳам молхонани қайтариб олиш фикридан кечди ва қаёққадир жўнаб кетди. Мистер Уимпер ҳақида айтмасак ҳам бўлади, у Ҳайвонободнинг қолган бошқа дунё билан алоқаларини кўллаб-куватлади, миш-мишларга қараганда, ўртоқ Наполеон Фоксвудлик мистер Пилкингтон биланми, Пинчфилдлик мистер Фредерик биланми жиддий тижорий алоқалар ўрнатган, алоҳида таъкидланишича, асло бир вақтнинг ўзида иккаласи билан алоқа ўрнатмаган.

Бу ҳодисалар чўчқалар Жонс яшаган уйга кўчиб ўтиб, уни ўз қароргоҳи деб эълон этган пайтда юз берган эди. Яна ҳайвонлар эслашга тушдилар, ёдларида тўрибди, одамлар

яшаган жойда яшаш мумкинмаслиги, бу жойни золим замонини эслатадиган музейга айлантирилгани борасида қарор қилинганди. Яна Қичқироқ уларни ишонтиришигта түгри келди, унинг айтишича, аслида ҳеч бунақа нарса ҳаётда бўлмаган. Бутун молхонанинг мияси бўлган чўчқалар соқин жойда ишлами батамом зарур нарсадир. Бундан ташқари, дохийнинг (энди Наполеоннинг исмини тилга олганда “дохий” унвони қўшилиб айта бошлаганди) шаъну шавкатаига шундай ҳашаматли уйда яшаш мос келади, ахир, дохий оғилда яшасинми?! Шунга қарамасдан, айрим ҳайвонлар чўчқалар қароргоҳда нафақат меҳмонхонада дам олишади ва ошхонада ишлашади, балки ётоқда майшат ҳам қилишади, деган миш-мислардан эҳтиросга тушардилар. Боксёр ҳамма шубҳаларни ўзининг одатдаги «Наполеон ҳамиша ҳақ!» деган шиори билан йўққа чиқаради. Бироқ Кловер, афтидан, ётоқда ётишга қарши ҳайвонизм арконини эсида саклаганди, омборнинг орқасидаги деворга келди ва шу ерда ёзилган етти тамойилни ўқий бошлади. Алоҳида ҳарфлардан бошқа нарсани ўқий олмаслигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, Кловер ёрдам сўраб, Мюриэлга мурожаат қилди.

— Мюриэл, — деди у, — менга тўргинчи тамойилни ўқиб бергин. Наҳотки унда тўшакда ётишнинг ман этилгани ҳакида ёзилмаган бўлса?

Айрим қийинчиликларга қарамасдан, Мюриэл тамойилни бўғин-бўғинлаб ўқиди.

— Бу ерда шундай ёзилган: «Бирорта ҳайвон чойшабли тўшакда ётиши мумкин эмас», — эълон қилди у ниҳоят.

Етарлича синчков бўлган байтал Кловер тўргинчи тамойилда чойшаб тилга олинганини эслай олмасди. Ростдан ҳам деворга шундай ёзилган бўлса, демак, шундай бўлиши керак. Шу пайт шу атрофдан иккита ёки учта кўпрак ҳимоясида ўтиб бораётган Қичқироқ баҳсга оид тўгри талқинни ҳавола этди.

— Ўртоқлар, албатта, эшиттандирсиз, — деди у, — биз, чўчқалар, бинодаги тўшакларда ухламоқдамиз. Нега ухламаслигимиз керак? Сиз, албатта, бу қоида тўшакларга қарши қаратилган деб ўйламасангиз керак. Тўшак ухлаш

учун жой демакдир. Очиғини айтганда, оғилхонадаги соғын түдаси ҳам түшакдир. Ҳайвонизмнинг бу тамойили чойшабларга қарши қаратилған, чунки чойшаб одамнинг ихтириёсидир. Биз барча ётоқлардаги чойшабларни олиб ташладик, энди фақат юмшоқ күрпалар ичидә ухламоқдамиз. Бу жуда мазза-да. Бирок буларнинг бари биз сингари ақлий меҳнат ҳайвонларига зарур бўлган энг минимал қулайликдир. Сизлар бизни оғир меҳнатимиздан кейин лозим бўлган ҳордиқдан маҳрум қўлмоқчимасдирсиз? Шундай эмасми, ўртоказлар? Бизнинг мажбуриятларимизни бажаришда ҳаддан зиёд чарчаб қолишга мажбур этмасангиз керак? Ахир, аминманки, сизларнинг ҳеч бирингиз мистер Жонснинг қайтишини истамассиз?

Ҳайвонлар дарҳол унинг гапига ишондилар, ўша кундан кейин чўчқалар учун түшак масаласи бошқа кўтарилемади. Бир неча кун ўтгандан сўнг чўчқалар энди бошқалардан кўра бир соат кеч уйқудан уйғониши эълон қилинганда, ҳеч бир ҳайвон бирор зътиrozли сўз айта олмади.

Кузга келиб жониворлар хушбахт бир чарчоқни ҳис килдилар. Улар ўз елкаларида оғир йилни олиб чиқдилар, доннинг бир қисми сотилганидан кейин, захиралар қишлоғга етмаслиги мумкин, аммо қад тиклай бошлаган тегирмон уларга таскин берарди. Унинг курилиши деярли ярмига етиб қолганди. Йифим-теримдан сўнг очиқ ва куруқ ҳаво ўрнашди, жониворлар одатдагидан қийинроқ шароитда ишладилар. – Айни пайтда, оғир ҳарсангларни ташир экан, улар ўзларини омадли ҳисоблар эдилар, чунки деворни яна бир футга кўтарадилар, ахир. Терим мавсумида Боксёр курилишга ҳатто тунлари ҳам келар ва ой ёргуғида бир-икки соат ишларди. Дам олиш лаҳзаларида жониворлар тегирмон курилиши атрофида сайд қиласар, текис деворларнинг салобатига қараб, бу муҳташам бинони ўзлари тиклаганликларидан фаҳрлашардилар. Фақат кекса Бенжамин тегирмондан мағрур бўлмас, лекин у ҳам айтгани гап топмаганидан, эшаклар узок яшайдилар, бу тегирмондан кўра узок, деганга ўхшаган қочиримлардан нари ўтмасди.

Изиллатадиган жанубий-шарқий шамоллари билан но-

ябрь кириб келди. Курилиш тўхтаб қолди: бунақа намгарчиликда бетон аралаштириш қийин эди. Ниҳоят, бир оқшом шунақа бўрон авжга чиқдики, молхона биносининг таги ларзага келди, томдаги бир неча сопол қопқа ўпирилиб тушди. Ўйғониб кетган товуклар кўркувдан қақағлаб юборишиди, чунки уларнинг тушига тўплар отишмаси кирганди.

Эрталаб жониворлар кўрдиларки, байроқ осиладиган тўсин синган, ховлидаги арча шолғом каби таги билан қўпорилиб тушган. Аммо улар бунга эътибор қилмадилар, ҳамманинг кўксидан надомат оҳи отилиб чиқди... Тегирмон вайрон бўлган эди.

Яккаш бир шиддат билан ҳамма тегирмон томон чопди. Эрталаблари сайр қилишни хушламайдиган Наполеон ҳам ҳаммадан олдин югуран эди. Ҳа, тегирмон тамом бўлганди – уларнинг узоқ қилган меҳнатлари маҳсули энди йўқ эди: тегирмон таг-туғи билан қулаган, тошлиар сочилиб кетганди. Улар бир сўз дея олмасдан, девор вайроналарига термилиб турардилар. Наполеон жимгина у ён-бу ёнга юрар, гоҳи-гоҳида тупрокни ҳидлаб кўрарди. Унинг анча қотган думи у ён-бу ёнга қимирлаб турарди – Наполеон чукур ўйлаётганди. Кейин у бирдан тўхтади, гўё унинг миясига муҳим фикр келгандай эди.

– Ўртоклар, – деди у хотиржамлик билан, – бу разолат учун ким жавоб бериши кераклигини биласизларми? Тунда яширин бостириб кириб, тегирмонни вайрон қилган душманнинг исмини биласизларми ўзи? Бу – Сноуболл! – У дафъатан овозини баландлатди. – Бу Сноуболлнинг қилмиси! Ичи қоралигидан у бизнинг режаларимизни бузишга қарор қилган ва ўзининг шармандали кувгин бўлгани учун ўч олмоқчи бўлган. Бу хоин бизнинг еримизга тун қоронғисида кирган ва бир йиллик меҳнатимизнинг натижасини йўқ қилган. Ўртоклар, шу ерда туриб, мен Сноуболлга ўлим ҳукмини чиқараман! Ким Сноуболлдан қасос олса, «Ҳайвон – иккинчи тоифа қаҳрамон» унвонига ва ярим чедак олма билан мукофотланади! Уни тириклайн келтирганга бир чедак олма берилади!

Ҳали оқшомги бўронни ёдидан чиқармаган жониворлар,

бу ишдан Сноуболл айбланганидан чексиз саросимага тушдилар. Бу даъвога ишонганлар ҳам дарғазабликларини намоён қилишиди, кўплари, агар Сноуболл яна пайдо бўлса, ушлаб олишни рёжалаштирилар. Шу пайтда тепалик яқинидаги ўт-ўлан ичидаги туёклар изи топилди. Тўғри, улар бор-йўғи бир нечча метргагина чўзилганди, холос, аммо излар тўсин деворнинг тешик еригача борганди. Наполеон туёқ изларини ҳидлади ва улар Сноуболлнинг излари эканини эълон қилди. Унинг тахминича, Сноуболл Фоксвуд томондан келган.

– Бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмаймиз, ўртоқлар! – деди Наполеон, изларни обдон ўрганиб бўлгач. – Бизни иш кутиб турибди. Бугун эрталабдан тегирмонни тиклаш ишларини қайта бошлаймиз, уни ёмғирда ҳам, қорда ҳам ишлаб, бутун қиши мобайнинда тиклаймиз. Бу нафратга лойик хоинга бизни тўхтатиб бўлмаслигини кўрсатиб қўямиз. Ёдда тутинглар, ўртоқлар, биз ҳар бир куннинг қадрига етишимиз керак! Олға, ўртоқлар! Яшасин тегирмон! Яшасин Ҳайвонобод!

VII БОБ

Қаҳратон қиши шафқатсиз эди. Түфөну шамоллар ёмғир ва қорнинг изидан юрарди, кейин изғириналар бошланди ва, февралгача тўхтамади. Тегирмонни тиклар эканлар, жониворлар энг сўнгти куч-куватлари гача сарфлардилар. Яхши билардиларки, уларни атрофдаги бутун дунё кузатиб турибди, агар улар тегирмонни муддатида битирмасалар, инсон зоти ўзида йўқ хурсанд бўлади.

Соғлом фикрларга қарамасдан, аҳоли Сноуболлнинг айбордорлигига ишонмасди ва тегирмон деворларининг юпқалигидан бўронда қулади, деб ҳисоблардилар. Ҳайвонлар сабаб бунда эмаслигини билардилар. Ҳар ҳолда, деворни аввалгидай ўн саккиз дюйм эмас, уч фут қалинликда тиклашга қарор қилдилар. Бу янада кўпроқ ҳарсангтошни талаб қиласди. Бироқ анча пайтгача ишга кириша олмадилар, чунки тошкесардаги тошхонани эриган қор сувлари тўлдирганди. Куруқ совуқ тушгандан кейингина вазият бироз ўнгланди. Иш жуда машаққатли эди, кўпчилик аввалги кўтаринкилик ва умидларсиз ишлаётганди. Улар совуқ ва очликдан азоб чекардилар. Фақат Боксёр ва Кловернинг руҳи тушмаганди. Қичқироқ фидокорона меҳнатнинг меҳнаткашларини улуғлайдиган қувончлари ва шавкати ҳакида гўзал нутқлар ирод қиласди, аммо ҳайвонларга кўпроқ Боксёрнинг ғайрати ва: «Мен янада кўпроқ ишлайман!» деган шиори далда бўларди.

Январда овқат захиралари охирлаб қолгани маълум бўлди. Донни бериш меъёрлари кескин қисқартирилди. Доң ўрнига картошка бериш меъёрлари оширилиши ҳакида эълон қилинди. Кейин маълум бўлди, эшиги жисп ёпилмаган оғилхонада картошканинг каттагина қисми музлаб қолган. Картошка ириб, оқиб ётар, амалда озуқаликка ярамас эди. Фақат пичан ва лавлаги қолганди. Жониворларнинг кўзига очлик даҳшати кўзини лўқ қилиб қараётганди.

Бу фактларни қолган дунёдан яшириш жудаям муҳим эди. Тегирмон вайрон бўлганидан севинган одамлар Ҳайвонобод ҳакида янги миш-мишларни тарқатдилар. Яна тарқала бошлаган миш-мишларга кўра, ҳайвонлар очликдан ва

касалликлардан ҳалок бўлмоқдалар, улар орасида шафқатсиз низолар келиб чиқсан ва молхонада бир-бирини ейиш ва мурғак ҳайвончаларни ўлдириш авжида эмиш. Наполеон бу фитналарнинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларидан жиддий хавотирга тушди ва ҳаққоний аҳволдан ҳеч ким ҳабар топмаслиги учун, миш-мишларни рад этишда мистер Уимпердан фойдаланишга қарор қилди. Одатда ҳайвонлар душанба тонгидаги ташриф пайтида мистер Уимпер билан деярли кўришмасдилар, бироқ энди айрим жониворларга, асосан кўйларга мистер Уимперга кўриниш, унга эшииттириб берилаётган озуқа меъёrlари тинимсиз ортиб бораётганидан мамнунликларини изҳор қилиш топширилди. Бундан ташқари, Наполеон омбордаги бўш хумларни кум билан тўлдириб, устига қолган-кутган дон ва унларни сепиб қўйишни буюрди. Қандайдир баҳона билан мистер Уимпер омборга олиб борилганда, унинг назари “ун ва дон тўла хумлар”га тушди. Томоша уни ишонтирди ва у Ҳайвонободдан кетганидан кейин у ердаги одамларга ҳайвонларнинг озуқаси керагидан ҳам ортиклиги ҳақида гапириб юрди.

Шунга қарамасдан, январ охирида нима қилиб бўлса ҳам бироз дон топиш зарурлиги аён бўлди. Оғир кунларда Наполеон ташқарига кам чиқарди, деярли барча вақтини қароргоҳи ичидаги ўтказар, унинг эшикларини тиш қайраган кўпаклар кўриклаб турарди. У пайдо бўлганда, унинг сайри салобатли тус оларди – у олтита кўриқчи кўпак ўртасида борар, кимдир яқинлашмоқчи бўлса, кўпаклар вовуллаб ғингширди. Гоҳида у якшанба эртасидаги топшириклар бериладиган мажлисда ҳам кўринмас, топширикларини бошқа бирор чўчка орқали, одатда, Қичқироқ орқали эълон қилдирарди.

Якшанба кунларининг бирида Қичқироқ, одатдагидай, ҳамиша уни ўраб турган товукларга бугундан бошлаб то-вуклар тухумларини омборга топширишлари лозимлигини эълон қилди. Уимпер орқали Наполеон ҳар ҳафта тўрт юзтадан тухум етказиб бериш бўйича шартнома тузибди. Тухумдан тушган пулларга дон ва маҳсулотлар сотиб олинади, бу

Ҳайвонобод жониворларига шароитлар яхшиланадиган ёз ойларигача етиб олиш имконини беради.

Бу хабарни эшитган товуклар даҳшатли қа-қағлаб юбордилар. Ҳа, улар, эҳтимол, шундай қурбон беришлари ҳакида огохлантирилгандилар, аммо ростакамига ишонмаган, бу ишлардан Наполеон бехабар, у билиб қолса, бунга йўл кўймайди, дохиймиз одил ҳайвон, деб ўйлардилар. Улар бу тухумлардан баҳоргача жўжачалар очиб чиқишларини, атрофларини момиқ товуқчалар ўраб туришини тасаввур қилиб тамшанардилар. Уларнинг тухумларини тортиб олиш ҳақиқий қотилликдир. Жонс ҳайдалгандан бери илк бор қўзғолишга ўхшаган бир ҳаракат бошланди. Тўртта ёш қора чўчқача бошчилигида товуқлар, исталган йўл билан бўлса-да, Наполеоннинг ҳаракатларига қаршилик қилмоқчи бўлишди. Улар баланд тўсинга чиқиб, тужум туғишига, тухумлар пастга қулаб сотишга яроқсиз ҳолда парчаланиб кетишига қарор қилишди. Наполеон бунга тайёргарлик кўрганди, бир марта орқага чекинса, бошқалар ҳам бош кўтаришини билиб, тез ва шафқатсиз чора кўрди. У товуқларга овқат бермасликни буюрди ва улар ҳаттоқи бир дона дон берган ҳар қандай жониворга ўлим жазоси берилишини эълон қилди. Буйруқнинг изжроси кўшпакларга юклатилсин, деб буюрди у. Товуқлар очликка беш кун чидадилар, кейин товуқхоналарига қайтдилар. Бу пайт мобайнида тўқизита товуқ жон берди. Уларнинг ўлиги бокка кўмиб юборилди ва улар юкумли бруцелёз касалидан ўлди, деб эълон қилинди. Бу билан ҳам уларнинг жасорати йўққа чиқарилди, ҳам касаллик юқиши хавфидан кўмилган жойларини зиёрат қилинишининг олди олинди. Уимпер исён ҳакида ҳеч нарса билолмади. Тухумлар омборга топшириб турилди ва ҳафтада бир марта бақдол келиб, уларни ўзининг усти ёпиқ машинасида олиб кетарди.

Молхонадан қочиб кетганидан буён муҳолифатчи Сноуболлнинг ҳеч қандай изи топилмади. Фақат у билан ҳайвонларни кўрқитиши давом этарди. Миш-мишларга кўра, у кўшини молхоналардан бирида – Фоксвуддами, Пинч菲尔ддами – сиёсий бошпана олган ва беркиниб ётибди. Бу пайтта келиб Наполеон кўшнилар билан муносабатни бир қадар яхшилаб

олганди. Бунга сабаб бўлган нарса шуки, молхона ҳовлисида камида ўн йилдан бери, қора қайинлар кесилгандан буён ётган ёғочлар тахлами бор эди. Улар мистер Жонс томонидан жуда чиройли тахланган ва лозим даражада сакланган эди ва Уимпер Наполеонга уларни сотишни маслаҳат берди. Мистер Пилкингтон ҳам, мистер Фредерик ҳам уларни жон деб сотиб олишларини айтди. Наполеон кимга сотиш масаласида иккиланиб турарди ва кимга сотиш тўғрисида қарор қабул қилолмаётганди. Шу нарса кўзга ташландикি, Наполеон энди мистер Фредерик билан шартнома тузишга киришса, Сноуболл Фоксвудда деган хабар тарқаларди, у энди мистер Пилкингтон билан келишишга қарор берса, Сноуболл Пинч菲尔дда яширган, деган гап чиқарди.

Баҳорга яқин хавотирли хабарлар чиқди. Кечалари Сноуболл молхонага бир неча марта келган! Бу хабар ҳаммани шу қадар хавотирга солдики, ўз катаклари ва оғилхоналарида яхши ухлай олмай тунни ўтказдилар. Маълум бўлишича, тун қоронғиси тушгач, у молхонага киради ва зааркунандалик қиласи. У дон ўғирлайди, сут тўла чепакларни ағдаради, тухумларни топтайди, экин-тикинларни поймол қиласи, мевали дараҳтларнинг шоҳларини ғажийди. Шу тариқа молхонанинг барча камчиликлари Сноуболлнинг зааркунандаликлари сифатида ёпиб юборилди. Энди ҳар бир ҳайвон тушунтира олардики, синган дераза ёки тиқилиб қолган қувур мухолифатчи Сноуболлнинг тунги фаолияти туфайли юз берган, омборхонанинг калити йўқолиб, ялпи ички маҳсулотларнинг бир қисми ўмарилганда, уни ҳамма айнан Сноуболл олганлигини таъкидлади. Энг ажабланарлиси, кейинчалик калит ун солинган қоп тагидан топилганда ҳам, ҳайвонларнинг нуқтаи назари ўзгармади. Сигирлар бир овоздан эълон қилишдики, улар тунда ухлаб ётганларида, Сноуболл уларнинг катакларига киради ва уйқуларида соғиб олиб кетади. Сут ишлаб чиқаришдаги етишмовчиликлар шу билан изоҳланди. Шундай шубҳа бор эдики, бу йилги кишида фаоллашиб қолган каламушлар Сноуболл билан ўзаро битим тузиб олган бўлишлари эҳтимоли бор.

Наполеон Сноуболлнинг фаолиятини тўла тафтиш қи-

лишга буйрук берди. Тансоқчи күпаклар куршовида – қолган жониворлар ундан бир қадар узокроқда, алохидә эргашиб келишарди – у молхона иншоотларини синчковлик билан күздан кечирди. Ҳар бир неча қадамдан сўнг, Наполеон тўхтаб, ерни ҳидлар ва Сноуболлининг изларини ахтарарди, унинг айтишича, ватан хоинини ҳидидан билар эмиш. У омбордаги, сигирхонадаги, товуқхонадаги, томорқадаги ҳар бир бурчакни ҳидлаб чиқди – ҳамма ерда Сноуболлининг излари бор эди. Тумшугини ерга ишқалаб ва пишиллаганча ҳидлаб, Наполеон даҳшатли овозда хурилларди: «Сноуболл! У бу ерда бўлган! Мен уни сезяпман!» Ҳар гал «Сноуболл» сўзини эшигтан тансоқчи күпаклар ўткир тишларини ғижирлатиб, ғингшиб қўядилар.

Ҳайвонлар ҳаддан зиёд кўркиб қолдилар. Уларга туюлдикি, мухолифатчи Сноуболл руҳ-арвоҳга айланиб қолган, кўзга кўринмаса-да, молхонанинг ҳамма ерида юради ва уларнинг бошига тушаётган дунёнинг ҳамма балоларига жавобгардир. Кечкурун нотиқ чўчқа Қичкироқ жониворларни йиғди ва башарасидаги хавотирли ифодани яширмасдан, ҳайвонлар учун жиддий хабарлар борлигини айтди.

– Ўртоқлар! – асабий қалтираганча, хур-хурлай бошлиди у. – Даҳшатли тафсилотлар ошкор бўлди. Сноуболл пинч-филдлик Фредерикка сотилган, улар фитна уюштириб, бизга ҳужум қилишга ва молхонамизни тортиб олишга қарор қилганлар! Ҳужум пайтида Сноуболл душманга йўлбошчилик қиласди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Бундан ҳам даҳшатли ишлар фош қилинди. Биз худбинлиги ва амалпарастлиги Сноуболлининг қувғин қилинишига сабаб бўлган деган фикрда эдик. Лекин биз адашган эканмиз, ўртоқлар. Гап нимада эканини биласизми? Энг аввалдан Сноуболл Жонс томонида бўлган! У ҳамиша яширин жосус бўлган. Буларнинг барчаси у яширишга улгурмаган ва бугун биз топиб олган ҳужжатлар билан исботланган. Мен энди кўп нарса тушунарли бўлди, деб ҳисоблайман, ўртоқлар. Ахир, у бизнинг сигирхона ёлдидағи жангда ғалаба қилишимизга – баҳтимизга, самараасиз – ха-лақит қилишга уринганини ёдимиизда сақлаймиз-ку?

Жониворлар донг қотиб қолдилар. Тегирмоннинг вай-

рон этилишини, балким, Сноуболлинг ҳаддан зиёд ғазаблангани билан изохлаш мумкиндири. Фақат бир неча дақиқа ўтгандан сўнг, улар ўзларига келдилар ва айтилган гапларни мулоҳаза қилдилар. Уларнинг барчаси эсларди ёки эслайман деб ўйлардики, айнан Сноуболл уларни сигирхона олдида жангта бошлиган, уларга бошчилик қилган ва курашда далда бўлган, Жонснинг тўўпончасидан отилган ва яралаган ўқ ҳам уни тўхтата олмаганди. Дастлаб жониворлар ёдларида турган бу воқеаларнинг барчаси Сноуболл Жонс томонида бўлган деган гашга қай тарзда қовуша олишини англай олмай турдилар. Ҳатто деярли савол бермайдиган, хокисор Боксёр ҳам ҳайрон эди. У олдинги оёқларини буклаганча, ётиб олди, кўзларини юмди ва ўз фикрларини тартибга солишга уринди.

— Мен бунга ишонмайман, — деди у. — Сноуболл сигирхона олдидаги жангда мардларча урушди. Ўзим ўз кўзим билан кўрганиман. Ахир биз яқдиллик билан унга «Ҳайвон – биринчи тоифа қаҳрамон» унвонини дарҳол жангдан сўнг тоширмаганимидик?

— Бу бизнинг хатомиз бўлган, ўртоқлар. Чунки биз бугун биламиз – буларнинг барчаси биз топган яширин ҳужжатларда оқقا қора билан ёзиб қўйилган – аслида у бизларни пистирмага туширмоқчи бўлган.

— Ахир у ярадор эди, — деди Боксёр. — Ҳаммамиз ундан қон оқиб турганини кўрганимиз.

— Буларнинг бари атайлаб қилинган! – Қичқирди миқти чўчка Қичқироқ. — Жонс унга атайин отган. Агар сизлар ўқиши билганларингда, бугун ўртоқ Наполеон бу ҳужжатларга “махфийлик” муҳрини босмаганида, мен сизларга бу воқеа ҳақида нималар ёзилганини кўрсатган бўлардим. Фитна шундан иборат эдикси, мушкул вазиятда Сноуболл орқага чекинишга ишора бериши ва жанг майдонини душманларга қолдириши керак бўлган. У зафар қозониши мумкин эди, мен яна шуни айтишим мумкинки, ўртоқлар, у ғалаба қила оларди, агар бизнинг қаҳрамон доҳиймиз ўртоқ Наполеон бўлмаганида. Ахир, ёдингиздадир, Жонс ва унинг одамлари ҳовлига босиб кирган қалтис вазиятда, Сноуболл бехосдан

кочишга тушди ва бошқаларни ҳам эргаштиromoқчи бўлди? Ёдингизда эмасми, ҳамма саросимага тушган ва ҳамма нарса барбод бўлаётган бир пайтда, ўртоқ Наполеон олдинга чиқди ва «Одамзодга ўлим!» қичқириғи билан Жонснинг оёғига ўткир тишларини қадади? Албатта, сиз эслашингиз шарт, ўртоқлар! – у ён-бу ёнга юрганча хуриллади Қичқироқ.

Ҳайвонлар буни эслай олмасдилар, аммо бу саҳнани жуда жонли тасвиirlаб бергач, кўплаб ҳайвонлар у воқеани бўлгандай, эсларида қолгандай хис қилдилар. Ҳар ҳолда жангнинг қалтис пайтида ҳайвонларни ортидан эргаштириб пистирмага олиб боргани эсларида эди. Бироқ Боксёр ҳали ҳам бироз шубҳаланаарди.

– Мен Сноуболл аввалдан бизни соттанига ишонмайман, – деди у ниҳоят. – У кейин ўзгарган бўлса, бу бошқа масала. Аммо сигирхона олдидаги жанг пайтида у ишонса бўладиган биродаримиз эди.

– Доҳиймиз, ўртоқ Наполеон, – Қичқироқ ҳар бир сўзни алоҳида ва салобатли қилиб, эълон қилди, – қатъий таъкидлайдики, қатъий, ўртоқлар, Сноуболл аввалдан Жонснинг жосуси эди, ҳа, айнан шундай, исён фикри туғилганидан ҳам олдин.

– Эҳ-ҳа, бу бошқа гап! – чўчиб тушди Боксёр. – Агар ўртоқ Наполеон айтган бўлса, демак, шундай бўлган.

– Бу қип-қизил ҳақиқат, ўртоқлар! – кичкина, пирпираған кўзчаларини Боксёрга хўмрайиб қадаганча, яна бақирди Қичқироқ. Ўзини жамлаб олиб, у ҳайбат билан деди: «Мен молхонанинг барча аҳолисини огоҳликка чақираман, кўзингиз ва қулогингизни кенг очинг. Чунки айни пайтда орамизда ҳам Сноуболлнинг жосуслари бор дейишга барча асослар мавжуд!» Ҳайвонлар бир-бирларига хавфсираб қарадилар.

Тўрт кун ўтгач, Наполеон барча ҳайвонларга тушликдан сўнг ҳовлида тўпланишни буюрди. Ҳамма жамлангач, уй эшигидан иккита медал такиб олган (у яқиндагина ўзининг фармойиши билан ўзини «Ҳайвон – биринчи тоифа қаҳрамон» ва «Ҳайвон – иккинчи тоифа қаҳрамон» медаллари билан тақдирлаганди) ҳамда тўққизга атрофга ғингшиб турган, тишларининг ғижирлаши ҳайвонларнинг этини сескан-

тирадиган бир-биридан улкан кўппаклар қуршовида ўртоқ Наполеон кўринди. Ҳайвонлар бир-бирларига суюниб турар, уларни ваҳшатли нимадир кутаётганини сезардилар.

Наполеон тўхтади ва ҳаммага бир-бир назар солди; кейин у буйруқ оҳангидаги чийиллади. Кўппаклар ўша заҳоти олдинга отилдилар ва исёнкор тўртга қора чўчқачани кулоқларидан тишлаб, оғриқдан чирқиллатган ҳолда судраб, Наполеоннинг туёклари тагига ташладилар. Чўчқаларнинг кулоқларидан қон сизиб оқар, уларнинг қонларини ялаб, ғингшиётган итлар ақлдан озаётган эди. Ҳамма донг қотиб турган пайтда кўппакларнинг учтаси Боксёрга ташланди. Уларни кўриб қолган тулпор ўзининг улкан туёғини шарт кўтарди ва яқинлашган кўппакни сакраб турган ерида тепди, ит инграницаб, ерга қуллади, қолган итлар думларини сикиб, ўзларини четта тортдилар. Боксёр Наполеонга қаради, у кўрсатма кутарди – итни тепсинми ёки қочиб кетишига имкон берсинми. Афтидан, Наполеоннинг сокинлиги йўқолди ва Боксёрга кўшакни тинч қўйишни буорди; Боксёр туёғини пастга туширди ва кўппаклар ғингшиганча четта ўтдилар.

Оғир сукунат чўкди. Тўрттала чўчқа қалтираб воқеаларнинг ривожини кутарди, улар юзларидаги ҳар бир чизик кўрсатиб турган айбларини яширмас эди. Наполеон уларга ўз жиноятларига икрор бўлиш талаби билан мурожаат қилди. Бу ўша Наполеон Ассамблеяни бекор қилганда исён қилган тўртта қора чўчқалар эди. Улар дарҳол Сноуболл қувғин қилинганидан буён у билан яширин алоқа қилганларига, унга тегирмонни вайрон қилишда ёрдам берганликларига ва у билан тил бириктирган ҳолда Ҳайвонободни мистер Фредерика бериш мақсадида битим тузганликларига икрор бўлдилар. Улар яна шуни қўшиб қўйдиларки, Сноуболл уларга ўз сирини ошкор қилган: узоқ йиллар мобайнида мистер Жонснинг яширин жосуси бўлганлигини айтган. Улар тавба қилиб бўлганларидан кейин, кўппаклар уларнинг томоқларини ғажиб ташладилар ва Наполеон даҳшатли овоз билан яна кимдир қилган жиноятларига икрор бўладими, деб сўради.

Тухумлар туфайли исён кўтарган учта товуқ олдинга чиқди ва уларнинг тушларига қайсицир йўл билан Сноу-

болл кириб, Наполеоннинг буйруқларига бўйсунмасликни ўргатганига иқрор бўлдилар. Улар ҳам парча-парча қилиб қиймалаб ташланди. Кейин ўртага ғоз чиқди ва ўтган йилги ҳосилни йиғиштириш мавсумида олтита донни беркитиб қўйиб, оқшом еганини тан олди. Кўйлардан бири ҳовузга сийиб қўйганини тан олди, табиийки, унинг сўзларига кўра, буни ҳам Сноуболл талаб қилган. Яна иккита қўчкор Наполеоннинг энг содик муҳлиси бўлган кекса қўйни, ҳансира б йўталишига қарамасдан, гулхан атрофида чопишга мажбур қилиб, ўлимгача олиб борганиларини тан олдилар. Уларни ҳам бошқа айбдорлар каби ажал кутиб турарди. Барчаси ўлдирилди. Иқрорлар ва жазолар жараёни Наполеоннинг туёклари остида мурдалар тоғдай уюлгунича, ҳавода оғир қон иси анқигунча давом этди. Жониворлар бу қон хидини Жонс қувғин килинганидан бери унугта бошлагандилар.

Ҳамма нарса тугаганида, чўчқалар ва кўпшаклардан бошқа, барча ҳайвонлар бир тўда бўлиб даврадан узоклашдилар. Улар хўрланган ва таҳқирланган ҳолда эдилар. Улар ўзларини нима – Сноуболл билан ҳамкорлик қилганиларнинг хоинлигими ёки ўзлари гувоҳ бўлган қонли жазо саҳнасими – кўпроқ ҳайратта соганини англай олмасдилар. Эски замонларда ҳам анчайин қонли воқеалар бўлиб турарди, аммо бугунги воқеани улар оғир қабул қилдилар, чунки бу хунрезлик уларнинг орасида юз берган эди. Жонс молхонани тарк этган кундан то бугунгача бирорта жонивор бошқа жониворнинг жонига қасд қилмаган эди. Ҳатто каламушларни ҳам ўлдиришмаганди... Ҳамма жониворлар курилиши битмаган тегирмон томонга судралиб бордилар, ерга чўзилиб ётдилар ва яқдил бир истак билан бир-бирларидан илиқлик истагандай, тўдага жам бўлдилар. Кловер, Мюриэл, Бенжамин, сигирлар, қўйлар, бир тўда ғозлар, товуклар, Наполеон йиғилишга чорлаган заҳоти йўқ бўлиб қолган мушукдан бошқа барча жамланди. Кловер узун қора думини тебратар ва вакт-вакти билан қисқа-қисқа инграниб қўярди. Ниҳоят, у деди:

– Мен ҳеч нарсани тушунмай қолдим. Бизнинг адолатли ҳайвонизм жамияти кураётган молхонамизда шунака даҳшат содир бўлганига ишонгим келмайди. Биз бирор ерда хатога

йўл кўйган бўлсак керак. Ва, менингча, инқироздан чиқишининг йўли янада кўпроқ меҳнат қилишдадир. Менга келсак, бундан буён эрталаб яна бир соат олдин уйкудан тураман.

У ортига ўғирилди ва оғир қадамлар билан тошкесар ер томонга йўл олди. Жойга етиб келгач, иккита катта ҳарсангни белгилаб олди, тун қоронғиси батамом осмонни қоплагунча уларни тегирмон деворлари ёнига етказиб боришни мўлжаллади.

Ҳайвонлар Кловернинг атрофига тўпландилар. Улар ястаниб ётган тепаликдан олис-олисларгача кенг манзара кўриниб турарди. Деярли бутун Ҳайвонобод уларнинг кўз ўнгига турарди – чети деярли катта йўлгача чўзилган яйловлар, буғдойзорлар, қарағайзорлар, ҳовуз, яшил қўчатлар уна бошлиган, шудгорланган ерлар, молхонанинг қизил сопол томлари ва каминдан кўтарилаётган тутун. Ойдин баҳор кечаси эди. Ўтлар ҳам, яшил деворлар ҳам ботаётган куёш шағағига чулғанганди. Молхона жониворлари авваллари ҳеч қачон бундай туйғуни ҳис қилмагандилар. Енгил бир ҳайроналик билан улар англардиларки, бу уларнинг молхоналари, ҳар бир шарчасигача уларга тегишили макон энди нимагадир уларга тегишли масдай, жонажон ватан эмасдай эди. Кловер ёшга лиммо-лим тўлган кўзлари билан олдинга қараб турарди. Агар у ҳозирги хисларини сўзлар билан ифода қила олганида, шундай деган бўларди: биз ўша олис йилларда инсонлар зулмини ағдариб, озодликка, мустақилликка чиқишига қарор қиласиз эканмиз, бундай бўлишини орзу қилмагандик. Кекса майор молхона ахлини кўзғалонга унданга, кўз ўнгимизда бу даҳшат ва қон тўла саҳналар турмаган, одил жамият қуриш орзуси турганди. Агар у ўшанда, кекса майор нутқ сўзлаганда, келажакни аниқ кўра олганда, истикболни шундай тасаввур қила оларди – бу барча умрбод очлик ва қалтакланишлардан қутулган, ҳамма қобилиятига кўра меҳнат қиладиган ва худди у ўша кеча адашган ўрдакларни ҳимоя қилгани каби, кучлилар заифларни ҳимоя этадиган ҳайвонлар ҳамжамияти бўлади деб орзу қилганди... Бунинг ўрнига эса, у нега бундай бўлганини билмасди, ҳеч ким миясига келган эркин фикрини айта олмайдиган, фикр айтган-

лар ёнига дарров кўпак кучуклар ғингшиб, пайдо бўлади-
ган, сенинг эркни талаб қиласиган жонивор биродарингни
қандай қон тўкиб, парча-парча қилишларини кўзинг билан
кўриб ўтиришга мажбур бўлган, айбиз жониворлар даҳшат-
ли жиноятларга иқрор бўладиган жамият курилди. Аммо
ҳайвоннинг миясига ҳеч қанақа исёнкор фикр – на кўзголон
қилиш, на зулмга қаршилик кўрсатиш фикри келмади. У
билардики, нима бўлса ҳам, улар Жонс замонасидан, инки-
лобдан олдингига қараганда яхши яшамоқдалар. Энг аввало
олдинги золим замон қайтиб келмаслиги учун ҳаракат қи-
лиш керак. Зулм қайтиб келганини ҳайвонот аҳли англамас-
ди. Нима бўлса ҳам, омон қолиш учун молхонага садоқатли
ва меҳнатсевар бўлиш керак, Наполеоннинг мавқеини тан
олиш шарт. Лекин барибир, бу у орзу қилган нарса эмасди
ва қолган ҳамма нарса ҳам улар амалга ошириш учун меҳнат
қилаётган нарсалар эмасди. Улар бу учун тегирмон курма-
ётган, бу учун мистер Жонснинг ўқига кўкракларини тутиб
чиқмаган эдилар. От айнан шулар ҳакида ўйлар эди, аммо
фикрларини айтиш учун сўзларни топа олмасди.

Ниҳоят, у ўзини тўлдирган ҳис-ҳаяжонни нимадир қи-
либ ифодалаш учун барча жониворлар озод ва тенг бўлиши
орзуси ҳақидаги «Англия жониворлари»ни айтиб, кишинай
бошлади. Атрофига жамланган бошқа жониворлар кўшиқка
кўшилиб кетдилар ва озодлик мадхини уч марта куйладилар,
бу гал кўшиқ аввалилари ҳеч қачон бўлмаган бир тарзда як-
дил, сокин ва қайгули чиқди.

Улар учинчи марта айтиётганда, кўшиқ Наполеон қа-
роргоҳигача етдими ёки жосус кушлар етказдими, иккита
кўпак соқчилигига Қичқироқ пайдо бўлди ва муҳим қарор
келтирганини айтди. Унинг эълон қилишича, ўртоқ Наполе-
оннинг маҳсус фармойиши билан бугундан эътиборан «Ан-
глия жониворлари» кўшиғи бекор қилинган, мадхияни куй-
лаш буткул ман қилинади.

Ҳайвонлар батамом саросимага тушдилар. Уларнинг
яхши кунга бўлган орзулари ҳам тақиқланганди.

- Нима учун? – Ҳайратланди Мюриэл.
- Ўртолар, бу кўшиқка бошқа эҳтиёж йўқ, – қатъий ху-

риллади Қичқироқ. – «Англия жониворлари» – бу исён даври қўшиғи эди. Кўзғолон самарали амалга оширилди. Бунга бугун бўлиб ўтган хоинларни жазолаш ҳодисаси сўнгти нуктани кўйди. Ташқи ва-ички душманлар батамом маҳв этилди. «Англия жониворлари»да биз истиқболдаги эзгу жамиятни куриш орзусини ифодалагандик. Ахир, биз бу одил жамиятни курдик-ку. Демак, энди бу қўшиқ долзарблигини йўқотди.

Кўрқувни енгтан айрим жониворлар қаршилик қилиб, нимадир дейишга чоғланган заҳоти, кўйлар одатдаги «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво!» деган шиорларини баърай бошладилар. Бир неча дақиқа баърашдан сўнг барча баҳслар тўхтагилди.

Шу кундан эътиборан «Англия жониворлари» йўқ бўлди. Унинг ўрнига шоир Мўлтонус бошқа қўшиқни тўқиди, қўшиқ шундай бошланар эди:

*Ҳайвонобод, Ҳайвонобод,
ҳамма бўлди фаровон, шод,
молхонада биз баҳтиёр,
баҳтни кўйлар ҳар жонивор!*

Энди ҳар якшанба байроқ кўтарилганда, шу қўшиқни ижро эта бошладилар. Аммо бу қўшиқнинг сўзлари ҳам, оҳангি ҳам жониворларга уларнинг аввалги қўшиғи «Англия жониворлари»ни эслатмас эди.

VIII БОБ

Бир неча кун ўтиб, дахшатли қон тўкишдан юзага келган кўркув босилгач, ҳайвонлар ичидан кимдир эслади ёки эслайман, деб ўйлади. Ҳайвонизм таълимотининг олтинчи аркони шундай эди: «Ҳеч бир ҳайвон бошқа ҳайвонни ўлдириши мумкин эмас». Ҳеч ким кўпшаклар олдида бу тамойилни тилга олишга жасорат тополмаса-да, ҳамма бу қотилликлар ҳайвонизм арконларига мос келмаслигини ҳис этарди. Кловер Бенжаминдан олтинчи арконни ўқиб беришни сўради, бироқ Бенжамин, одатдагидай, бу ишларга аралашмайман, деб бош тортганида, Кловер Мюриэлга мурожаат қилди. У арконни ўқиб берди. У шундай ўқиди: «Ҳеч бир ҳайвон бошқа бир ҳайвонни сабабсиз ўлдириши мумкин эмас». Нима юз берган бўлса ҳам, “сабабсиз” деган сўз арконни эслайдиган ҳайвонларнинг ёдида эмасди. Энди улар кўрдиларки, ҳайвонизм тамойили бузилмаган: аниқ бўлдики, энди Сноуболлга сотилган барча хоинларни йўқ қилиш мумкин.

Бу йил ўтган йилдагидан ҳам янада қаттиқ ишлашга тўғри келди. Деворлари икки марта қалинлашган тегирмонни тиклаш ва белгиланган муддатда ишга тушириш, айни пайтда молхонадаги доимий ишларини ҳам бажариш ўта маşaққатли эди. Шундай пайтлар бўлардики, ҳайвонларга мустақилликдан олдинги, ўша золим Жонс давридагидан ҳам кўпроқ ишлаётгандай, лекин камроқ озуқа олаётгандай туюла бошларди.

Бироқ бир якшанба тонгига уларнинг қаршисида Қичқироқ пайдо бўлди. У туёқлари орасига узун қофоз ўрамини қисиб олганди. Унинг ўқиб беришича, барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш олдинги даврга қараганда 200, 300 ва ҳатто 500 фоизга ўсан. Ҳайвонларнинг унга ишонмасликка асослари йўқ эди, бунинг устига, улар инқилобдан олдинги даврдаги шарт-шароитларни элас-элас эслар эдилар. Бунинг устига, шуни қўшиб қўйиш керакки, юкорининг ваъдалари га қараганда, “яқинда ишлар янада камаяди, озиқ-овқат янада кўпаяди”.

Энди ҳайвонлар ҳамма буйруқларни Қичқироқ ёки бошқа чўчқа орқали эшигишарди. Наполеон икки ҳафтада бир

маргадан кўп кўринмасди. У ҳалқа чиққанида энди уни нафақат одатда кўппаклардан иборат кўриқчилари олиб юарди, балки Наполеон ҳайвонларга мурожаат қилиши олдидан саф олдидаги қора хўрз борар, у тинимсиз “Ку-Куку-Ку” деб сиренадай кичқириб юборарди. Ҳатто молхона соҳиби қароргоҳида ҳам, айтишларича, Наполеон алоҳида бинони эгаллаган. У овқатни бир ўзи тановул қилас, икки кўппак икки томонида қараб турар, Наполеон эса одатда меҳмонхонадаги шиша буфетда сақланадиган «Кроун Дерби» фирмасининг идиш-товоқларида овқат ерди. Тантанали хабар берилдики, энди, авъянавий байрамлардан ташқари, Наполеоннинг туғилган кунида ҳам тўппончадан ўқ отилиб, олқишлилади.

Энди унинг тўғрисида ҳеч ким шунчаки «Наполеон» деб гапира олмасди. Унга мурожаат қилганда расмий унвонини: «Бизнинг доҳиймиз ўртоқ Наполеон», деб айтиш шарт килинди ва чўқалар бу унвонга яна бошқаларини қўшишни талаб қилишди – «Ҳамма ҳайвонларнинг отаси, одамзоднинг шўриши, қўйларнинг ҳимоячиси, ўрдаклар ҳомийси» ва ҳоказо. Ўз нутқларида Қичқироқ, кўзларидан оқиб тушаётган қувонч ёшларини ҳам артмасдан, тинмай бидирлаб, ўртоқ Наполеоннинг донишмандлиги ҳақида, у барча жониворларга, айниқса, бошқа молхоналарда қулликда ва хўрликда яшаётган жониворларга чукур меҳру муҳаббати ҳақида сўзларди. Ҳайвонлар оғир меҳнатда эришган ва эришмаган ҳар бир ютуқ учун, ҳар бир мувафаққият учун Наполеонга миннатдорчилик билдириш одатга айланди. Бир товуқ иккинчи товуққа шундай деганини эшлиши мумкин эди: «Доҳиймиз ўртоқ Наполеоннинг доно раҳбарлиги остида мен беш кунда олтита тухум туғдим» ёки иккита сигир сувлокда туриб, доҳийни шундай олқишлиарди: «Ўртоқ Наполеонга раҳмат, унинг раҳбарлиги остида сувлар шунаقا мазали бўлиб кетди!» Барчанинг қалбидаги жўш урган хис-туйгулар Мўлтонус яратган қўшиқда акс этди. Қўшиқ «Ўртоқ Наполеон» деб аталар ва куйидагича жарангларди:

Барча ийүқсилларнинг отаси!

Бахт-иқбол манбаси!

*Ювинди балчиқлари ҳукмрони! О, менинг қалбим
нақадар ловуллар сенинг
сокин ва ҳоким күзларингга қарасам,
қарогинг күкда қуёшдай,
ўртоқ Наполеон!*

*Сен ҳамма нарсани болаларга бериши
санъатини эгалладинг –
кунига икки бор тўйқ қорин,
аванашига тоза пичан бор;
ҳар бир ҳайвон, катта ва кичик,
ўзининг катагида сокин ухлайди,
токим сен ҳамманинг устида ўйгоқ,
ўртоқ Наполеон!*

*Мен эмизикли бўлсам ҳам,
ё каттакон ҳайвон бўлсам ҳам,
бўшишиша бўлсам ҳам ёки унинг қопқоси –
ҳаммамиз сенга содиқлик
ва фидокорликни ва дунёни қичқириқ билан
тўлдиришни ўрганамиз:
ўртоқ Наполеон!*

Наполеон кўшиқни маъқуллади ва уни катта-катта ҳарфлар билан омборнинг нариги деворига, ҳайвонизмнинг етти аркони қарисига ёзиб қўйишни буюрди. Унинг ёнига Наполеоннинг Қичқириқ оқ ранг билан ёнбошдан тасвирлаган суратини кўшиб кўйишиди.

Айни пайтда Уимпер кўмагида Наполеон Фредерик ва Пилкингтон билан мураккаб савдо муносабатлари ўрнатилишига киришди. Бир боғлам ёғочлар ҳали ҳам сотилмаган эди. Фредерик уни сотиб олишни истарди, аммо зарур маблағни ҳавола этолмасди. Айнан шу пайтда Фредерик ўз маслакдорлари билан Ҳайвонободга ҳамла қилмоқчи ва унинг аччиқ ҳасадини қўзғаган тегирмонни бузиб ташламоқчи, деган мишишлар тарқалди. Сноуболл Пинч菲尔дда яширинган, деган гўёки ҳақиқат бир гап ҳам пайдо бўлди. Ёзниг ўрта-

сида учта товук Наполеонга келиб, Сноуболл уларни Наполеонни ўлдириш учун бирлашишга унданаганлигини айтгани ҳақидаги гаплар тарқалиб, ҳайвонларни саросимага солди. Товуклар дархол ўлдирилди. Наполеоннинг ҳәётини асраш учун янги чоралар кўриш лозим бўлди. Тунлари у ётадиган сўрининг ҳар бир оёғи остида тўрттадан тансоқчи кўпрак уйғок турарди, у овқаттан овқатни олдин Гинки исмли чўчқача ҳар бир овқатни еб кўриши керак эди. Бу гўё доҳийни заҳарлаб кўйишларининг олдини оларди.

Айни шу вақтда маълум бўлди, Наполеон ёғочлар ўрамини мистер Пилкингтонга сотишига қарор қилган. Бундан ташқари, у Ҳайвонобод ва Фоксвуд ўртасида мунтазам маҳсулот алмашиб борасида шартнома тузган. Наполеон ва Пилкингтон ўртасидаги муносабатлар, мутлақо фақат Уимпер орқали амалга оширилса-да, деярли дўстона тус олди. Ҳайвонлар Пилкингтонга ишонмасдилар, чунки одамлар наслидан эди. Бироқ уни ўзлари ёмон кўрадиган ва нафратланадиган Фредерикдан афзал кўрдилар. Ёз охирлаб, тегирмон биноси битиб бораётганда, яқинлашайтган хоинона ҳамла ҳақидаги миш-мишлар кучайди. Айтилишича, Фредерик йигирмадан кам бўлмаган ўқотар қуролли одамларни ёллаган, полиция ва магистратни сотиб олган ва агар Ҳайвонободни босиб олса ва уни ўзининг мулки деб эълон қилса, бунга эътиroz қилмасликларига кўндирган. Бундан ташқари, Пинч菲尔ддан Фредерик кўл остидаги жониворларга нисбатан кўллаётган даҳшатли ёвузыллар ҳақида ҳам хабарлар келарди. У кекса отни ўлиб қолгунича қамчинлаган, сигирларни очлиқдан ўлдирмокда, итни эса печкага, олов ичига ташлаган, кечқурунлари эса оёқларига аввалдан устара пискаси боғланган хўроздарни уриштириб лаззатланади. Ҳайвонларнинг ўз биродарлари бўлган ҳайвонларга нисбатан қилинган бу ёвузыллар ҳақидаги хабарлардан қони қайнаб кетарди. Баъзида ҳайвонларни тўплаб, Пинч菲尔дга ҳамла қилиш ва у ердан ҳам одамларни ҳайдаш ҳамда жониворларни озод қилиш ҳақида гаплар ҳам айтиларди. Бироқ Қичкироқ уларга ўйланмаган қадамлардан тийилишни ва ўртоқ На-

полеоннинг доно стратегиясига батамом таянишни маслаҳат берарди.

Шунга қарамасдан, жониворлар орасидаги ғайри Фредерикона ҳис-туйгулар жўшиб борарди. Якшанба тонгларидан бирида Наполеон омборда пайдо бўлди ва ҳеч қачон Фредерикка ёғоч сотиш борасида музокаралар ўтказмаганини эълон қилди. Унинг баёнотига кўра, бунақа аблар билан муносабат қилишни ўз шарьни-шавкатига муносиб деб билмайди. Ҳали ҳам турли молхоналарга учиб бориб, ҳайвонлар исёни ҳақида хабар тарқатишида давом этаётган кабутарларга бу ишни Фоксвудда олиб бориш ман қилинди. Бундан ташқари, уларга аввалги «Инсониятга ўлим» шиорини «Фредерикка ўлим» шиорига алмаштириш буюрилди. Ёз охирида Сноуболлнинг яна бир қабиҳлиги ошкор бўлди. Далаларни ёввойи ўтлар босди. Аниқланишича, бу Сноуболлнинг иши – ўзининг тунги ҳамлаларидан бирида у экиладиган уруғларни ёввойи ўтлар уруғлари билан аралаштириб кетган. Фитнада айблланган эркак ғоз Қичқироқ чўчқанинг олдидаги ўз айбига иқрор бўлди ва заҳарли итузум меваларини еб, ўз жонига қасд қилди. Энди ҳайвонлар мутлако ишондилар, Сноуболл, гарчанд аксарият ҳайвонлар бугунгача бу гапга ишонсалар-да, ҳеч қачон «Ҳайвон – иккинчи тоифа қаҳрамон» унвонини олмаган. Бу сигирхона олдидаги жангдан сўнг Сноуболлнинг ўзи тарқатган бир афсона эди. У нафақат мукофотланмаган, балки жанг пайтидаги кўрқоқлиги учун оммавий нафратга дучор қилинган. Гоҳида қайсиидир бирор ҳайвон бу гапга шубҳа қилас, бироқ Қичқироқ ундейларни тезда хотиралари сустлашганига ишонтиради.

Захматли меҳнат билан ёдда қоладиган – бир вақтнинг ўзида ҳам қурилиш, ҳам ҳосил йифим-терими олиб борилган кузга келиб, тегирмон, ниҳоят, куриб битказилди. Яна тегирмонга аслаҳа ва ускуналарни сотиб олиш лозим эди ва Уимпер бу борада музокаралар олиб борарди, бинонинг ўзи эса битган эди. Барча қийинчиликларга, тажрибанинг етиш-маслигига, Сноуболлнинг хоинлигига, барча хатоларга қарамасдан, тегирмон аниқ белгиланган кунда куриб, битказилганди! Мағрурликдан жўшиб, жониворлар ўzlари тиклаган

бинолари атрофида сайр қилар, тегирмон уларнинг кўзларига қурилиш бошлангандагидан ҳам гўзал кўринарди. Бунинг устига, деворлар аввалгидагидан икки бора қалин эди. Энди уларни портловчи моддадан бошқа ҳеч нарса қулата олмасди! Бу ишга қанча куч сарфлаганликларини, қандай қийинчиликларни енгиб ўтганликларини ва у ишга тушгач, ҳаётлари қандай ўзгаришини, тегирмон парраклари – қанотлари айланниб, симлардан электр оқа бошлишини ўйлаганларида – буларни кўз олдига келтирганларида, уларни чарчоқ тарк этар ва улар тегирмон атрофида қичқириб, баъраб-маъраб айланар эдилар. Итлар ва хўroz курсовида Наполеоннинг ўзи ишни кўргани келди. У ҳайвонларни эришилган ютуқ билан табриклади ва бу бино энди Наполеон номидаги тегирмон деб аталишини тантанали эълон қилди.

Икки кун ўтгандан кейин ҳайвонлар мажлис ўтказиш учун омборга таклиф этилди. Наполеон ёғочларни Фредерикка сотганлигини эълон қилганида улар ҳайратдан донг қотиб қолдилар. Эртага Фредерик жўнатган юқ машинаси келади ва ёғочларни олиб кетади. Бу шуни англатадики, Наполеон гўёки Пилкингтон билан дўстона муносабатларни юритган бутун вақт мобайнида у Фредерик билан яширин битим тузиб юрган.

Фоксвуд билан барча алоқалар узилди, Пилкингтонга ҳақоратли мактуб юборилди. Кабутарларга Пинчфилдни четлаб ўтиш ва ўзларининг «Фредерикка ўлим» шиорлари ни «Пилкингтонга ўлим» шиорига алмаштириш буюрилди. Кейин Наполеон ҳайвонларни Ҳайвонободга ҳамла уюштирилаётгани ҳақидаги барча мишишлар ҳеч қандай асосга эга эмаслигига ҳамда Фредерик ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиши борасидаги гаплар жуда бўрттирилганлигига ишонтирди. Бу мишишлар Сноуболл ва унинг жосуслари томонидан тарқатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, аён бўлишича, Сноуболл нафақат ҳеч қачон Пинчфилдда яширинмаган, балким у ҳеч қачон ҳаётда бу ерда бўлмаган. У, айтишларича, ўта ҳашаматли шароитда – Фоксвудда яшаган ва яшамоқда, ҳамда узоқ йиллар мобайнида Пилкингтондан совғалар олиб турган.

Наполеоннинг маккорлиги ҳайвонларнинг завқ-шавқларга ошно килди. Пилкингтон билан дўстликни кўз-кўз қилиб, у Фредерикни ёғочлар нархини ўн икки фунтга кўтаришга мажбур қилган. Наполеоннинг чукур донишмандлиги шундан иборатки, деди Қичқироқ, аслида у ҳеч кимга, ҳатто Фредерикка ҳам ишонмайди. Фредерик ёғочлар учун қанақадир чек деб аталадиган қофозча билан ҳақ тўламоқчи бўлган, кейин гўёки уни пулга алмаштириш мумкин экан. Бироқ Наполеонни алдаб бўлмайди. У ҳаққоний беш фунтли пул қофозларини талаб қилган, Фредерик ёғочларни олиб кетишни ҳал этгани олдидан улар Наполеонга шахсан топширилган. Фредерик аллақачон ҳақ тўлади ва энди тегирмон учун ускуналар сотиб олишга пул етарлидир.

Ёғочлар шамол тезлигига олиб кетилди. Ёғочлар ортиб юборилганидан сўнг, омборда умумий йиғилиш чақирилди, Фредерикдан олинган пуллар ҳаммага намойиш қилиниши керак эди. Ўзининг барча мукофотлари, орден ва медаллари билан безанган Наполеон, фароғатли жилмайиб, пичандан ясалган таҳтида ўтиради. Унинг ёнида ошхонадан олинган хитой чойининг кутисига пуллар чиройли терилган эди. Жоноворлар турнақатор бўлиб, ҳар бири бойликка бирин-кетин термилганча ўтди. Боксёр кутига бурнини тутди, нозик қофоз пуллар титраб кетди ва унинг нафасидан тебраниб қўйди.

Бироқ уч кундан кейин молхонада даҳшатли қий-чув кўтарилди. Мотоциклга мингтанча ранги оқарган Уимпер кириб келди, уловини ҳовлига ташлаганча, шошиб қароргоҳга кирди. Кейинги дақиқада Наполеоннинг хонасида ваҳшатли чинқириш эшитилди. Янгилик молхонага ёнғин сингари тез тарқалди. Пуллар соҳта экан! Фредерик ёғочлар учун бир шиллинг ҳам тўламаган!

Наполеон дарҳол барча ҳайвонларни чақирди ва маҳобатли овозда Фредерикка ўлим ҳукмини эълон қилди. Уни кўлга олганимиздан кейин, деди у, Фредерик тириклайнин қозонда қайнатилади. Кейин у огоҳлантириди, бундай хоинликдан сўнг ҳамма нарсани кутиш мумкин. Фредерик ва унинг ёлланма шериклари исталган дақиқада молхонага ҳужум қилишлари мумкин, улар ҳамлага аллақачонлардан бери тайёр-

ланиб келишганд. Соқчилар ўз жойларида хүшёр туришлари шарт. Фоксвудга тўртта почтачи кабутарлар дўстлик номаси билан юборилди. Номада Пилкингтон билан эзгу муносабатларни тиклашга умид билдирилди.

Кейинги кун эрталаб ҳужум бошланди. Ҳайвонлар эрталабки овқатни чайнаб, ютаётганда, хабарчи Фредерик аллақачон қўшинларини бошлаб, дарвозалардан ўтганини айтди. Ҳайвонлар жасорат билан уларни қарши олишди, аммо бу галаба сигирхона олдидаги жангда бўлганидай осон келмади. Уларни камида ярмиси тўппонча ушлаган ўн бештacha одам қарши олди, улар ўн беш метрданоқ ўт очдилар. Ҳайвонлар даҳшатли гумбурлаш ва жонни чақадиган ўқларга чидай олмадилар; Наполеон ва Боксёрнинг илҳомлантирувчи харакатларига қарамасдан, улар қоча бошлишди. Ҳайвонларнинг бир қисми яраланганди. Оғилхонага кириб олгач, улар деворлардаги ёғочларнинг тушиб қолган кўзидан саросимада қарай бошладилар. Барча яйловлар ва тегирмон душманлар кўлида эди. Шу дакиқаларда ҳатто ўрток Наполеон ҳам ўзини йўқотгандай саросимага тушди. У бир сўз демай, у ён-бу ёнга юрар, узаниб турган думи ликиллаб турарди. Ҳамма нигоҳлар Фоксвуд томонга бокарди. Агар Пилкингтон ёрдамга келишга қарор қилса, ҳали мағлубият яна ғалабага айланиши мумкин эди. Шу он кеча юборилган тўртта кабутар қайтиб келди; уларнинг бири Пилкингтондан ҳат келтирганди. Унда куйидаги сўзлар киртишлаб ёзилган эди: “Сизларга бу ҳам кам!”

Айни пайтда Фредерик ва унинг одамлари тегирмон олдига тўхтадилар. Ҳайвонлар уларни кузатиб туришар, хавотиirlарини яшира олмасдилар. Йккита эркак, қўлларида мисранг ва босқонни тутганча, тегирмон деворларини вайрон кила бошлишди.

— Бефойда! — Бақирди Наполеон. — Биз шунаقا йўғон девор тиклаганмизки, улар зарбага бардош беради. Улар бир ҳафтада ҳам уни бузиша олмайди. Рухларингни чўктирганглаш, ўртоқлар!

Аммо Бенжамин кўзини узмасдан, тегирмон атрофида бўлаётган ишларни кузатарди. Ўша иккита одам мисранг ва

босқон билан бинонинг асосида тешик ўйишди. Бенжамин узун тумшугини секин ва ҳайрона тарзда силкитди.

– Мен ўзи шундай бўлади, деб ўйлагандим, – деди у. – Сиз улар нима қилаётганини кўрмаяпсизми? Энди улар бу тешикка милтиқдори тўкишади.

Даҳшатга тушган жониворлар кутиш асносида қотиб колдилар. Яширинган ерларидан чикишлари ўта хавфли эди. Кейин ваҳимали гумбур-гумбур эштилди. Кабутарлар ҳавога кўтарилишиди, Наполеондан бошقا барча жониворлар ерга чалқанча ётиб олишиди. Улар ўринларидан турғанларида, аввал тегирмон турған ерда улкан қора тутун ўраларди. Шамол тутунни секин олиб кетди. Тегирмон ғойиб бўлди!

Бу даҳшатли манзара ҳайвонлардаги жасоратни уйготиб юборди. Бу қадар паст ҳаракатларни ўз кўзлари билан кўрган ҳайвонларда пайдо бўлган дарғазабликнинг кучидан улар бир дакиқа олдин хис этган кўркув ва чорасизлик тарқалиб кетди. Оммавий қасос қичқириғи самони титратди ва пусиб ўтирган Наполеоннинг буйругини кутмасдан, ҳамма душман устига ёпирилди. Улар қайноқ ўқлар олдида бош эгмадилар, ўқлар мих каби уларнинг баданига шувиллаб кирди. Бу жуда ашаддий ва бешафқат жанг бўлди. Одамлар тинмай ўқ отар, ҳайвонлар яқин келганда эса, найзалар ва этикларнинг оғир кўндоккларини ишга солардилар. Сигирлар, учта ғоз ва иккита кўчкор ботирлар каби ҳалок бўлдилар, қолган барча яраланди. Ҳатто жангни орқадан туриб кузатиб турған Наполеоннинг думини учини ҳам бир дайди ўқ яралади. Бироқ хужум қилганлар жиддий талофот кўрдилар. Уларнинг учтасининг бошларини Боксёр туёқлари билан ёрди; бошқа бирининг қорнига ҳайвоннинг шохи қадалди; кимнингдир иштонларини Жесси ва Блюбелл тишлиари билан йиртиб ташладилар. Наполеоннинг шахсий қўриқчилари бўлган, қонни яхши кўрадиган тўққизта ит девор буталари ортидан ўтиб, даҳшатли вовуллаш билан душман ортидан хужум қилганларида, одамларни ваҳима босди. Улар қуршовда қолишлари мумкинлигини билдилар. Фредерик уларга кея бўлмасидан қочиши кераклигини айтиб бақирди, кейинги лаҳзаларда қўрқоқ одамлар, ширин жонларини кутқариш

учун, шармандаларча қоча бошлашди. Ҳайвонлар уларни далининг четигача қувиб боришиди, девор тешигидан чиқишига уринаётганларни думбаларига бир неча тепки уришга улгуршиди.

Улар ғалаба қилишди, лекин бу жуда қимматта тушганди! Ҳамманинг тинкаси қуриган ва бадани қонга ботганди. Улар аста-секин судралиб молхонага қайтдилар. Ўтларнинг устида ўлиб ётган дўстларининг ўликларини кўриб кўп жониворлар кўз ёшлигини тия олмадилар. Кейин улар яқиндана гина тегирмон қад ростраб турган вайронга олдида қайгули сукут сақладилар. Ҳа, у тамом вайрон бўлганди; уларнинг чеккан заҳматлари мевасидан асар ҳам қолмаганди! Ҳатто бино асосининг ҳам бир қисми бузилган эди. Энди тегирмонни тиклаш учун улар йиқилган тошлардан ҳам фойдалана олмасдилар. Тошлар йўқ эди. Тошлар портлаш оқибатида майдаланиб кетган ва юзлаб метрларга сочилганди. Тегирмон гўё ҳеч қачон бўлмаган эди.

Улар молхонага қайтганларида, уларнинг қаршисидан жанг пайти қаёққадир ғойиб бўлиб қолган мафкурачи чўчқа Қичкироқ пайдо бўлди, унинг юзи чараклар ва ўзи шодумон эди. Ҳайвонлар молхонанинг асосий биноси томонидан келаётган тантанали тўппонча ўқи овозини эшилдилар.

– Нега тўппончадан ўқ отилди? – сўради Боксёр.

– Ғалабамиз шарафига! – хўр-хўрлади Қичкироқ.

– Қанақа ғалаба? – деди Боксёр. Унинг байталлари қонга ботган, у тақасини йўқотган ва туёқлари мажақланган эди. Камида ўн иккитадан кўпроқ ўқлар орқа оёғининг сонларига ботганди.

– Қанақа ғалаба, дейсизми, ўртоклар! Биз ўз мафкурамизнинг, Ҳайвонободнинг мұқаддас ғояси душманларини кувмадикми?

– Ахир улар бизнинг тегирмонимизни вайрон қилдилар! Биз уни икки йилда кургандик!

– Нима қилибди? Биз янги тегирмон курамиз. Биз ўнлаб тегирмонлар курамиз, агар лозим бўлса. Сизлар, ўртоқлар биз эришган ғалабанинг буюклигини англай олмаяпсизлар. Душман деярли еримизнинг ҳаммасини босиб олаёзди. Энди

эса – ўртоқ Наполеоннинг доно раҳбарлиги остида биз ҳар бир қарич еримизни қайтариб олдик!

– Биз аввалдан ўзимизники бўлган еримизни қайтариб олдик, – деди Боксёр.

– Лекин биз ғалаба қилдик, – деди жангда қўринмаган Қичқироқ, яна бир марта жангда хандакдан бирор марта чикмаган Наполеонни яна бир бор улуғлаб.

Улар ҳовли томонга судралдилар. Боксёрганинг териси остига кирган ўқлар танини аччиқ оғритьарди. У кўриб турардики, яна тегирмонни, асосидан бошлаб тиклаш учун оғир ишлар уни кутиб турибди. У бу ишни қандай қилишни мўлжаллай бошлади. Бироқ у илк бора ўйлаб қолди: у ўн бир ёшга кирди ва унинг илгари бакувват бўлган мушаклари энди аввалгидай эмас.

Аммо ҳайвонлар шамолда тебранаётган яшил дастурхондан қилинган байроқларини кўрганларида ва тўпкончадан отилган зарбларни эшитганда – у етти марта отди – ва уларга миннатдорчиллик билдириб, Наполеон сўзлаган нутқни тинглагач, ниҳоят, буюк ғалабага эришилганига ишондилар. Жангда ҳалок бўлган жониворларга тантанали дағнি маросими уюштирилди. Боксёр ва Кловер ҳалок бўлғанларни танлари ортилган аравани судраб боришарди ва дағнি маросими олдиди Наполеон шахсан сафни бошқаарди. Байрам қилишга икки кун тўла ажратилди. Кўшиқлар, нутклар, тўпкончадан отишлар бўлди ва омон қолган ҳар бир ҳайвонга мукофот – биттадан олма берилди. Бундан ташқари, кушлар икки унция дон олдилар, итлар – учтадан бисквитга эга бўлдилар. Эълон қилиндики, бу жанг тегирмон олдидаги жанг деб аталади ва Наполеон ўз буйруғи билан ўзини янги унвон – яшил байроқ белгиси билан тақдирлади. Бу тантаналар соясида соxта пуллар билан бўлган қайғули саҳна ҳамманинг ёдидан кўтарилди.

Бир неча кун ўтгандан сўнг, ергўлада сақланаётган виски ҳодисаси юз берди. Ичкиликни ҳайвонлар ўша молхонаи эгаллаб олган пайтларида топган эдилар. Биз айтмоқчи бўлаётган ўша тунда молхона томондан баланд овозда куйланган кўшиқ эшитилди ва унда жониворлар «Англия жониворла-

ри»нинг оҳангини туйдилар. Тахминан, саккиз яримларда Наполеон мистер Жонс крикет ўйнагандан киядиган шляпани бошига қўндириб, орқа эшиқдан шошилиб ҳовлига чиқди, хуриллаб ҳовлида чопди ва яна эшикка ўзини урди. Эргалаб молхона устида оғир сукунат ҳукмронлик қиласади. Чўчқалар қароргоҳдан чиқишмади. Соат тўққизларда Қичқироқ пайдо бўлди. У сокин ва пажмурда ҳолда судралиб юрар, тунги вискихўрликдан кўзлари шишиб кетган, думи шалвираб қолганди. Унинг тоби қочганди. Қичқироқ ҳаммани чақирди ва қайгули хабарни айтди: Ўртоқ Наполеон ўлмокда!

Молхона узра ҳайвонларнинг аламли йиғиси эшитилди. Эшик олдига сомон тўшалди. Ҳамма туёқ учиди юрарди. Ҳайвонлар кўзларида ёш билан, дохиймиз бизни тарк этса, қандоқ яшаймиз, деб бўзлашарди. Гап виски ичимлигига эмас, ҳамма эҳтиёткорликларга қарамасдан, Сноуболл ўртоқ Наполеоннинг овқатига заҳар солиб кўйишга эришган кўринади, деган миш-мислар тарқатилди. Соат ўн бирда Қичқироқ яна бир хабар билан чиқди. Бизни тарк этар экан, ўртоқ Наполеон ўзининг сўнгти фармойиши билан эълон қилишни буорди: бундан кейин алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш ўлим билан жазоланади.

Бироқ, шунга қарамасдан, кечга яқин Наполеоннинг соғлиғи бироз яхшиланди, кейинги тонгда Қичқироқ, имкон топиб, ўртоқ Наполеон соғайиш йўлида эканлигини хабар қилди. Ўша куни кечкурун у шароб тайёрлашга оид китобларни келтиришни буорган. Бир ҳафта ўтгач эса, у ҳовлидаги нафақага чиқадиганлар учун ажратилади деган яйловнинг бир қисмини шудгорлашни буорди. Хабар қилиндики, яйлов ишдан чиққан ва уни алмашлаб экиш тузатади. Бироқ тез орада маълум бўлишича, Наполеон бу ерга ичкилик учун хом ашп бўладиган арпа экишни буорган.

Тахминан, шу вақтларда бир ғалати воқеа юз берди. Уни молхона аҳлининг кўпчилиги тушуна олмади. Бир куни кечаси, соат ўн бирлар атрофида, ҳовлида кучли гумбурлаш эшитилди ва ҳамма жониворлар кагак ва оғилларидан ташқарига чиқишиди. Ойдин тун эди. Катта омборнинг ҳайвонизмнинг етти аркони ёзилган девори остида синиб кетган

нарвон турарди. Унинг ёнида қулоги батанг Қичкироқ кайфи ошган ҳолда талмовсираб ўтиради. Унинг яқинида ағанаган фонус, бўёқ чўткаси ва оқ бўёкли тўнкарилган челак бор эди. Уни дарҳол кўпраклар ўраб олишди ва у ўзига келгач, оёқда туриб олган заҳоти, сархушлигини бирор билмасин дея, молхона биносигача кузатиб боришиди. Ҳеч ким, албаттга, бошини пурмаъно силкитаётган ва ҳаммаси тушунарли, дегандай боқиб турган кекса Бенжаминдан бошқа ҳеч ким бунинг нимани англатишини тушунмади, бирор сўз ҳам демади.

Аммо бир неча кун ўтгач, Мюриэл, ўзи учун етти арконни қайта ўқир экан, бир нарсани сезиб қолди, бир тамойилни хайвонлар нотўғри ўрганишган экан. Улар ўйлардиларки, бешинчи аркон шундай жаранглайди: «Хайвонлар алкоголли ичимликларни ичмайдилар». Бироқ бу ердаги икки сўзни “керагидан ортиқча” сўзларини назардан қочирганлар: «Хайвонлар алкоголли ичимликларни **керагидан ортиқ ичмайдилар**».

IX БОБ

Боксёрнинг яраланган туёғи жуда секин тузалаётганди. Ғалабадан сўнг ҳамма дарҳол тегирмонни тиклашга кириши. Боксёр бир кунни ҳам йўқотишни истамади ва унинг қандай оғриётганини ҳеч кимга билдириласликни номус иши деб билди. Кечкурун у Кловерга ҳеч кимга айтмаслик шарти билан туёғи уни қаттиқ безовта қилаётганини айтди. Кловер унинг туёғига чайналган доривор ўтлардан дори қўйди ва улар Бенжамин билан бирга Боксёрни ўзини ишда қийна-маслика даъват қилдилар. «Сенинг ўпканг темирдан эмас», – дедилар унга. Бироқ Боксёр уларни эшитишни истамади. Менинг фақат битта мақсадим қолди, – деди у – То мангу дам олишга кетишдан олдин тегирмонни битган ҳолда кўрмок.

Энг аввалида, Ҳайвонободнинг қонунлари энди шакланаётганда, нафақага чиқиш ёши отлар ва чўчқалар учун ўн икки йил, сигирлар учун ўн тўрт йил, итлар учун тўққиз йил, қўйлар учун етти йил, товуклар ва ғозлар учун беш йил қилиб белгиланган эди. Нафақа микдори кейинчалик белгиланиши керак эди. Гарчанд ҳали ҳеч бир ҳайвон нафақага талабгор бўлмаган бўлса-да, бу борада тез-тез гап айланадаётганди. Боғ ёнидаги кичик яйловга энди арпа экилганидан сўнг, катта яйловнинг бир бурчагидан жой ажратилиб, молхонанинг нафақага чиқадиган жониворлари шу ерда дам оладилар, деган гап юра бошлади. Айтишларича, отлар учун нафақа кунига беш фут дон бўлади, қишида эса ўн беш фут пичан ва яна битта сабзи ёки, эҳтимол, байрам кунларида олма берилса керак. Боксёр келгуси йилда, ёз охирида ўн икки ёшга тўлади.

Дарвоқе, ҳаёт оғирлашаётганди. Киш худди аввалги йилдагидай жуда қаттиқ совуқ эди, овқат эса кундан-кунга камайиб борарди. Озуқа тарқатиш меъёри чўчқалар ва кўп-паклардан бошқа барча учун яна қисқартирилди. Ҳаммага тенг бўлиш, тушунтириди Қичқироқ, ҳайвонизм тамойилларига мос келмайди. Ҳар ҳолда, у осонгина бошқаларга буни тушунтириди, гарчанд ҳайвонларга бошқача туюлса-да, аслида ҳаммага овқат етарлидир. Вакт-вакти билан, албатта,

озуқа меъёрларини мослаштириб туриш (Қичқироқ ҳамиша «мослаштириш» ҳақида гапирад, озиқ-овқат камайишини “қисқартириш” демасди) зарурияти пайдо бўлади. Бироқ Жонс замонидагига киёслаганда, озуқа ҳаддан зиёд кўп. Турли маълумотномаларни ўқиб берар экан, Қичқироқ титраган овози билан исботлаб берардики, энди уларда, Жонс замонаси никига қараганда, дон ҳам кўп, пичан ҳам кўп, лавлаги ҳам кўп, улар кам ишламоқдалар, узок яшамоқдалар, ичимлик сувининг сифати ошган, болалар ўлими кескин камайган ва энди катакларда пичан аввалгидан кўра кўп ва уларни пашша ва сўналар олдинги даражада безовта қилмаяпти. Ҳайвонлар унинг ҳар бир сўзига ишонардилар. Очигини айтганда, Жонс ҳам, унга боғлиқ тафсилотлар ҳам жониворларнинг хотирасидан деярли ўчиб кетаётганди. Улар билардиларки, оғир ҳаёт кечирмоқдалар, тез-тез очлик ва совуқ исканжасида қолмоқдалар, уйкудан бошқа қолган барча вақтларда меҳнат қилмоқдалар. Бироқ, ҳеч бир шубҳасиз, аввал бундан ҳам ёмон эди. Улар бунга шаксиз ишонар эдилар. Бунинг устига, улар аввал қуллар эдилар, энди эса озод ва мустақилларлар, масаланинг моҳияти айнан шундайлигини маънавиятчи чўчқа Қичқироқ тинмай таъкидларди.

Боқиши лозим бўлган янга кўплаб янги оғизлар пайдо бўлди. Кузда деярли бир вақтда тўртта она чўчқани тўлғоқ тутди, улар ўттиз битта чўчқачани дунёга келтирдилар. Бу навқирон авлоднинг ҳаммасининг териси чавкар, ола-була эди, молхонада фақат битта эркак чўчқа, яъни Наполеон борлигини ҳисобга олганда, барчасининг отаси кимлиги маълум эди. Эълон қилиндики, кейинроқ, ғишт ва қурилиш ёғочи олинганидан сўнг, боғда Наполеоннинг ворислари – ёш чўчқачалар учун мактаб қурилиши бошланади. Ҳозирча улар ошхонанинг ўзида бевосита Наполеоннинг ўзидан топширик олишарди. Улар боғда шуғулланишар, бошқа ёшлиар билан аралаш юрмасдилар. Вакт ўтиши билан шундай қоида ўрнатилди: агар йўлакда чўчқалар учраб қолса, бошқа ҳайвонлар чўчқаларга йўл бўшатиши керак. Бундан ташқари, барча чўчқалар, ёшидан қатъи назар, якшанба кунлари думларини яшил тасмачалар билан безатиш имтиёзига эга бўлдилар.

Йил омадли келди, аммо молхонада барибир пул етарли бўлмасди. Мактаб қурилиши учун ғишт, шағал ва оҳак сотиб олинди, лекин ҳали тегирмон учун ускуналарга маблағ иқтисод қилиниши керак эди. Кейин уйни ёритиш учун керосин ва шамлар, Наполеоннинг шахсий столи учун шакар (у бошқа чўчқаларга ҳам шакарни бермасди, улар семириб кетиб, ишга ярамай қоладилар, дерди), яна қолган барча нарсалар, масалан, асбоб-ускуналар, михлар, ишу арқонлар, тошкўмир, симлар, том қопланадиган тунукалар ва итларга бисквитлар сотиб олиниши лозим. Бир неча ўрам пичан ва етиширилган картошканинг бир қисми четта сотилди – экспорт қилинди, тухум етказиб бериш шартномасида тухумлар сони олти юзтага етказилди, товукларнинг атрофимиизда жўжачалар чуғурлаб юради, деган орзулари бехуда кетди. Декабрь қисқартиришларидан сўнг, февралда ҳам озуқа меъёри яна қисқартирилди, керосинни тежаш мақсадида катакларни ёритиш бекор қилинди. Бирок, кўриниб турадики, чўчқаларга бу қисқартиришлар тегиши эмасди, нима бўлса ҳам, улар семириб борардилар. Февралнинг бир куни, тушликдан сўнг, ошхона ортидаги Жонс самогон ускунасини саклайдиган кичкина хонадан иссиқ ва тўйимли бир ҳид чиқиб, ҳовлига тараалди. Кимдир бу қовурилган арпа ҳиди эканини айтди. Ҳайвонлар бу ҳидни ютоқиб ҳидлар, арпа уларнинг овқатига кўшиб бериш учун қовуриляпти, деб тахмин қилардилар ва севинардилар. Аммо иссиқ озуқага улар ҳеч қаҷон етиша олмадилар, кейинги якшанбада эса ҳамма арпа фақат ва мутлақо чўчқаларга мўлжаллангани борасида фармон эълон қилинди. Боғ ортидаги яйловга аллақачон арпа экилган эди. Кейин яна бир янгилик чиқди: энди ҳар бир чўчқа ҳар куни бир пунт пиво олади. Шахсан Наполеонга эса ярим галлон пиво, одатдагидай, «Кроун Дерби» сервизидаги шўрва соладиган чинни идища берилади.

Оддий жонивор ҳалқقا бу ичклиикдан ҳеч нарса тегмади, аммо бу алоҳида мушкулотлар уларни буколмасди, улар мустақилликка чиққан, энди кимнингдир олдида бўйинларини қисиб юрмайдилар, бу уларга сезиларли миқдорда таскин берар эди. Улар қўшиқ айтиш, гапириш ва намо-

йишларга чиқиши хукуқига эга эдилар. Наполеон фармойиши берди, энди ҳафтада бир марта эркин митинглар ўтказилиши ва уларда Ҳайвонобод эришган ютуклар ва ғалабалар мадҳ этилиши керак. Белгиланган пайтда ҳайвонлар ишни тұхтатишлиари ва ҳовлида тұпланиб, пода-пода бўлиб, саф тортишлари керак эди: аввал чўчқалар, кейин отлар, сўнг сигирлар, кўйлар ва уй паррандалари. Итлар намойишни ўнг ва сўлдан кузатиб борар, олдинда Наполеоннинг қора хўроси қичқириб борарди. Боксёр ва Кловер, одатдагидай, шоҳ ва туёқ билан безалган, ҳамда “Яшасин ўртоқ Наполеон” деб ёзилган яшил байрокни кўтариб боришарди. Кейин Наполеон шарафига битилган шеърлар ўқиларди, Қичқироқ, одатдагидай, аввалги золимлар замонидаги қийинчиликлар ҳақида нутқ ўқирди. Кейин тўппончадан ўқ отиласди. Кўнгилли намойишларга ҳаммадан ҳам аввал кўйлар шопшишарди, агар кимдир намойишда бекорга вакт кетказиб, совукда қотаётгандарини айтиб, шикоят қилса (ха, агар яқин атрофда чўчқалар ва итлар бўлмаса, кимдир оғзи ботирлик қилиши мумкин эди), кўйлар унинг овозини баланд овозда баъраб ўчирадилар: «Тўрт оёқ – аъло, икки оёқ – расво!» Бироқ аксарият ҳайвонларга бу байрамлар ёқарди. Улар ўйлардиларки, бу саф-саф юриб байрам қилишлар, нима бўлганда ҳам, уларнинг тепаларида одамлар йўқлиги ва улар ўз фаровонликлари учун меҳнат қилаётгандарини эслатиб туради. Шунинг учун, кўшиклар айтилаётганда, намойиш бораётганда, Қичқироқ ютуклар рўйхатини ўқир, салют берилар, байроклар ҳилпирава хўroz қичқиради, ҳалқ қорнининг очлигини бироз унутарди.

Апрелда Ҳайвонобод Республика деб эълон қилинди, энди унинг Президенти сайланди. Бу лавозимга факат битта номзод – Наполеон даъвогар эди, у бир овоздан сайланди. Айни шу сайлов кунларида, Наполеоннинг ғалабасини таъминлаш учун, муҳолифатчи Сноуболл ва золим Жонснинг алоқалари тафсилотларини ойдинлаштирувчи янги хужжатлар топилгани эълон қилинди. Махфийлаштирилган ва аслини ҳеч ким кўрмаган бу хужжатлардан аниқланишича, Сноуболл, нафақат, аввал биз ўйлаганимиздек, сигирхона ол-

дидаги жангда стратегия ниқоби остида муваффакиятсизлика учрашимизга бошлаган, балки очиқдан-очиқ Жонс томонда жанг қилган. Аслида одамларни жангта айнан у бошлаган, жангта «Яшасин инсоният!» чақириғи остида чиққан. Сноуболлинг елкасидаги ҳали ҳам кимдир гира-шира эслайдиган яра аслида Наполеоннинг тишлари изидир.

Ёз ўртасида тұсатдан бир неча йилга йўқ бўлиб қолган кўлбола қарға Мозус пайдо бўлди. У ҳеч ҳам ўзгармаган, аввалгида ишдан қочар ва Муз тоги ҳақидаги афсоналарни айтишни давом эттиради. Ходанинг тепасига чиқиб олиб, у тинглашни истаган ҳар бир жониворга соатлаб ривоятлар айтиб берарди. «У ерда – самовотда, ўртоқлар, – ўзининг улкан тумшуғини осмонга кўтариб, тантана билан эълон қиласади у, – бош устимизда осилиб турган қора булутлардан ҳам нарида Муз тоги юксалиб турибди, ўша баҳтли ўлкада, жаннатда биз жониворлар барча чеккан заҳматларимиздан қутулашимиз ва роҳат қиласади!» У ҳатто самога кўтарилганини, ўша ерни шахсан кўрганини, у ерда чексиз йўнғичка ва буталар ҳамиша яшил ва мурғак ҳолда ўсиб ётган далалар борлигини, буталарда ширинкулчалар ва қанд бўлаклари ўсиб ётишини айтиради. Унга кўплар ишонарди. Ишонганлар шундай ҳисоблардилар, бизнинг ҳаётимиз тинқакуритар заҳматда ва доимий очликда, қашшоқликда ўтади, демак, адолат бўлиши керак ва шунинг учун қайдадир бизга ҳам аталган адолатли ва фаровон дунё ҳам бўлса керак. Тушунтириш қийин бўлган ҳодиса ҳайвонларнинг Мозусга бўлган муносабати эди. Ҳамма унинг Муз тоги ҳақидаги ривоятлари – ёлғон ва асоссиз эканини яқдиллик билан айтишар, аммо шунга қарамасдан, Мозусга молхонага ташриф буюришга рухсат беришар ва ҳатто кунига чорак пинт пиво ичишга ҳам имтиёзи бор эди.

Туёғидаги яраси яхши бўлганидан сўнг, Боксёр янада катта бир сурур билан ишга киришди. Рости гап, энди ҳаммалари худди қуллардек энг сўнгти кучлари билан меҳнат қиласадилар. Одатдаги молхона ишлари ва тегирмон қурилишидан ташқари, март ойида мактаб қурилиши ҳам бошланди. Гоҳида заҳматли оғир меҳнат ва арзимас озуқага чидаб

бўлмай қоларди, лекин Боксёр ҳеч қачон руҳан чўкмасди. У на бир сўз билан, на бир ҳаракат билан кучлари тугаётганини кўрсатмасди. Фақат унинг ташки кўриниши бироз ўзгарган эди: жунлари аввалгида ялтирамас, бўртиб турадиган мускуллари бироз сўлқиллаб, бўшашган эди. Кимдир айтдики, биринчи ўт-ўланларгача етиб олса, Боксёр яна кучга тўлади, жонланади. Баҳор келди, аммо Боксёр аввалги ҳоли-ча қолган эди. Гоҳида у тошкесарга олиб борадиган қияликда барча мушакларини таранг қилиб, улкан ҳарсангтошнинг вазнини ушлаб қолишга уринар экан, уни фақатгина улкан иродга кучи оёқда тутиб тургандай туюларди. Ва айнан шу дакиқаларда унинг лаблари пирпираф, шу сўзларни айтишга жуфтланарди: «Мен янада кўпроқ ишлайман». Бироқ сўзларни талаффуз қилишга кучи етмасди. Бенжамин ва Кловер уни кўп марта огоҳлантирилар, ўз соғлиғингни ўйлашинг керак, дедилар, бироқ Боксёр бу сўзларга эътибор бермади. У ўн икки ёшга ҳам кирди. Бироқ у токи тегирмон қурилишига етарли тошли тўпламагунича, нафақага кетмаслигини айтди.

Ёз оқшомларининг бирида молхонада Боксёр билан бир фалокат юз бергани ҳақида хабар тарқалди. Бир ўзи тегирмонга тош ташиб келаётганида, йиқилиб тушган эмиш. Афсуски, миш-миш рост бўлиб чиқди. Икки дакиқа ўтгач, иккита кабутар учиб келиб, дарак бердилар: «Боксёр йиқилди! У ёнбошлаб ётибди, тура олмаяпти!»

Молхонанинг қарийб ярми ҳайвонлари тегирмон жойлашган тепалик томонга югурдилар. Бу ерда, бўйинни чўзганча, ҳатто бошини кўтаролмай, арава шотисига ўралиб Боксёр ётарди. Унинг кўзлари нурсиз бўлиб қолган, ёнбошлари тердан намланган эди. Унинг оғзидан ингичка из бўлиб кон сизарди. Кловер унинг ёнига чўкка тушди.

— Боксёр! — Бакирди у. — Сенга нима бўлди?

— Ўпкам, — деди заиф овозда Боксёр. — Хечкиси йўқ. Ўйлайманки, сизлар тегирмонни менсиз ҳам барпо этасизлар. Мен бир катта тўда ҳарсангларни тўплаб қўйдим. Мейнга бир ой етмади. Ростини айтганда, мен дам олишни кутаётган

эдим. Эҳтимол, Бенжамин ҳам анча ёшга етган, мен билан бирга дам олишга чиқар.

— Бизга ёрдам керак, — деди Кловер. — Кимдир Қичқирокқа югурсин ва бўлған воқеани айтсин.

Ҳамма югургилаб Қичқирокқа хабар килиш учун молхона томон йўналди. Фақат Кловер ва ўзининг узун думи билан пашшашо сўналарни ҳайдаш учун унинг ёнига секин ётган эшак Бенжамин қолди. Ўн беш дақиқадан сўнг ўзини ташвишланган кўрсатиб, Қичқироқ пайдо бўлди ва ҳамдардлик изҳор қилди. Унинг айтишича, ўртоқ Наполеон молхона-нинг энг меҳнаткаш аъзоларидан бирининг бошига тушган баҳтсиз воқеа ҳакидаги хабарни чукур қайғу билан қабул қилган ва аллақачон Боксёрни Уэллингтоннинг энг яхши шифохоналаридан бирига жойлаштириш ҳакида фармойиш берган. Бу хабар ҳайвонларни бироз саросимага солди. Молли ва Сноуболлдан бошқа бирор ҳайвон шу пайтгача молхонадан ташқарига чиқмаганди, улар касал биродарлари тақдидири ёвуз одамлар кўлида қолишини ўлашни ҳам истамас эдилар. Бироқ Қичқироқ ветеринар Уэллингтонда Боксёрни биздан ҳам тезроқ тузатади ва туёққа тикка кўяди, деб осонгина ҳаммани ишонтириди. Тахминан, ярим соатдан сўнг, Боксёр бироз ўзига келгач, у қийналиб туёққа турди ва ўзининг оғилигача борди, у ерда Кловер ва Бенжамин аллақачон унинг ётиши учун тоза сомондан жой тайёрлаб қўйишганди.

Кейинги икки кун Боксёр ўз ўрнида ётди. Чўчқалар ваннада топилган, гулоб рангли дори солинган катта шишани юборишибди ва Кловер уни кунинга икки марга овқатдан кейин Боксёрга ичирди. Бу доридан унинг аҳволи бадтар ёмонлашарди. Оқшомлари, ўз оғилхонасида ётган ҳолда, у Кловер билан сұхбатлашар, Бенжамин эса пашшаларни ҳайдаб турарди. Боксёр уни бўлиб ўтган воқеани юракка яқин олмасликка ундарди. У ҳали дам олади, уни олдинда уч йил ҳордиқ кутмоқда, бу йилларни у катта яйловнинг нафақаҳўрларга ажратилган қисмида хотиржамлик ва тўқликда ўтказади. Илк бор унинг ўқиши ва қобилиятларини ривожлантириш учун бўш вақти кўп бўлади. Мен, деди Боксёр, умримнинг

қолган қисмини алифбонинг қолган йигирма иккита ҳарфи-
ни ўрганишга сарфлайман.

Лекин Бенжамин ва Кловер фақат ишдан кейинги вакт-
ларини Боксёр билан ўtkазар эдилар, куннинг ўртасида уни
олиб кетиш учун фургон келганида, ҳамма далада, чўчқалар
назорати остида лавлагини ўтоқ қилиш билан банд эди. Улар
молхона томондан Бенжамин, бошқача бир ташвишли овоз
билан ҳанграб, югуриб келаётганини кўриб, ҳайрон бўлди-
лар. Улар шунча йиллар бўйи хотиржам бўлган Бенжамин-
нинг ҳаяжонланганини, шошилганини биринчи марта кўриб
турадилар. «Тезроқ, тезроқ! – Ҳангради у. – Ҳамма келсин!
Улар Боксёрни олиб кетишпти!» Чўчқаларнинг рухсатини
кутмасдан, ҳамма ишни ташлаб, молхона томон югурди.
Ростдан ҳам, ҳовлида иккита от кўшилган усти ёпиқ фургон
туради. Фургоннинг четига нимадир деб ёзилган, извошчи
ўринидигида пешонаси пастга эндирилган шляпада мугомби-
рона башарали майда одамча ўтиради. Боксёрнинг оғили
бўм-бўш эди.

Ҳайвонлар фургонни ўраб олишди. «Учрашунча, Бок-
сёр! – Жўровозликда бақиришди улар. – Ҳали соғаясан,
кўришамиз!»

– Аҳмоқлар! Тентаклар! – Бақирди Бенжамин, уларни
туртиб ва ғазабдан ерни тепиб. – Овсарлар! Фурғонда нима
деб ёзилганини кўрмаяпсанларми?

Ҳайвонлар унга кулоқ солдилар, кейин сукунат чўқди.
Мюриэл ҳарфларни ўқиб, сўзларга айлантира бошлади. Би-
роқ Бенжамин уни туртиб юборди ва оғир сукунат ичидা
равон ўқиди: «Алфред Симмонс. Қассобхона ва совунко-
на. Ҳайвон териси, суяклари ва гўшти савдоси. Итлар учун
овқат». Бунинг нималигини тушунмаяпсанларми? Улар Бок-
сёрни пул учун қассобхонага топширишибди!

Ҳамма ҳайвонлар ич-ичидан ваҳшатли бир қичқирик
отилди. Шу дақиқа извошчи одамча отларни қамчилади ва
фургон секин ҳовли томон йўлга тушди. Йиги-сиғи билан
ҳайвонлар уни кузатиб бордилар. Кловер бутун кучи билан
югурди ва унга етиб олди. «Боксёр! – Қичкирди у. – Боксёр!
Боксёр! Боксёр!» Шу дақиқада атрофдаги шовқинда нимани-

дир эшитгандай, фургоннинг орқа деразасида тумшуғига ок латта боғланган Боксёрнинг афти кўринди.

— Боксёр! — Қичқирди даҳшатли овоз билан Кловер. — Боксёр! Сакра! Тезроқ! Улар сени сўйишга олиб кетишияпти!

Ҳамма жониворлар баравар чинқиришди: «Сакра, Боксёр, сакра!» Аммо фургон тезликни ошириб, улардан олислади. Боксёр Кловер унга нима демоқчилигини англадими-йўқми, бу номаълум эди. Лекин у орқа деразачадан ғойиб бўлди, фургон ичидаги туёқларнинг тақиилагани эшитилди. Боксёр озодликка чикишга уринди. Шундай лаҳзалар бўлдикси, гўё — яна бир неча зарба бўлса, фургон Боксёрнинг туёқлари зарбидан парчаланиб кетарди. Бироқ, афсус! — Унинг дармони қолмаганди, туёқ овозлари ҳар лаҳзада заифлашиб, охири тинди. Иложисиз дарғазаблик билан жониворлар фургонни тортаётган иккита отга мурожаат қилишга уриндилар. «Ўртоқлар! Ўртоқлар! — Қичқиришди улар. — Сизлар ўз биродарингизни қассобга олиб боряпсиз!» Аммо онгсиз, лоқайд жониворлар нима бўлаётганини англашга қодир эмасдилар, қулоқларини қисганча, қадамларини бадтар тезлатдилар. Боксёр деразадан бошқа кўринмади. Ҳайвонлар чопиб бориб, дарвозани беркитиш мумкинлигини англағанларида, жуда кеч бўлганди. Фургон аллақачон дарвозадан ўтиб бўлган, энди муюлишдан бурилиб, кўздан ғойиб бўлаётганди. Ҳеч ким Боксёрни қайта бошқа кўрмади.

Уч кун ўтгандан сўнг, уни кутқариши учун қилинган барча ҳаракатларга қарамасдан, Уиллингтоннинг энг яхши шифохонасида вафот этгани хабар қилинди. Қичқироқ ҳаммага шу гапни айтди. Унинг сўзларига қараганда, у сўнгти лаҳзагача Боксёрнинг ёнида бўлган.

— Бу мен ҳаётимда кўрган энг ҳайратли лаҳзалардан бири эди, — деди Қичқироқ, думини тик қилганча, кўз ёшлини артиб. — Мен унинг тўшаги ёнида ҳаётининг сўнгти лаҳзалиригача бирга бўлдим. Охирида, гапиришга кучи деярли қолмаганда, у менинг қулоғимга шивирлади, унинг ягона қайғуси тутгалланмаган тегирмон экан. «Олға, ўртоқлар! — Шивирлади у. — Инқилоб номи билан олға. Яшасин Ҳай-

вонобод! Яшасин Наполеон! Наполеон ҳамиша ҳақ». Унинг сўнги сўзлари шу бўлди, ўртоқлар.

Шундан сўнг Қичқироқнинг кайфияти кескин ўзгарди. У сукут сақлаб турди, атрофга шубҳали назар солди ва яна сўз бошлади.

Боксёрни шифохонага олиб кетаётганда тарқалган айрим миш-мишлар унга етиб борибди. Кимдир Боксёрни олиб кетаётган фургоннинг деворига «Қассобхона» деб ёзилганига эътибор қаратиб, шошқалоқлик билан Боксёрни сўйишга олиб кетишпети, деган хулоса чиқарган экан. Бунга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмайсан, деди Қичқироқ, наҳотки орамизда енгилтаклар, ваҳимачилар бўлса, – қичқирди у, думини ликиллатиб ва у ён-бу ёнга йўрғалаганча, – Наҳотки улар бу ишларни уларнинг ҳурматли дохийси Наполеондан яхши тушунсалар? Аслида буни осон тушунтириш мумкин. Фургон қачонлардир қассобхонага тегишли бўлган, кейин яқинда уни ветеринар шифохона сотиб олган, лекин ҳали эски ёзувларни бўяшга ултурмаган. Ҳамма тушунмовчилик шундан келиб чиққан.

Уни тинглаган жониворлар, эҳ гўл, содда жониворлар, улкан бир енгиллик ҳис қилдилар. Қичқироқ Боксёр ўлим тўшагида сўнги кунларини қандай ўтказганини батафсил ҳикоя қила бошлагач, у қандай улкан ҳурмат ва эътиборга эга бўлганини, Наполеон ҳеч бир иккиланишсиз ажратган пулларга сотиб олинган қимматбаҳо дори-дармонлар ҳакида эшитгач, жониворларнинг охирги шубҳалари ҳам йўқ бўлди. Уларни ўз биродарларидан айрилгани учун тушган улкан ғам ўрнини у жуда баҳтилигича ўлганидан қоникиш ҳисси эгаллади. Фақат кекса эшак Бенжамин оқни қора, қорани оқ қила оладиган маънавиятчи чўчқа Қичқироққа ҳўмрайиб термиларди.

Кейинги якшанбадаги учрашувга Наполеон шахсан қатнашди ва Боксёр шарафига қисқача нутқ ҳам сўзлади. Афуски, деди у, биродаримизнинг мурдасини молхонамизга кўмишнинг имкони йўқ, аммо мен аллақачон дафна баргларидан каттакон гулчамбар буюртма бердим, уни Боксёрнинг қабрига қўйишади. Бир неча кундан кейин чўчқалар Боксёр

шарафига катта зиёфат уюштиришни мўлжалламоқда. Наполеон ўз чиқишини Боксёр севадиган иккита даъват: «Мен янада кўпроқ ишлайман» ва «Ўртоқ Наполеон ҳамиша ҳақ» деган шиор билан тутатди. Бу сўзларни, деди у, ҳар бир ҳайвон ўз қалбига ўрнаштириб, ўзиники қилиб олиши керак.

Зиёфат учун ажратилган кунда Уиллингтондан дўкончинг фургони келди ва молхонага кичкина яшикда ичкалийк тўла шишаларни ташлаб кетди. Тунда молхона ичкарисидан пала-партиш хиргойилар, жанжални эслатадиган қичқириқлар эшитилди ва ҳаммаси соат ўн бир атрофида деразанинг синиши билан якунланди. Кейинги куни тушлик пайтигача молхона ҳовлисида ҳеч ким кўринмади. Миш-мишларга қараганда, чўчқалар Боксёр топширилган қассобхонаданми, қайдандир пул топишган ва виски сотиб олиб, ичишган.

Х БОБ

Йиллар ўтди. Баҳорлар ва кузги хазонрезгилар келдилар ва ўтдилар. Ердаги қисқа умри тугаб, ажал муддати келгандар бирин-кетин кетдилар. Инқилоб кунларини эслайдиган ҳайвонлардан Кловер, Бенжамин, қарға Мозус ва бир-икки чүчқадан бошқа деярли ҳеч ким қолмади.

Мюриэл вафот этди; Блюбелл, Жесси ва Пинчер ҳам ўтиб кетишиди. Жонс ҳам ўлди – у қандайдир олис бир ердаги ичкиликтөзлөр даволанадиган шифохонада жон берди. Мухолифатчи Сноуболл ҳам унтутилди. Боксёрни ҳам унтутишди – уни шахсан билгап бир-икки жонивор эсларди, холос. Кловер оёклари букланмайдиган ва күзларидан йириңг оқиб ётадиган кекса бир байталга айланди. У икки йил аввал нафақа ёшига етганди, аммо ҳали бу молхонада ҳеч ким нафақага чиқмаганди. Яйловнинг бир чети нафақага чиқадиган жониворларга ажратилиши ҳақидаги гап-сўзлар ҳам аллақачон унтутилиб кетганди. Наполеон бир ярим центнерли ашаддий баҳайбат чўчқага айланди. Қичқироқ семизлигидан кўзи зўрга очиларди. Фақат кекса эшак Бенжамин ўзгармади; фақат тумшуғидаги туклари оқарганди, Боксёрнинг ўлимидан кейин у буткул ғамгин ва таркидунёчи бўлиб қолганди.

Молхонада, гарчанд ўсиш ўз вақтида тахмин қилинганидай юксак бўлмаса-да, энди кўплаб ҳайвонлар яшарди. Янги дунёга келганлар учун қачонлардир одамларга қарши қилинган кўзғалон олис бир афсона бўлиб қолган, бу ҳақдаги ривоятлар оғиздан-оғизга ўтиб юрарди. Сотиб олинган жониворлар эса, улар келгунларича молхонада нималар юз берганидан буткул бехабар эдилар. Кловердан ташқари, молхонада яна учта от яшарди. Булар ҳалол жониворлар, виждонли ишчи отлар ва яхши ўртоқлар эди, бироқ ҳаммаси ҳам гўл ва овсар эди. Уларнинг ҳеч бири алифбони «В» ҳарфидан бошқасини ўрганолмади. Уларга инқилоб ва ҳайвонизм та-мойиллари ҳақида нима айтишса, барини қабул қиласидилар. Айниқса, буни улар фарзандлик муҳаббати билан севадиган Кловер айтса, улар учун ҳақиқат ҳисобланарди; улар гапни маъқуллаб, бош силкитсалар-да, аслида бирор нарсани ту-шунгандари гумон эди.

Молхона ривожланиб борар, унда қатъий тартиб ҳукмрон эди, ҳудуди ҳатто мистер Пилкингтондан сотиб олинган иккита яйлов ҳисобига кенгайган ҳам эди. Ниҳоят тегирмон қурилиши самараји якунланди ва энди молхонанинг элеватори ва дон совурадиган машинаси бор эди. Бир неча янги бино ҳам тикланганди. Уимпер икки гилдиракли арава сотиб олди. Ростини айттганда, молхонада электр токи барибир ҳам йўқ эди. Тегирмонда ун элашарди ва у молхонага сезиларли даромад келтиради, Ҳайвонлар тегирмон қуриш учун кўп заҳмат чекдилар; айтилгандикси, ҳали унга динамомашина ўрнатилиди. Сноуболл орзу қилган фаровонлик: катаклар ва оғилхоналарда электр чироқлари, иссиқ ва совук сув, уч кунлик иш ҳафтаси, – буларни бошқа эслашмасди. Наполеон бу ғояларни ҳайвонизм арконларига зид деб эълон қилди. Ҳаёт ҳақиқати, деди у, роҳат-фароғат қилишда эмас, тинимсиз меҳнат қилиш ва ҳаётда борига қаноат қилишдадир.

Гоҳида молхона бойиб бораётгандай туюларди, ҳолбуки, бу фаровонликнинг чўчқалар ва кўппаклардан бошқа ҳайвонларга алоқаси йўқдай эди. Эҳтимол, шундай тасаввур ҳам мавжуд эдики, молхонада чўчқалар ва итлар кўпайиб кетган. Албатта, улар ҳам меҳнат қиласди. Улар жуда банд, тинмай тушунтиради Қичқироқ, уларда молхона ишларини назорат қилиш ва ташкиллаштириш соҳасида чексиз мажбуриятларга эга эди. Улар килаётган жуда кўп ишларни ҳайвонлар тушуниб етолмас эдилар. Масалан, Қичқироқ тушунтирадики, чўчқалар ҳар куни «статистика», «ҳисобот», «қайднома» ва «эслатма» сингари сирли хужжатлар устида тер тўқадилар. Бу жуда катта, зич ёзилган ва ёзиган тугалланганидан сўнг, оловда ёқиб юбориладиган қофоз варақлари эди. Молхонанинг ривожланиши шунга боғлиқ, деб тушунтиради Қичқироқ. Бироқ на чўчқалар, на кўппаклар ўз меҳнатлари билан бирор озуқа ёки маҳсулот яратмасдилар; лекин бу улкан жамоанинг иштаҳаси юҳодай эди.

Қолганларнинг ҳаёт тарзига келсак, уларга маълум эдики, улар ҳамиша айнан шу тахлит яшаганлар. Улар доимо оч эдилар, пичан устида ётардилар, кудук сувини ичардилар ва даладан бери келмасдилар. Қишида совукдан азоб чекар-

дилар, ёзда пашишалар жонларига тегар эди. Кекса ҳайвонлар гоҳида, хотираларининг чукур-чукурларини ковлаб, инқилобнинг дастлабки йилларида, золим одам бўлган Жонс ҳайдалганидан сўнг ҳозиргидан яхши яшаганмидилар ёки ёмонми, деб эслашга уринардилар. Эслай олмасдилар. Улар ҳозирги ҳаётларини нима билан таққослашни билмасдилар: уларнинг Кичкирокнинг маърузаларидан бошқа нарсадан хабарлари йўқ эди, Кичкироқ, рақамлар билан куролланган ҳолда, уларга ишлар кундан-кунга яхшилангаётганини ишончли тушунтирарди. Ҳайвонлар сездиларки, муаммонинг ечими йўқ, ҳар ҳолда, уларнинг бундай мавзуларни мулоҳаза қилишга вактлари деярли йўқ. Фақат кекса Бенжамин ўзининг узун умридаги ҳар бир чизиқни эсларди, у билардики, бу дунёда ишлар ҳамиша шундай давом этган, яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаган. Куйидагилар ишлаган, юқоридағилар еб-ичган, ҳайвонлар учун ҳамиша очлик, қашшоқлик ва ҳайроналик ҳасрати. Бу фоний дунё ҳаётининг рад қилиб бўлмас тартиботи шундоқдир.

Бу гўл жониворларни барибир умид тарк этмасди. Бундан ташқари, уларга ҳамиша ўзларига берилган имконият – Ҳайвонобод молхонаси аъзолигидан фаҳрланиш туйғуси ёр эди. Улар ҳали ҳам мамлакатда – бутун Англияда – ҳайвонларга тегишли бўлган ва ҳайвонларнинг ўзлари бошқарадиган ягона молхонада эдилар. Уларнинг ҳеч бири, ҳатто энг навқиронлари, ҳатто ўн ёки йигирма мил наридаги молхоналардан янги сотиб олингандар ўзлари тегишли бўлган бу мўъжизага дахлдорликни ҳис этардилар. Улар тўшпонча ўқидан отиласдиган салютни эшигнларида ва таёқда осилган яшил байроқни кўрганларида, юраклари бокий бир ғууррга чулғанарди, албатта, Жонс ҳайдалган, ҳайвонизмнинг еттиаркони қарор топган, мислсиз жангда инсоният устидан ҳайвоният ғалаба қилган инқилоб кунларини ёд этардилар. Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди. Кекса майор чўчқа томонидан башорат қилинган Англиянинг яшил яйловларида ястаниб ётадиган, инсон қадами тегмайдиган Ҳайвонлар Республикасига бўлган ишонч яшашда давом этарди. Қачондир бу замон келади: эҳтимол, тезда келмас, балки, ҳозир яшаёт-

ганлар у кунни кўра олмас, лекин ўшал кун келур. Гоҳида унда-бунда «Англия жониворлари» оҳанглари эшитилиб қоларди, ҳар ҳолда, гарчанд овоз чиқариб айтишга кўркса-да, молхонанинг барча аҳолиси уни биларди. Ҳа, ҳаёт оғир эди ва уларнинг ҳамма орзулари ҳам рўёбга чиқавермасди; аммо улар англардиларки, уларнинг эркин ва мустакил молхоналари бошқалардан фарқ қиласди. Улар оч қолмоқдалар, аммо энди золим ҳукмдор одамларни боқаётгандари йўқ, тепаларида ўзларининг ҳайвонлари бошқармоқда. Агар оғир меҳнат қилаётган бўлсалар, алал-оқибат, ўзлари учун меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳеч бири икки оёқда юрмаяпти. Уларнинг ҳеч бири “Хўжайн” деган сўз нималигини билмайди! Ҳамма ҳайвонлар тенгдирлар.

Ёз бошланиши эди, кунларнинг бирида Қичқироқ қўйларга ўзининг ортидан эргашишни буюрди ва уларни молхонанинг охирига, ёш қайинзорлар томон олиб кетди. Қичқироқнинг назорати остида улар кун бўйи ёш баргларни еб кун ўтказдилар. Кечкурун улар молхонага қайтмоқчи бўлишганди, уларга ўша жойда қолиш буюрилди, чунки ҳаво иссиқ эди. Алал-оқибат, улар бу ерда бир ҳафта мобайнида қолишиди, шунча вақт уларни бирорта жонивор кўрмади. Қичқироқ улар билан куннинг аксарият қисмини ўтказарди. У қўйларга янги қўшиқни ўргатар эди, алоҳида яшаш шунинг учун зарур эди.

Ажойиб кунларнинг бирида, айнан қўйлар молхонага қайтган пайтда, ҳайвонлар ишлиарини тутатиб, шошилмасдан молхонага келаётгандарида, улар ҳовлида кўрқинчли кишинашни эшитидилар. Ҳайвонлар ҳайратдан қотиб қолдилар. Бу Кловернинг овози эди. У яна кишинади ва ҳайвонлар молхона томон югурдилар. Ҳовлига киргач, улар Кловерни кўрқитган манзарани кўрдилар.

Бу иккита орқа оёғида одамдай тик юраётган чўчқа эди.

Ҳа, бу чўчқа Қичқироқ эди. У бироз саросималаниб юрар, чунки ҳали ўз қорнини бу ҳолатда кўтариб юришга ўрганмаган эди, бироқ анчайин чаққон мувозанат сақларди, шу ҳолда ҳовлининг охиригача борди. Бир дақиқадан сўнг молхона эшигидан чўчқалар саф-саф чиқа бошлади, уларнинг

ҳаммаси орқа оёқларида юриб борарди. Уларнинг айримлари яхши юрар, бошқалари унчалик яхши юролмас, баъзилар ҳатто шу қадар гандираклардики, уларга суюнчиқ керак эди, аммо ҳаммалари ҳовлини шу тариқа бир айланиб чиқиши. Ниҳоят, итнинг вовуллаши ва хўрознинг тантанали қу-кулаши эшитилди, буларнинг бари Наполеоннинг ташриф буюришини англатарди. Ҳайвонобод дохийси, итлар қуршовида оломонга менсимай қараганча, ҳовлини гердайганча айланаб чиқди.

Унинг туёқлари орасига қамчин тиқилган эди.

Ўлик бир жимлик чўқди. Ҳайратланган ва саросимага тушган жониворлар бир тўда бўлиб, ҳовлида саф тортиб тик оёқда юраётган чўчқаларни кузатиб турардилар. Гўё ер юзи остидан устига ағдарилгандай эди. Бироқ ниҳоят, биринчи ҳайратланиш ўтди, ҳеч нарсага қарамасдан – на итлар олдидаги кўркувга, на узоқ йиллар тарбияланган, нима бўлса-да, ҳеч қачон шикоят қилмаслик, ҳеч қачон гапирмаслик сингари одатларга қарамасдан, – норозилик сўзлари янгради. Бироқ, айнан шу лаҳзаларда, гўёки бир ишора билан, кўйлар баланд овозда баърай бошладилар:

– Тўрт оёқ – яхши, икки оёқ – яхшироқ! Тўрт оёқ – яхши, икки оёқ – яхшироқ! Тўрт оёқ – яхши, икки оёқ – яхшироқ!

Шу тариқа баъраш беш дақиқа мобайнода тўхтовсиз давом этди. Кўйлар баърашни тўхтатганда, норозилик учун вақт тугаб бўлган эди, чунки чўчқалар аллақачон молхона ичига кириб кетгандилар.

Бенжамин кимдир тумшуғи билан елкасига туртаёттанини сезди. Орқага ўгирилиб қаради. Бу Кловер эди. Унинг нурсизлашган кўзлари янада хиралашиб кетди. Бирор сўз демасдан, у отнинг ёлидан оҳиста тортид ва омборнинг ҳайвонизмнинг етти аркони битилган орқа девори томонга етаклади. Бир-икки дақиқадан сўнг улар оқ ҳарфлар билан арконлар ёзилган девор тагида турардилар.

– Кўзим хиралашиб, заифлашиб қолди, деди у ниҳоят.
– Бироқ, ҳатто ёшлигимда ҳам барибир шу девордаги ёзувларни ўқий олмасдим. Аммо, менинг назаримда, девордаги

ёзувлар бироз ўзгаргандай. Етти арконимиз ўзгармаганми, Бенжамин?

Илк бор Бенжамин ўз қоидаларига хилоф равишида де-вортагиларни унга ўқиб берди. Ҳаммаси аввалгидай эди факат битта тамойил ўзгартирилганди. Унга кўра:

**ҲАММА ҲАЙВОНЛАР ТЕНГДИРЛАР,
БИРОҚ АЙРИМ ҲАЙВОНЛАР
БОШҚАЛАРИДАН КЎПРОҚ ТЕНГДИРЛАР.**

Энди кейинги куни молхона ишлари устидан назорат қи-лувчи чўчқалар қамчин билан куролланганда, бу ҳеч кимга ғалати туюлмади. Чўчқалар ўзларига радиоузатгич сотиб ол-ганда, ўзлари учун телефон алоқасини улаттанида ва «Жон Бул», «Тит-бит» ва «Дейли Миррор»га обуна бўлганларида, буларнинг бари ҳам ғалати кўринмади. Яна бир нарса ғалати туюлмасдик, энди Наполеонни молхонанинг боғида оғзи-да тамаки муштугини тиққанча айланиб юрган ҳолда кўриш мумкин эди. Чўчқалар мистер Жонснинг кийим-кечаклари-ни ҳам кия бошлагани ғалати эмасди. Наполеон қора кам-зул кийди, овчилар шимига ва чарм тиззаликларга ўранди, унинг севикли жазмани Жонс хонимнинг якшанба кунлари киядиган ипак кўйлагини кийиб олди.

Бир ҳафтадан сўнг, тахминан, тушликдан сўнг бир неча извош аравалар ташриф буюрди. Бу молхона билан танишиш учун ташриф буюрган кўшни молхоналарнинг делегацияла-ри эди. Улар ҳаммасини бошдан оёқ томоша қилишди, кўр-ганларидан, айниқса, тегирмон манзарасидан узоқ ҳайратла-нишди. Ҳайвонлар лавлаги экилган далани ўтоқ қилишарди. Улар ўта тиришқоқлик билан ишлардилар, бошларини ердан кўтармас, кимдан – чўчқаларданми ёки меҳмонларданми – кўпроқ кўрқиши билмасдилар.

Оқшом молхона томондан қўшиқ овози ва жарангдор қийқириқлар эшитилди. Тўсатдан, бу овозларни эшита ту-риб, ҳайвонларда кучли қизиқиши пайдо бўлди. Одамлар ва ҳайвонлар илк бор бир-бирига тенглар сифатида учрашганда нималар бўлиши мумкин? Ҳаммалари яқдиллик билан молхона боғида йигила бошлашди. Бог эшигидан ўтиб, бир зумгина қўркувдан тўхтаб қолишди, аммо Кловер уларни

ортидан эргаштириди. Улар туёқ учиды юриб, уйга яқин келишди, уларнинг бўйи баландлари ошхонанинг деразасидан қарадилар. Бу ерда юмалоқ стол атрофида беш-олтита фермер ўтиришар ва яна шунчак номдор чўчқалар ҳам шу ерда эдилар. Наполеон столдаги энг мўътабар жойни эгаллаганди. Чўчқалар оромкурсиларда ястаниб ўтиришарди. Бутун тўда қарта ўйнаш билан кўнгилхушлик қилас, вакт-вакти билан навбатдаги қадаҳ сўзи учун ўйинни тўхтатиб туришарди. Катта кўза давра айланар, стаканлар мунтазам пивога тўлдириларди. Дераза ойнасига ёпишиб, ҳайронга турган башараларга бирор эътибор ҳам бермади.

Кўлида қадаҳ тутганча, Фоксвудлик мистер Пилкингтон ўрнидан турди. Мен, деди у, хурматли даврани менинг қадаҳ сўзимга кўшилишга чақираман. Аммо аввал менинг дилимдан очиқликка чиқаётган бир оғиз сўзимга дикқат қилишингизни сўрайман.

— Юксак бир қоникиш билан шуни таъкидлаш лозимки, — деди мистер Пилкингтон, — мен бунга қолган барча дўстлар кўшилишига ишонаман. Тушунмовчилик ва ишонмасликнинг узок даври ўтди. Пайт келди, нафақат мен, бу фикрни қатнашаётган барча дўстлар қувватлади. Энди Ҳайвоно-боднинг хурматли эгалари ўз кўшниларига нафақат беҳадик, балким муайян бир ишонч билан қарашлари мумкин. Барча ўнғайсиз вазиятлар унуптилди, бузғунчи ғоялар рад этилди. Ўз вақтида чўчқалар эгалик қилган ва бошқарадиган молхона мавжудлигининг ўзи ҳам ноқулай ҳолат ва у кўшниларга ёмон таъсир кўрсатади, деб қаралар эди. Кўплаб фермерлар бу молхонада ўзбошимчалик ва бошбошдоқлик хукмрон деб ўйлашарди. Улар мазкур молхона уларнинг қарамоғидаги жониворларга ва ҳатто айрим ишчиларига ўтказиши мумкин бўлган таъсирдан хавотирда эдилар. Бугун ҳеч қанақа шубҳа ва гумонлар мавжуд эмас. Бугун шахсан ўзим ва барча дўстлар, молхонага ташриф буюриб, уни ўз кўзимиз билан кўриб, бошдан оёқ ўргандик. Биз нималарни кўрдик? Наинки бу ердаги хўжалик юритишнинг замонавий усуслари, балким бунда ўрнатилган интизом ва тартиб барча фермерлар учун илҳомбахш намунадир. Ишончим комилки, бу ердаги ишчи

жониворлар ўлкамиздаги бошқа исталған молхонадагидан күпроқ мекнат қиласылар ва камроқ овқат ейдилар. Мен ва менинг дүстларим бугун бу молхонада жуда күп янгиликтарни күрдик ва бу тартибларни ўз молхоналаримизда жорий этишга ҳаракат қиласым.

Ўз нутқимни тугатищдан олдин шуны айтмоқчиман, – деди у, – энди Ҳайвонобод ва унинг қўшилари ўртасида фақат дўстона алоқалар давом этиши керак. Энди инсонлар ва ҳайвонлар ўртасида фарқ қолмади, қарама-қаршиликлар ҳам йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак. Бизда энди ташвишлар ва қийинчиликлар ҳам бир хил, жумладан, ишлаб чиқаришга оид муаммолар.

Шу ерга келганда, мистер Пилкингтон даврадагиларга обдон ўйланган хулосасини ҳавола этмоқчи бўлди, аммо шу қадар ҳаяжонда эдики, бу ишни бирдан эслай олмади. Кўпсоили бағбақаларини қизартириб юборган саросимаси бироз босилгач, у шундай лутф қилди: «Сизда ишчи ҳайвонлар бўлса, – деди у, – бизда ишчилар синфи бор!»

Бу сўз ўйини даврада қийқириқ ва олқиши олди; мистер Пилкингтон бугун молхонада кўрган оз озука, узун иш куни ва бошқаришнинг шафқатсиз усувлари учун чўчқаларга яна бир бор миннатдорчилик билдириди ва бу усул билан биз ҳам муаммоларимизни ечамиз, деб кўшиб кўйди.

Энди эса, деди у, стаканларнинг тўлалигига ишонч хосил қилгач, мен даврамизни туришга даъват этаман.

«Жентельменлар, – деди у, қадаҳ сўзини якунлаб, – мен таклиф қиласман: Ҳайвонободнинг тараққиёти учун ичамиз!»

Ҳамма дўстона ва шодумон ҳолда оёққа қалқди. Миннатдорчилик туйғулари жўшган Наполеон ҳатто иссиқ ўрнидан туриб, даврани бир айланиб чиқди ва мистер Пилкингтон билан стаканини тўқишитирди, кейин уни зарб билан ичиб юборди. Шодумонлик бир қадар тинганда, ҳали ҳам оёқда турган Наполеон бир неча оғиз сўз айтишини эълон қилди.

Барча нутқлари каби, Наполеоннинг бу нутқи ҳам қисқа ва аниқ бўлди. Мен ҳам, деди Наполеон, тушунмовчиликлар даври тугаганидан бахтиёрман. Узоқ давр мобайнинда турли миш-мишлар авж олди – уларни ёвуз душманларимиз

тарқатган, дейишга барча асослар бор. Гүё мен ва менинг ҳамкасбларим шубҳали ва ҳатто инқилобий қарашларга эга эмишмиз. Гүёки, биз күшни молхоналардаги ҳайвонлар орасыда исён күзғатишни мақсад қылган эмишмиз. Буларнинг бари ҳақиқатдан йироқ! Бизнинг ягона истагимиз аввал ҳам, ҳозир ҳам тинчликда яшаш ва ўз күшниларимиз билан меъёрдаги ишбилармонлик муносабатларини қўллаб-куватлашдир. Мен бошқариш шарафига муносиб бўлган бизнинг молхонамиз ширкат корхонасидир. Менинг тасарруфимдаги мулк хукуқини белгиловчи ҳужжат бу мулкни чўчқалар бир-галикда бошқаришини таъкидлайди.

Мен, деди Наполеон, қандайдир эски шубҳалар ҳали ҳам қайдадир қолган бўлиши мумкин, деб ҳисоблайман, шунга қарамасдан, молхонада дарҳол муайян ислоҳотлар ўтказилади, бу ўзгаришлар орамиздаги яқинлашув жараёнини мустаҳкамлаши керак. Шундай қилиб, молхонадаги ҳайвонлар бир-бирларига «ўртот» деб мурожаат қилиш сингари аҳмоқона одатта эгадирлар. Бунга энди барҳам берилади. Бундан ташқари, илдизлари номаълум қолаётган ғалати бир одат бор, яъни жоноворлар якшанба кунлари эрталабда ўлган чўчқанинг ёғочга мих билан қоқилган бош чаноги олдидан саф тортиб ўтадилар. Бу одатни ҳам тутатиш керак, бош чаногини эса белгиланган тартибда дафи этиш лозим. Ташриф буюрганлар тўсинга осилган яшил байроқни кўрган бўлишлари мумкин. Улар шунга эътибор қаратишлари керакки, авваллари бу байроқда ҳайвон шохи ва туёғи тасвирланган эди, энди улар йўқ. Энди фақат тоза яшил матонинг ўзи бўлади.

Менда фақат битта эътиroz бор, деди Наполеон, мистер Пилкингтон ўзининг яқин кўшничилик рухи билан суфорилган гўзал нутқида Ҳайвонобод сўзини тилга олди. У, албатта, ҳали билмасди, – чунки мен ҳозиргина буни сизларга ҳабар қиляпман: бундан буён «Ҳайвонобод» сўзи мавжуд эмас. Бугундан бошлаб «Кўргонча молхонаси» мавжуд, ишончим комилки, бу унинг азалий ва тўғри номидир.

– Жентельменлар, – деб ўз сўзини якунлади Наполеон.
– мен ҳам сизларга худди шу қадаҳ сўзини бироз ўзгариш

билан таклиф этаман. Стаканлар қирғоғигача түлдирилсін. Жентельменлар, менинг қадақ сўзим: «Кўрғонча молхонаси» тараққиёти учун ичамиз!

Бу қадақ сўзи·ҳам аввалгисидай жўшқин шодумонлик билан қарши олинди. Қадаҳлар сўнгти томчисигача бўшатилди. Бироқ бу саҳнани ташқаридан кузатиб турганлар назарида ғалати ҳодисалар юз бераётганди. Чўчқаларнинг афт-ангрида нималар ўзгарган? Кловернинг қартайган, заиф кўзлари бир башарадан иккинчисига қараб ўтарди. Бир башарада бешта бағбақа, бошқасида – тўртта, кимдадир учта бағбақа бор эди. Нега бу башаралар унинг кўз ўнгидаги чаплашиб кетмокда, ифодасини ўзгартирумокда? Қарсаклар тиниб, давра яна узилиб қолган қарта ўйинига қайтгач, жониворлар дераза олдидан секин кета бошлидилар.

Йигирма метрча ўтган ҳам эдилар, ҳамма бирдан тўхтади. Молхонадан шовқинли овозлар чиқа бошлиди. Орқага қайрилиб, улар яна деразаларга боқдилар. Ҳа, меҳмонхонада шафқатсиз жанжал бошланганди. Бақириқ-чақириқлар жаранглар, столларга муштлар билан зарб бериларди, ҳамма бир-бирига ғазаб билан боқар, ҳақоратлар янграрди. Жанжалнинг сабаби шу эдики, ё Наполеон, ё мистер Пилкингтон гирромлик қылган, ҳар иккиси столга бир пайтнинг ўзида қарғали тузни ташлашганди. Ҳолбуки, бир қарта дастасида битта қарғали туз қартаси бўларди.

Бир пайтнинг ўзида ўн икки овоз қичқирап, аммо уларнинг ҳаммаси бир хил эди. Чўчқаларга нима бўлгани энди аён эди. Ташқарида қолганларнинг назари чўчқалардан одамларга, одамлардан чўчқаларга кўчар, улар яна ва яна гоҳ одамларнинг башараларига, гоҳ чўчқаларнинг башараларига боқар, аммо уларнинг қай бири чўчқа-ю, қай бири одам эканини ажратса олмасдилар.

1943 йил, ноябрь – 1944 йил, февраль

Мундарижа

I БОБ.....	3
II БОБ	12
III БОБ.....	20
IV БОБ.....	28
V БОБ	34
VI БОБ.....	44
VII БОБ	53
VIII БОБ	65
IX БОБ.....	78
X БОБ	89

УЎК 821.111-32

КБК 84(4Ббр)

О-76

Оруэлл, Жорж.

**Молхона [Матн] : роман / Ж.Оруэлл ; таржимон К.Бахриев
- Тошкент : NIHOL, 2019. - 100 б.**

УЎК 821.111-32

КБК 84(4Ббр)

ISBN 978-9943-23-149-8

Жорж Оруэлл

Молхона

иккинчи нашр

Таржимон: Карим Баҳриев

Бош муҳаррир: М.А.Нурмуҳамедова

Муҳаррир: А.Холмонов

**Мусаҳҳилар: О.Бекмуродов, М.Фафуров,
F.Болиев**

Дизайнер ва саҳифаловчи: Н.Фармонов

Техник муҳаррир: Б.Нурмуҳамедов

Ушбу китобнинг муаллифлик ҳуқуқи "Asaxiy Books"
лойиҳасига тегишили бўлиб, "Asaxiy Books" руҳсатисиз
китобни электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай
шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонулларига
биноан таъқиқланади.

Босишига 20.10.2019 йилда руҳсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.

Шартли босма табори 5.24. Босма табори 3.12.

Адади 5000 нусха.

RAVZA YAYINLARI ÖMER FARUK KASADAR, Истанбул, Туркия